



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЕР КОДЕКСИ ВА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА
ОИД
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ



ЗЕМЕЛЬНЫЙ КОДЕКС
РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН
И АКТЫ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
ЕР КОДЕКСИ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИГА ОИД ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИ**

**ЗЕМЕЛЬНЫЙ КОДЕКС
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
И АКТЫ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА**

**NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi**

Тошкент
«Адолат»
1999

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. — Т.: «Адолат», 1999. — 448 б.

ББК 67.99(5У)5

Тўпламга Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, қишлоқ хўжалигининг ислохотига оид қонунлар ва республика Ҳукуматининг қарорлари киритилган. Тўплам қишлоқ хўжалиги мутахассислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва илмий ходимлар ҳамда талабалар учун мўлжалланган.

Основу сборника составляют Земельный кодекс Республики Узбекистан, законы и постановления Правительства республики о реформировании сельского хозяйства. Сборник рассчитан на работников сельского хозяйства, правоохранительных органов, научных работников и студентов.

Нашр учун масъуллар:

М. М. МИРСАМАДОВ
У. Т. АЮБОВ

У 1203020000 — 019 — 99
(14) — 99

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЕР КОДЕКСИ ВА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА
ОИД ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЕР КОДЕКСИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

1998 йил 30 апрель

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон, 82-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:**

**Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси тасдиқлан-
син.**

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЕР КОДЕКСИ

1-б о б. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-м о д д а. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари

Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.

2-м о д д а. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги асосий принципларга асосланади:

энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;

ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш;

ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шакллари-нинг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчилари-нинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;

ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш;

ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш.

3-м о д д а. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ва ер муносабатларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида ер муносабатлари Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Тоғ, ўрмон ва сув билан боғлиқ муносабатлар, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, шунингдек атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид муносабатлар махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради:

ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ушбу Кодексга, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш, табиатни муҳофаза

қилиш соҳасидаги бошқа тадбирлар билан яхлит тарзда ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш, ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

давлат мулкидаги ерларни тасарруф этиш;

ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

5-м о д д а. Вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киреди:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

юримдик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

ўлчамидан қатъи назар барча ерларни олиб қўйиш, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ер-

лар, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар эгаллаган ерлар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил зоналари ерлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртарининг тажриба майдонлари, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлар бундан мустасно;

дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

6-м о д д а. Туманлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш — ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда;

фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш;

фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни, ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

7-м о д д а. Шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, шаҳар чегараси доирасида эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;

ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни, ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

2-б о б. ЕР ФОНДИ

8-м о д д а. Ер фонди тоифалари

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва тоқзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2) аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари — шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

3) саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар — кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар — алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий да-

волаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланиладиган ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар — тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;

6) ўрмон фонди ерлари — ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

7) сув фонди ерлари — сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қир-қоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

8) захира ерлар.

9-м о д д а. Ерларни тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш

Ерлар асосий фойдаланиш мақсадига қараб ер фонди тоифаларига бўлинади.

Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади — ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва шартларидир.

Ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади.

Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади.

Ер фондининг тоифаси ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларда, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ҳужжатларида кўрсатилади.

Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини ғайриқонуний деб ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этишга асос бўлади.

10-м о д д а. Ер участкаси

Ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат ер кадастрида ва давлат рўйхатига олиш ҳужжатларида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир.

Ер участкасининг чегараси планларда (чизмаларда) қайд этилади ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланади. Ер участкасининг майдони натурада (жойнинг ўзида) чегара белгиланганидан кейин аниқланади.

Ер участкаси бўлинадиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин.

Ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ва ёнфинга қарши, санитария, экологияга оид, шахарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири мустақил ер участкасини ташкил этиши мумкин бўлган ер участкаси бўлинадиган ер участкаси ҳисобланади.

Фойдаланиш мақсадига кўра мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлинмайдиган ер участкаси ҳисобланади.

3-б о б. ЕР ТУЗИШИ

11-м о д д а. Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш

Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш — ҳудудларнинг табиий шароитларни ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари агробиологик талабларини ҳисобга олган ҳолда бўлинишидир.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштиришга мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш тўғрисидаги норматив ҳужжатларнинг талаблари ер участкаларини қонуний сақлаш вазифаларига тааллуқли бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларга ана шу участкаларни бериш шартлари жумласига киритилади.

12-м о д д а. Ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни

Ер тузиш ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Ер тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ ер тузиш хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ер тузиш истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаш олди-дан, хўжаликлараро ҳамда ички хўжалик ер тузиш турларига бўлинади.

Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан амалга ошириладиган ер тузишга қуйидагилар киради:

1) республика ва унинг минтақаларининг ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш чизмаларини ишлаб чиқиш;

2) туманлар ва вилоятларнинг ер тузилиши чизмаларини ишлаб чиқиш;

3) тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ истиқбол режаларини, республика миқёсидаги ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш;

4) алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг жойлашиши ва чегаралари белгиланишини асослаш.

Хўжаликлараро ер тузишга қуйидагилар киради:

1) жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, посёлкалар, туманлар, шаҳарлар, вилоятларнинг чегараларини белгилаш;

2) ерларнинг жойлашишидаги ноқулайликларни бартараф этган ҳолда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларнинг ва мулкдорларнинг янги ер участкаларини ташкил этиш ҳамда мавжуд ер участкаларини тартибга солиш лойиҳаларини тузиш;

3) янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

4) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган ерларни ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

5) ер участкаларини натурада (жойнинг ўзида) ажра-

тиб бериш, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш;

6) янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, кўчкилардан, сув босишдан, захлашдан, қақраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, радиоактив ва кимёвий моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш бўйича ишчи лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

7) барча ерларни рўйхатга олиш ҳамда фойдаланилмаётган, самарасиз фойдаланилаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ерларни доимий аниқлаб бориш;

8) ерларни ресурс жиҳатидан баҳолаш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан ер тузиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

9) ерларни баҳолаш тадбирларини ўтказиш.

Хўжаликлараро ер тузиш туманлар ёки бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари гуруҳларининг маъмурий чегаралари доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари бошқа туманлар ёки шаҳар ва посёлкалар ҳудудига тегишли бўлган ҳолларда, уларнинг чегараларини ўзгартириш масалалари маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш тартибида ҳал қилинади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари тасдиқланганидан кейин натурага (жойнинг ўзига) кўчирилиб, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ер участкаларининг чегаралари белгиланган намунадаги марза белгилари билан ажратилади.

Ички хўжалик ер тузиш тури қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳудудини ички хўжалик негизида белгилаб олиб, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорлар, яйловлар, боғлар, тоқзорлар ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек сугориладиган ерларни тўла реконструкциялашни ўз ичига олади.

Ички хўжалик ер тузиш тури лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан ер тузишнинг таркибий қисми бўлган муаллифлик назорати олиб борилади.

Ер тузиш тартибида ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Ер тузиш таркибида топография-геодезия, картография, тупроқ, агрохимё, геоботаника жиҳатидан, тарихий-маданий ва бошқа йўналишда текширишлар ҳамда излашлар олиб бориш назарда тутилади.

13-м о д д а. Ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилашга доир материаллар, шунингдек истиқболга мўлжалланган ҳамда лойиҳалаш олдидан ер тузиш ишларига доир бошқа материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари мол-мулкининг мулкдорлари ёки улар ваколат берган органлар томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинади, шунингдек манфаатдор ташкилотлар билан келишилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади. Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиб бериш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туман ҳокими томонидан тасдиқланади. Ер тузиш лойиҳаларига ўзгартишлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг рухсати билан киритилади.

Ер тузишни ер тузиш хизмати органлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Қишлоқ хўжалик экинзорларини жойлаштириш, ерларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш, эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш борасидаги ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ улар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

14-м о д д а. Ер мониторинги

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Давлат ер кадастрини юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ер мониторингини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

15-м о д д а. Давлат ер кадастри


Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрларининг ягона тизимига кирувчи давлат ва тармоқ табиат ресурслари кадастрларининг асосидир.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастри ернинг қиймат баҳосини аниқлаш учун асос бўлади.

Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкалари бериш (реализация қилиш) ва уларни олиб қўйишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш асосидан боникат дбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда татоик этилади.



Давлат ер кадастри бутун республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат кадастри ва ер тузиш хизмати органлари томонидан юритилади.

Давлат ер кадастрини юритиш топография-геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника жиҳатидан ва бошқа йўналишда текшириш ва изланишлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ижарачиларнинг ҳамда мулкдорларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш билан таъминланади.

Давлат ер кадастрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4-б о б. ЕРГА БЎЛГАН МУЛКЧИЛИК, ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ

16-м о д д а. Ўзбекистон Республикасида ерга бўлган мулкчилик

Ер давлат мулки — умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айрибошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

17-м о д д а. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари

Юридик шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

18-м о д д а. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиши

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг — дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакиллари, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи уларга уй-жой бинolari шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

19-м о д д а. Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари:

деҳқон ҳўжалиги юритиш учун;

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун;

жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод

эгаллик қилиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам берилиши мумкин.

Фуқароларнинг ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатининг шакли, уни рўйхатга олиш ва бундай ҳужжатни бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

20 - модда. Ер участкаларига доимий ва муддатли (вақтинча) эгаллик қилиш ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли (вақтинча) эгаллик қилишга ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланишга берилиши мумкин.

Ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги юритиш учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа мақсадлар учун ҳам доимий эгаллик қилишга берилади.

Доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун ер участкалари:

Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига; саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга;

чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкалари фойдаланиш учун бошқа ташкилотлар ва шахсларга ҳам берилади.

Ер участкасига доимий эгаллик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига доимий эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Давлат ҳужжатларининг шакллари, уларни рўйхатга олиш ва бундай ҳужжатларни бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли — уч йилгача ва узоқ муддатли — уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти тақозо этганда бу муддатлар тегишинча қисқа муддатли ёки узоқ муддатли вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан вақтинча фойдаланиш муддатларини узайтириш шу участкаларни берган органлар томонидан амалга оширилади.

Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига йигирма беш йилгача муддатга берилиши мумкин.

21-м о д д а. Биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкалари

Ер участкасини ушбу Кодекс 10-моддасининг бешинчи қисмига асосан бўлишнинг имконияти бўлмаса, бундай ер бир неча юридик ва жисмоний шахслар томонидан биргаликда эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган ер участкаси деб эътироф этилади, бу ҳол ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ҳужжатларида акс эттирилади.

22-м о д д а. Ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки уларни оператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ана шу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Уй-жойга, чорбоғга бўлган мулк ҳуқуқи (сотиб олиш, ҳадя ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) жисмоний шахсга ўтган тақдирда, ана шу иморатларга мулк ҳуқуқи билан биргаликда мазкур иморатлар жойлашган барча ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳам ўтади.

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулк жойлашган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан дои-

мий фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган органлар ҳамда шахсларнинг тегишинча шартномалари, қарорлари асосида туман, шаҳар ер-кадастр дафтарига ернинг янги эгаси ёки ердан янги фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва уларга ер участкасига доимий эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш ёки ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларини топшириш йўли билан расмийлаштирилади.

Корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, уларни оператив бошқариш ҳуқуқи янги мулкдорга ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг эгасига ўтган тақдирда, унга ер участкасининг корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг улушига мутаносиб бўлган қисмига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади, ер участкасини бундай ажратиш мумкин бўлмаган ҳолларда, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган масалалар юзасидан низолашилган ҳолларда ер участкасининг бўлиниши давлат кадастри ва ер тузиш хизмати органлари томонидан амалга оширилиб, туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланади ва шундан кейин ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатиغا олиниб, тегишли давлат ҳужжатлари берилади.

23-м о д д а. Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш)

Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Эгаликдаги ёки фойдаланишдаги ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан кейин амалга оширилади.

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр узатиш линиялари, магистрал

трубопроводлар қуриш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилади (реализация қилинади). Ўрмон фондига қарашли ерлардан мазкур мақсадлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бута ва арзонбаҳо дов-дарахтлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ер тузиш хизмати органлари берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгилагунарига ва ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига қадар ана шу участкага эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқланади.

Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

24-м о д д а. Ер участкаси ижараси

Ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир.

Ер участкасини шартнома асосида қуйидагилар ижарага берадилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига — туман ва шаҳар ҳокимлари;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ички хўжалик ижараси тартибида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга бириктириб қўйиши мумкин.

Ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади.

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ижарачи фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер

участкасига бўлган ўзининг ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақлидир.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

Ижарачи ер участкалари ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин шартномани янгилашда бошқа тенг шароитларда устун ҳуқуққа эга.

Ер участкаларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва унинг миқдори ижара шартномасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

25-м о д д а. Ер участкаларидан қидирув ишлари учун фойдаланиш

Геология-суратга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа қидирув ишларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бу ишларни белгиланган тартибда қабул қилинган қарорлар ва тузилган шартномалар асосида барча тоифадаги ерларда ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан, ижарачилардан ҳамда мулкдорлардан ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Суғориладиган ҳайдов ерларида, боғларда, токзорлар, тутзорлар, мевазорлар, тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган пичанзорлар ва яйловларда, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерларда, шунингдек алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерларида қидирув ишларини амалга ошириш учун рухсатномани вилоят ҳокими, бошқа ерларда эса, туман ва шаҳар ҳокимлари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берадилар, зарур ҳолларда бу муддатни узоғи билан яна бир йилга узайтиришга йўл қўйилади.

Қидирув ишларини олиб борувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иш давомида бузилган ер участкаларини белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўз

ҳисобларидан яроқли ҳолатга келтиришлари ва ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ҳамда мулкдорларига топширишлари, ерлар, экинзорлар, дөв-дарахтлар, ўрмонлар, сувлар ва бошқа табиат объектларининг, трубопроводлар, канализация, мелиорация тармоқлари ва бошқа иншоотларнинг яроқли ҳолда сақланишини таъминлаш чораларини қуришлари, шунингдек ер участкаларини вақтинча эгаллаб туриш муносабати билан ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ҳамда мулкдорларига етказилган зарарни (шу жумладан бой берилган фойдани) қоплашлари шарт.

26-м о д д а. Ер участкаларидан иморат қуриш учун фойдаланиш

Ер участкаларини (ҳайдаладиган ерлар бундан мустасно) доимий эгалик қилишга ва фойдаланишга, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, узоқ муддатли вақтинча фойдаланишга, ижарага ва мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкасини сақлаш вазифасига оид мажбуриятлар бажарилган тақдирда ўзлари олган корхоналар, бинолар, иморатлар, иншоотларни белгиланган тартибда қуриш, бузиш ёки реконструкция қилишга ҳақлидир.

27-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкалари бериш ёки реализация қилиш

Шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача доирада ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда ким ошди савдоси асосида реализация қилинади.

28-м о д д а. Ер учун ҳақ тўлаш

Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади.

Ўз эгалигида ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

Ер солиғининг ставкалари, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин у ер солиғи ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан кўп бўлмаслиги керак, ердан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда ер солиғи ставкасининг бир баравари миқдорида бўлади.

29-м о д д а. Ер участкасини сақлаш вазифаси

Эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага берилган ёки бошқа асосларга биноан олинган ер участкасини сақлаш вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги мажбуриятлар билан таъминланиши мумкин:

ер участкасини сотиш ёки ўзгача тарзда бошқаларга ўтказишни тақиқлаш;

ер участкасини иккиламчи ижарага ва ёрдамчи пудратта, ушбу Кодекс 51-моддасининг ўнинчи қисмида назарда тутилган ҳолатда эса, ижарага беришни тақиқлаш;

ер участкасидан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартиришни тақиқлаш;

фаолиятнинг айрим турларини тақиқлаш;

белгиланган тартибда келишувсиз кўчмас мол-мулкнинг ташқи қурилишини ўзгартиришни, иморат, бино, иншоотни реконструкция қилиш ёки бузишни тақиқлаш;

ер унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ирригация ва мелиорация тизимларини соз ҳолатда сақлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ер участкасида қурилиш қилишни ёки уни ўзлаштиришни белгиланган муддатлар мобайнида бошлаш ва тугаллаш;

табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш

ёки муайян ишларни бажариш, шу жумладан ер участкасидаги тупроқ қатламини, ноёб ўсимликларни, табиат, тарих ва маданиятга тааллуқли давлат ёдгорликларини асраш.

Ер участкасини сақлаш вазифаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар, чеклашлар ёки шартлар билан ҳам таъминланиши мумкин.

Ер участкасини сақлаш вазифаси шартлари унинг ҳуқуқий мақомига киритилиб, давлат рўйхатига олинishi лозим ва у ер участкаси бошқа шахста ўтганида сақлаб қолинади.

Ер участкасини сақлаш вазифасининг тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

30-м о д д а. Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут)

Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) — қўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир.

Сервитут қуйидаги мақсадларда белгиланиши мумкин:

ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш;

ўзганинг ер участкасида дренаж ишлари ўтказиш;

ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алоқа линиялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш;

ўзганинг ер участкасидан экинзор ва молларни суғориш учун сув олиш;

молларни ўзганинг ер участкаси орқали ҳайдаб ўтиш;

ўзганинг ер участкасидан қидирув, тадқиқот ва бошқа ишларни бажариш учун вақтинча фойдаланиш;

ўзганинг ер участкасида ихота дарахтлари экиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектлар барпо этиш.

Сервитут бошқа мақсадларда ҳам белгиланиши мумкин.

Сервитут, уни белгилашни талаб қилган шахслар билан ўзга ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори ўртасидаги келишувга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарорига биноан белгиланади.

Сервитут тўғрисидаги келишув давлат рўйхатига олиниши лозим ва у ер участкаси бошқа шахсга ўтган вақтда сақланиб қолади. Сервитут тўғрисидаги келишув уни белгилашга сабаб бўлган асослар барҳам топса, бекор қилиниши мумкин.

31-м о д д а. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

32-м о д д а. Ер участкасининг плани. Ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш

Ер участкасининг плани — ер участкасининг топографик плани бўлиб, қабул қилинган белгиларга мувофиқ унда муайян ер участкасининг чегараларида вақт жиҳатидан энг сўнгги ер тузилиши лойиҳасига мувофиқ сўнгги бор суратга олинган пайтдаги бутун вазият ва рельеф кўрсатилади.

Ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида ва хариталарда дастлабки тарзда белгилаш ажратиб бериш учун ер участкаси танланган вақтда уни бериш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади.

Ер участкасининг планини ва тавсифини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари ер тузиш хизмати органлари томонидан бажарилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ер участкасининг тасдиқланган плани ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Ер участкалари планларининг асли кадастр ишига доир ҳужжатлар орасида сақланади, нусхалари эса ер участкаси олувчига берилади.

Ер участкасининг плани ва тавсифини тайёрлаш, марза белгиларини ўрнатиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ер участкаси олувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

33-м о д д а. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар

Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати, Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати, Ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери, ер участкаси ижараси шартномаси ёки ер участкасидан муддатли фойдаланиш шартномаси ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлардир. Бу ҳужжатларда ер участкаси қайси ҳуқуққа асосан берилаётганлиги, ер участкасидан фойдаланишнинг белгиланган мақсади, уни ўзлаштириш муддатлари, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутлар кўрсатилади.

34-м о д д а. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиялари

Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ҳокимлар бошчилигидаги доимий ишлайдиган комиссиялар тузилиб, улар таркибига давлат кадастри ва ер тузиш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш, архитектура, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқаролар йиғинларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

35-м о д д а. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатига олиниши керак.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ер участкалари жойлашган ерда амалга оширилади. Давлат реестрига қуйидагилар киритилади:

1) ер участкасига бўлган ҳуқуқни олган шахс тўғрисидаги маълумотлар;

2) ер участкасининг тавсифи (ерларнинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, майдонининг тури, сатҳи, биргалликда эгалик қилиш ёки фойдаланиш улуши, чегаралари, кадастр тартиб рақами ва бошқа тавсифномалари);

3) ер участкаси бериш тўғрисидаги шартнома талабларига, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутларга оид маълумотлар;

4) ваколатли органларнинг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиб олиш зонасига киришиш тўғрисидаги қарорлари;

5) қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддат ичида маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олингани тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда гувоҳнома берилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) ер участкасига бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги зарур ҳужжатларнинг йўқлиги;

2) тақдим этилган ҳужжатларда ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган маълумотларнинг йўқлиги;

3) ер участкасининг асосий фойдаланиш мақсади белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ўзгартирилганлиги;

4) ер участкаси умумий майдонининг белгиланган нормалари келишув натижасида бузилганлиги;

5) давлат рўйхатига олишиш органида мазкур ер участкаси кимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мавжудлиги;

6) давлат рўйхатига олишиш органида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, уй-жой биноларини, бошқа бинолар ва иншоотларни мусодара қилишиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги;

7) рўйхатга олишиш йиғими туланганлиги тўғрисида ҳужжат йўқлиги, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;

8) ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишиш тўғрисидаги белгиланган тартибда қабул қилинган қарор.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

36 - модда. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши

Бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- 1) ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;
- 2) ер участкаси берилган муддат тугаганда;
- 3) юридик шахс тугатилганда;
- 4) ерларни ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда ёки бекор бўлганда;
- 5) хизматда фойдаланиш учун чек ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;
- 6) ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;
- 7) ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда;
- 8) ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;
- 9) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда;
- 10) қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;
- 11) мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер ким ошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса, — гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаётган ер участкалари аввалги эгаларидан улар тўлаган ҳақ қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади;

12) ер участкаси ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда олиб қўйилганида.

Қонун ҳужжатларида ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ва ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқа ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари; шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилганда;

2) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда қайта сотиб олинганда;

3) қонунда белгиланган ҳолларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа иморатлар ёки иморатларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан бирга мусодара этилганда.

Ушбу модданинг биринчи қисми 1—11-бандларида ва учинчи қисми 2-бандида кўрсатилган ҳолларда ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд муддатли фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ва ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш ер тузиш хизмати органларининг ёки ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига мувофиқ ҳуқуқлар бекор қилинишининг асослари тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатлар бўйича тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларига рози бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар бу қарорлар устидан суд тартибида шикоят қилишлари мумкин.

Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи ва ер участка-

ларидан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечишидан яққол далолат берувчи хатти-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечиш мазкур ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори мажбуриятларининг, ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган пайдан ёки эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан узоғи билан бир йил мобайнида, бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

37-м о д д а. Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш

Ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни инobatга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдин-

дан келишиб олишлари шарт. Бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялашга йўл қўйилмайди.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда объект қуриладиган жойни олдиндан келишиб олиш, шунингдек ер ажратиб беришни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёки уй-жой биноси ва бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

38-м о д д а. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда ер участкасини олиб қўйиш

Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6—11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради. Ер участкасини олиб қўйиш масаласини ҳал қилиш ваколат доирасига кирувчи орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини кўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли.

**5-б о б. ЕР ЭГАСИ, ЕРДАН Фойдаланувчи, ижарачи ва
ЕР УЧАСТКАСИ МУЛҚДОРНИНГ ХУҚУҚ ВА
МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**39-м о д д а. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи
ва ер участкаси мулкдорининг хуқуқлари**

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қуйидаги хуқуқларга эга:

1) ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш;

2) қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда дов-дарахтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк хуқуқи;

3) ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек, ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

4) ерларни суғориш ва уларнинг захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш;

5) қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дарахтларни суғориш ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;

6) белгиланган тартибда уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш, ер участкаларидан фойдаланиш мақсади ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларни қайта қуриш ва бузиб ташлаш. Ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бу ишларни ер эгалари билан келишиб амалга оширишга ҳақли;

7) ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда возкечилганида сарфланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш;

8) ер участкасини ёки унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча фойдаланишга ва ички хўжалик ижарасига бериш.

Ер эгаси бўлган фуқаро ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай хуқуқни деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой

қуриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

40-м о д д а. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг мажбуриятлари

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қуйидагиларни бажариши шарт:

1) ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

2) ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш;

3) ерларни муҳофаза қилишга оид, ушбу Кодекснинг 79-моддасида назарда тутилган туркум тадбирларни амалга ошириш;

4) ер солиғини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;

5) бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

6) фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмонзорларни уларга эҳтиёж қолмаганидан кейин ўз ҳисобидан қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ёки балиқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга, мазкур ишлар бошқа ерларда амалга оширилган ҳолларда эса, белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;

7) фойдали қазилма конларини ишлатиш чоғида, шунингдек бошқа ишларни амалга ошириш пайтида ўзларига эгалик қилишга ва фойдаланишга ҳамда мулк этиб берилган (реализация қилинган) ер участкалари ҳудудидан ташқаридаги қишлоқ хўжалик экинзорлари, ўрмонзорлар ва бошқа ерларга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

8) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

9) бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

41-м о д д а. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатлари

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари фаолиятига давлат, ҳўжалик органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг аралашуви тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши керак.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак.

Жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги корхоналарининг, қишлоқ ҳўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларининг, тажриба ва ўқув ҳўжаликларининг ерлари уларнинг хоҳишига кўра олиб

қўйилаётган иморатлар ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлар қуриб берилганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектини, шунингдек уй-жой бинолари ҳамда бошқа биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкаси билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш, шунингдек уларни мусодара қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

42-м о д д а. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг чекланиши

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари давлат манфаатларини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, муҳандислик коммуникациялари қуриш ва улардан фойдаланиш манфаатларини, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг манфаатларини, шунингдек фуқаролар хавфсизлигини кўзлаб фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда чекланиши мумкин.

6-б о б. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар

43-м о д д а. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг таркиби

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади.

Ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, токзорлар,

тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради. Қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофаза қилиниши лозим.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалигидан ўзга эҳтиёжлар учун бошқа тоифадаги ерларга ўтказишга алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация ва сувдан фойдаланиш тизимига асосланган сунъий суғориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш шартидир.

44-м о д д а. Суғориладиган ерлар

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармогига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари суғориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни суғориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда сув билан таъминлашлари шарт.

Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитларни ҳамда ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади.

45-м о д д а. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар

Кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет баллидан 20 фоиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

46-м о д д а. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидагиларга берилади:

1) қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига — товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун;

2) тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига — илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибани тарғиб қилиш учун;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — фермер хўжалиқларини юритиш учун;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — деҳқон хўжалиқларини, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун;

6) қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга — ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш, шунингдек ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ўзга мақсадларда, қоида тариқасида, кейинчалик қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш шarti билан вақтинча фойдаланишга берилади.

47-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчилар ва уларга ер участкаларини бериш

Қуйидагилар товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар жумласига киради:

қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилишни амалга оширувчи қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар;

ўзларига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлган фермер хўжаликлари;

ўзига берилган ер участкасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида майда товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни ва уни реализация қилишни амалга оширувчи деҳқон хўжаликлари;

жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги маҳсулотини етиштириш ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик ширкатлари;

ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг бир қисмини реализация қилган тақдирда ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликлари.

Фойдаланилиши йирик товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини (пахта ва бошоқли дон экинлари етиштиришни) ташкил этиш билан боғлиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар устувор равишда пай усулига асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) доимий эгалик қилишга берилади.

Сабзаот-полиз экинлари, картошка етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик учун, шунингдек чорвачилик эҳтиёжлари учун белгиланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилишга (шу жумладан фуқароларнинг мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилишига), фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин.

48-м о д д а. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш соҳасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мажбуриятлари

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар:

1) бизнес-режаларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирларни назарда тутишлари;

2) зона шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишни, деҳқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тизимларини жорий этишлари;

3) ҳайдаладиган ерлар асралиши ва кенгайтирилишини таъминлашлари;

4) мелиоратив жиҳатдан нобоп суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишлари, пичанзор ва яйловларга сув чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;

5) хўжаликнинг бутун ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоғини ҳамда ундаги иншоотларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;

6) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғориладиган ерларнинг шўр босиши ва захланишига, ерларнинг ва сув манбаларининг ифлосланиши ва зарарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари;

7) қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини, суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари;

8) ушбу Кодексга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига биноан ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

49-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерга эгалик қилиши

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) — товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида пай усулига асосланган қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)

кооперативнинг (ширкатнинг) ишлаб чиқариш фаолиятида, асосан оила (жамоа) пудрати асосида шахсан иштирок этувчи мулкый пай эгалари бўлган аъзоларини бирлаштиради.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) унинг юқори бошқарув органи қарори билан қуйидагилардан таркиб топадиган устав жамғармаси (капитали) шакллантирилади:

пай жамғармаси;

тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини ўтказиш, ирригация иншоотларини сақлаш, янги ирригация-мелиорация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш, техника олиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, бошқа умумий ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш бўлинмас жамғармаси.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, ширкатлар ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ҳам тузилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ерни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун белгиланган мақсадда доимий эгалик қилишга олади. Мазкур корхоналар муассасалар ва ташкилотлар ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланган тақдирда, ер участкаларини қўшимча равишда ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан ва фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлардан иборат бўлади ҳамда улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига доимий эгалик қилишга туман ёки вилоят ҳокимининг қарорига биноан Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати топширган ҳолда берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалик-

лари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқи улар уюшмалар, агросаноат бирлашмалари, комбинатлари, агрофирмалар ва бошқа тузилмалар таркибига кирганида сақланиб қолади.

50-м о д д а. Ерларни пай жамғармасига бериш. Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) мулкий пай

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) доимий эгалик қилиш учун берилган ер участкалари қиймати унинг пай жамғармасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Пай жамғармасига қўшиладиган ер участкаларининг қиймат баҳоси Давлат ер кадастри асосида ва қонун ҳужжатлари билан белгиладиган табақалаштирилган қийматни баҳолаш коэффициентлари асосида чиқарилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пай жамғармаси ер участкаларининг қиймат баҳосини ва асосий жамғармаларнинг қийматини ҳамда кооперативнинг (ширкатнинг) мажбуриятлардан холи бошқа активлари қийматини ўз ичига олади, бўлинмас жамғармани шакллантиришга йўналтириладиган маблағлар бундан мустасно. Пай ва бўлинмас жамғармаларнинг миқдори қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) уставида белгилаб қўйилади.

Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари ўртасида мулкий пайларга тақсимланиши лозим.

Мулкий пай қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат) пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) якуни даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улуш олиш ҳуқуқини беради.

Мулкий пай миқдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзоси мулкий пайининг аниқ миқдори қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) аъзо-

сига унинг мол-мулкнинг муайян улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг (фойданинг) тегишли қисмига бўлган ҳуқуқини белгилаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берган ҳолда қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) юқори бошқарув органи қарори билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) даромадининг (фойдасининг) пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига кўра тақсимланади ва мулкый пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади.

51-м о д д а. Ер участкаларини хўжалик ичида тақсимлаш. Оила (жамоа) пудрати

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларида ер участкалари, қоида тариқасида, оилаларга қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун вақтинча фойдаланишга оила пудрати шартномаси шартлари асосида берилади.

Ер участкалари муайян турдаги қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ходимларининг гуруҳларига ҳам вақтинча фойдаланишга жамоа пудрати шартномаси шартлари асосида берилиши мумкин.

Оила пудрати — қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ҳамда ташкилоти томонидан оилага вақтинча фойдаланишга оила пудрати шартномаси шартлари асосида берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда оила аъзоларининг бевосита иштирок этишига асосланган ишлаб чиқариш ва меҳнатни хўжалик ичида ташкил этиш шаклидир.

Оила (жамоа) пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа жамоа қишлоқ хўжалиги корхонаси бошқарув органлари орқали шу кооператив (ширкат), жамоа корхонаси билан ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг иш берувчиси (маъмурияти) билан оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берилган вакили) ўртасида тузилади.

Оила (жамоа) пудрати шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

ер участкасининг ўлчами, жойлашган ери ва ҳолати:

ер участкасидан фойдаланиш шартлари, тарафларнинг алмашлаб экиш схемасига мувофиқ ернинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш борасидаги, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш борасидаги мажбуриятлари;

етиштирилладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори ва турлари, унинг сифати;

етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг баҳоси, унга ҳақ тўлаш ва уни реализация қилиш шартлари;

суғориш учун сув ва моддий-техника ресурслари билан пудратчини таъминлаш;

тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва уларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида берилладиган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, бунда ҳайдаладиган ерлар майдони ўлчамларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ер участкасининг ўлчамлари ва унинг чегаралари тарафларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Оила (жамоа) пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаларга кўра — етиштирилган маҳсулотнинг шартномада назарда тутилган миқдори, сифати ва баҳосига кўра амалга оширилади. Шу билан бирга оила аъзолари (пудратчилар) — пай эгалари хўжаликнинг йил давомидаги фаолияти якуний натижаларига кўра аниқланадиган дивидендлар оладилар.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида берилган ер участкаси учун пудратчидан ер ҳақи ундирилмайди. Бу участкалардан олинладиган ер солиғини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари белгиланган тартибда тўлайди.

Пудрат шартномаси шартлари асосида олинган ер участкасини ижарага ёки ёрдамчи пудратга бериш тақиқланади.

Ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда пудратчи зарар ва бошқа харажатлар ушбу Кодекс 86-моддасига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52-м о д д а. **Хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларга ер бериш**

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа жамоа қишлоқ хўжалиги корхонаси юқори бошқарув органининг, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари иш берувчисининг (маъмуриятининг) қарорига биноан, ушбу Кодекснинг 58-моддасида белгиланган тартиб ва шартларда берилади.

53-м о д д а. **Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш**

Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжаликларига захирадаги ерлар, махсус республика фонди ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликлардаги ва суғориладиган янги мавзелардаги ерлар берилади. Уларга зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари ҳам берилиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ерлари фермер хўжаликларига кооперативлар (ширкатлар) аъзолари умумий мажлисининг қарорига биноан берилиши мумкин, мазкур қарор асосида туман ҳокими тегишли қарор қабул қилади.

Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди.

Фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасининг ўлчами ер участкасини берадиган орган томонидан ҳар бир муайян ҳолатда маҳаллий шароитларни, шунингдек фер-

мер хўжалигида ишловчилар сонини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқариш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ер участкаларини қўшимча ижарага олиши мумкин.

Фермер хўжалиги ихтиёрий равишда, фермер хўжалиги бошлиғининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига, туман ҳокимига ёзма мурожаати асосида ташкил этилади ва фермер хўжалиги ҳамда ер участкасини ижарага олиш шартномаси давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида рўйхатга олинганидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади.

Фермер хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Кредитлар олиш учун фермер хўжалиги ўз мол-мулкани, шунингдек ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли. Фермер хўжалиги ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда гаровга қўйишга ҳақли.

54-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг бўлинмалари негизида ташкил этиладиган кооперативларга (ширкатларга) ер участкалари бериш

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг (илмий-тадқиқот, ўқув, ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларидан ташқари) бўлинмалари негизида ташкил этиладиган ҳамда улар таркибидан чиқадиган кооперативларга (ширкатларга) хўжалик юритишнинг тенг шароитлари яратилиши зарурлигини эътиборга олган ҳолда ўзлари илгари фойдаланиб келган ерлардан вилоят ёки туман ҳокимининг қарорига биноан ер участкалари берилди. Бу участкалар мазкур корхоналар ва ташкилотларнинг ерлари таркибидан олиб қўйилиши лозим. Ер участкаларини бериш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

55-м о д д а. **Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқаро-ларга ер участкалари бериш (реализация қилиш)**

Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳар бир ходимининг оиласига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса — суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ходимларининг, шунингдек узлуксиз беш йилдан ортиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларида ишлаган ва ҳамон ишлаб келаётган ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига, улар яшаётган аҳоли пунктлари шаҳар таркибига ўтказилган тақдирда, уларнинг иш жойларидан, деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда ана шу кооперативлар (ширкатлар), корхоналар, муассасалар, ташкилотларда белгиланган ўлчамда ер участкаси берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкаларининг ўлчамлари ер ресурсларининг мавжудлигига қараб ҳамда оиланинг жамоат ишлаб чиқаришидаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги кооперативларида (ширкат хўжаликларида), бошқа жамоа қишлоқ хўжалиги корхоналарида — уларнинг юқори бошқарув органлари томонидан, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотларида — уларнинг иш берувчиси (маъмурияти) қа-

рори билан белгиланади, мазкур қарор асосида туман ҳокими тегишли қарор қабул қилади.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимовши савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаларига эга бўлмаган ёки ушбу қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси ҳамда ташкилотида белгиланганидан кам ўлчамдаги томорқа ер участкасига эга бўлган фуқароларга ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг эгалигидаги ёки фойдаланишидаги ерлардан белгиланган нормалар доирасида якка тартибдаги полизчилик учун фойдаланишга қўшимча ер участкалари берилади.

Қишлоқ жойларда яшовчи ва ўз мулкида чорва моллари бўлган фуқароларга пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритувчи оилалар ўзлари етиштирган маҳсулотни тасарруф этишда мутлақ ҳуқуққа, шу жумладан уни истеъмолчиларга ўз хоҳишига кўра реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Транспорт, алоқа, сув хўжалиги, балиқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, шунингдек халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ўз эгалигидаги ёки фойдаланишидаги ерлардан айрим тоифадаги ўз ходимларига хизмат чек ерлари беради.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер бериш (реализация қилиш) тартиби, шунингдек хизмат чек ерларини бериш тартиби ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

56-м о д д а. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш

Шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктларида яшовчи, деҳқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаларига эга бўлмаган фуқароларга корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосномасига биноан жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ёки жамоа полизчилиги учун вақтинча фойдаланишга ер участкаси туман ҳокими томонидан берилади.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини ташкил этиш учун фуқаролар боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкатларига бирлашадилар.

Боғдорчилик ва узумчилик учун ер участкалари шаҳарларнинг кўкаламзор зонасидан ёки бошқа аҳоли пунктлари чегарасидан ташқарида аҳоли пунктлари ҳудудининг кенгайиш истиқболларини эътиборга олиб, сув ресурслари ҳамда уларга лимитлар ажратиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда захира ерлардан ва ўрмон фондининг дарахтзорга айлантириш мўлжалланмаган ерларидан ажратиб берилади. Жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги учун яроқли захира ерлар ҳамда ўрмон фонди ерлари бўлмаган тақдирда, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ерлари истисно тариқасида берилиши мумкин.

Жамоа полизчилиги учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари сув ресурслари ҳамда уларга лимит ажратиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда аҳоли пунктларининг ерларидан, яқин йиллар ичида бошқа мақсадларда фойдаланишга мўлжалланмаган захира ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан берилади. Жамоа полизчилиги учун ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг вақтинча фойдаланилмаётган ерлари, бундай ерлар бўлмаган тақдирда эса — қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг унумдорлиги паст ерлари берилиши мумкин.

Жамоа полизчилиги учун берилган ер участкаларидан сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштиришда фойдаланилади. Улардан уй-жой бинолари ва бошқа капитал иншоотлар қуриш учун фойдаланиш тақиқланади. Бундай участкаларда умумий фойдаланишдаги муваққат иморатлар ва иншоотларни қуришга ер участкаларини берган туман ҳокими рухсат бериши мумкин.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун бериладиган ер участкалари кўчалар очиш, жамоат иморатлари ва иншоотлари қуриш зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда боғдорчилик-узумчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0,06 гектаргача ва полизчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0,08 гектаргача ўлчамда белгиланади.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун ер бериш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

57-м о д д а. Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш

Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек ошхоналар, болалар муассасалари, мактаблар, касалхоналар, кексалар ва ногиронлар уйларини, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шу қабиларни таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган ерларни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бошқа ерларни ҳам доимий эгалик қилишга бериши мумкин.

58-м о д д а. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга бериш тартиби ва шартлари

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга ерлари олиб қўйилаётган ер эгаларининг розилигига кўра ва ердан фойдаланувчилар билан келишувга мувофиқ ерларни ажратиш лойиҳаларига асосан вилоят ҳокимининг қарорига биноан берилади.

Янги ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг доимий эгалигидаги ерларни ҳамда қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқлари бекор қилинишини расмийлаштириш тегишинча уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида ваколатли орган томонидан қарор қабул қилинганидан кейин вилоят ҳокимининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни доимий эгалик қилиш учун бериш хўжалик фаолияти учун қулай чегараларда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг

эгалигидаги ерларнинг тарқов, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлишига ва бошқа камчиликларга эга бўлишига, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерларнинг тарқов, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлиши ва бошқа камчиликларини бартараф этиш хўжаликлараро ер тузиш тартибида амалга оширилади.

7-б о б. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ (ШАҲАРЛАР, ПОСЁЛКАЛАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ) ЕРЛАРИ

59-м о д д а. Шаҳарлар ва посёлкалар ерларининг таркиби

Шаҳарлар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари жумласига киради. Бу ерлар таркибига қуйидагилар киради:

- 1) шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари;
- 2) умумий фойдаланишдаги ерлар;
- 3) қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар;
- 4) дарахтзорлар эгаллаган ерлар;
- 5) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
- 6) алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари;
- 7) сув фонди ерлари;
- 8) захира ерлар.

60-м о д д а. Аҳоли пунктларининг чегараси. Шаҳар атрофи зоналари

Аҳоли пунктларининг чегараси — шаҳар, посёлка, қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ташқи чегаралари бўлиб, улар ана шу ерларни бошқа ерлардан ажратиб туради.

Аҳоли пунктларининг чегарасини белгилаш тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Аҳоли пунктларининг чегараси юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларининг чегаралари бўйича белгиланиши лозим.

Шаҳар атрофи зоналари шаҳар билан ягона ижтимоий, табиий ва хўжалик ҳудудини ташкил этувчи шаҳар чегарасидан ташқаридаги ерларни ўз ичига олади. Шаҳар

атрофи зоналарида шаҳар атрофидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳудуди, аҳоли дам олиш зоналари, шаҳарни ривожлантириш учун захира ерлар ажратилади.

Шаҳар атрофи зоналарининг чегаралари ва ҳуқуқий режими қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

61-м о д д а. Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкаларини бериш, олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш тартиби

Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкалари туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига асосан берилади, бу қарорларда режалаштириш ва қурилиш олиб боришнинг тасдиқланган лойиҳаларига мувофиқ ерларни эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш шартлари белгиланади.

Юридик шахслар ўзларига бириктириб қўйилган ерлардан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ бошқа юридик шахсларга, фуқароларга ер участкаларини вақтинча фойдаланишга беришлари мумкин.

Шаҳарларда ва посёлкаларда ер участкаларини олиб қўйиш, қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 37-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Шаҳарларда, посёлкаларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари ва бошқа ерларини олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 37-моддасида белгиланган тартибда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимининг қарорлари билан тасдиқланади.

Фуқаролар эгалигидаги, кўп йиллик дов-дарахтлар эгаллаган ер участкаларини олиб қўйиш ёки фуқароларга мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган уй-жойларни бузиш билан боғлиқ ҳолда ер участкаларини олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

62-м о д д а. Шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари

Шаҳар ва посёлка қурилиши ерларига уй-жой, коммунал-маиший, маданий-маърифий, саноат, савдо, маъмурий ва бошқа бинолар ҳамда иншоотлар қурилган ёки шундай бино ва иншоотлар қуриш учун берилган ҳамма ерлар киради.

Шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уй-жой, маданий-маиший, саноат объектлари қуриш ва капитал қурилишнинг бошқа

турлари учун фойдаланишга, фуқароларга эса, якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилади.

Шаҳар ва посёлканинг қурилиш учун ажратилган, лекин вақтинча шу мақсадда фойдаланилмаётган ерлари енгил турдаги объектлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуриш ва ўзга эҳтиёжлар учун вақтинча фойдаланишга шаҳар ёки туман ҳокими қарори билан берилиши мумкин.

Ер участкасининг ёхуд ундаги иморатнинг у ёки бу қисми коммунал хизматдан (ёритиш, канализация, трубопровод, суғориш қурилмалари ва шу кабилар), ер участкаларининг эгалари ёки ундан фойдаланувчилар эса, мустақил равишда ўзича ёки транспортда кириб-чиқиш имконидан маҳрум бўлиб қоладиган бўлса, ер участкасининг бўлинишига йўл қўйилмайди.

Агар ер участкасига хўжалик бинолари (гараж, отхона, офилхона, омборхона, ертўла ва шу кабилар) қуриш ушбу участкада жойлашган юридик шахслар ёки уй-жойларда яшовчи жисмоний шахсларнинг манфаатларига зарар келтирса, бундай қурилишни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Табиий офат ёки бошқа сабаблар билан иморат бузилган тақдирда бузилган иморатнинг мулкдори иморат бузилган кундан бошлаб икки йилдан кечиктирмасдан иморатни тиклашга ёки ана шу участкада янги иморат қуришга киришса, бузилган иморат мулкдорининг ер участкасига эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади, шаҳарни ёки посёлкани режалаштириш ва уни қуриш лойиҳасида ана шу ер участкасидан бошқача тарзда фойдаланиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда бузилган иморатнинг мулкдорига ушбу шаҳар, посёлка чегараси доирасида бошқа ер участкаси ёки бошқа обод уй-жой берилади.

63-м о д д а. Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкалари

Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкалари мазкур уйлар бошқарувини амалга оширувчи ташкилотларга доимий фойдаланиш учун берилади.

Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкаларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

64-м о д д а. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари

Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига қуйидагилар киради:

майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва шу каби ерлар;

аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиш учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва улардан фойдаланиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар).

Умумий фойдаланишдаги ерлар муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктириб қўйилмайди ҳамда бевосита шаҳар, туман давлат ҳокимияти органларининг ихтиёрида бўлади.

Аҳоли пунктларидаги сув ҳавзаларининг соҳил бўйи ерлари ва қирғоқ минтақасидан биринчи навбатда дам олиш ва спорт мақсадларида фойдаланилади.

Умумий фойдаланишдаги ерларда бу ер қайси мақсадга хизмат қилса, фақат шунга мос келадиган иморат ва иншоотлар қуришга рухсат берилади.

Йўллар ва ариқ тармоқлари эгаллаган ерлардан ташқари умумий фойдаланишдаги ерлардан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига биноан юридик шахслар ва фуқароларга енгил иморат ва иншоотлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуришда вақтинча фойдаланишга ижара шартлари асосида ер участкалари берилиши мумкин.

65-м о д д а. Шаҳарлар ва посёлкалардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерлар

Шаҳарлар ва посёлкалардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерларга қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг эгаллигидаги ҳайдаладиган ерлар, боғлар, узумзорлар, тутзорлар, мевазорлар, полизлар, питомниклар, яйловлар, пичанзорлар, суғориш, зах қочириш ва йўл тармоғи, иморатлар, ҳовлилар, майдонлар эгаллаб турган ва бошқа ерлар киради.

Шаҳарлар ва посёлкаларнинг чегарасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерларга қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари уй-жойлар, маданий-маиший ҳамда ишлаб чиқариш иморатлари қуришни шаҳар ёки туман ҳоқими билан келишилган ҳолда амалга оширадilar.

66-м о д д а. Шаҳарлардаги дарахтзорлар эгаллаган ерлар

Шаҳарлардаги дарахтзорлар эгаллаган ерлар аҳолининг дам олишини ташкил этишга, шаҳардаги микроиқлимни, атмосфера ҳавосининг ҳолатини ва санитария-гигиена шароитларини яхшилашга, аҳолининг маданий-эстетик эҳтиёжларини қондиришга, шаҳар ҳудудини сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилишга мўлжалланади. Улар таркибидаги, дарахтзорлар эгалламаган ер участкаларидан спорт майдончалари ташкил этиш ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланилади.

67-м о д д а. Шаҳарлар ва посёлкалардаги саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар

Шаҳарлар ва посёлкалардаги саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларга тегишли вазифаларни бажариш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ва фуқароларга берилган ерлар киради.

Фойдаланиш учун бериладиган ер участкасида жойлаштирилиши лозим бўлган иморат ва иншоотлар рўйхати ер участкаси ажратиш учун талабнома бериш чоғидаги бошланғич маълумотларда белгиланади. Фойдаланиш даврида қўшимча иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш шаҳар ёки туман ҳоқими ана шу ишлар хусусида қўшимча қарор қабул қилганидан кейин амалга оширилади.

68-м о д д а. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларига ер тузиш тартибида ана шу пунктлар учун белгилаб қўйилган чегаралар доирасидаги ҳамма ерлар киради.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари жумласига қуйидагилар киради:

1) қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқлар ва овуллар ҳудудидаги ерлари;

2) қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳудудидаги ерлари қишлоқ аҳоли пунктларининг чегараси туманларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан уларни режалаштириш, қуриш ҳамда ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларига мувофиқ белгиланади ва ўзгартирилади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳудудидаги ерлари шаҳар чегарасига киритилган тақдирда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таркибидан чиқарилади ва шаҳарнинг тегишли ерлари таркибига киритилади. Бундан айрим бинолар ва иншоотлар, уларни ободонлаштириш учун зарур бўлган ер участкалари билан бирга, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг хоҳишига кўра ўзларида доимий фойдаланиш учун қолдирилиши мумкин, қолган бинолар ва иншоотларнинг қиймати ҳамда шу аҳоли пунктлари ҳудудида қилинган бошқа харажатлар эса ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга маҳаллий бюджетдан тўланади.

8-б о б. САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, МУДОФАА ВА БОШҚА МАҚСАДЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР

69-м о д д а. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг таркиби

Саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига саноат корхоналарига, шу жумладан кон саноати, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига темир йўл, ички сув транспорти, автомобиль, ҳаво ва трубопровод транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларидан фойдаланиш, сақлаш, қуриш,

реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Алоқа мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига алоқа линияларини ҳамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, радиоэшиттириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Транспорт мақсадларига мўлжалланган ерларга, кабель радиореле ва алоқа ҳаво линиялари ва электр узатиш линиялари ўтган ерларга туташ ерларда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда муҳофаза зоналари ўрнатилади.

Қуроли Кучлар, чегара, ички ишлар ва темир йўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жойлашуви ҳамда доимий фаолияти учун берилган ерлар мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади.

Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар жумласига корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдаланиб келаётган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, аҳоли пунктларининг ерлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, шунингдек ўрмон ва сув фондлари ерлари таркибига кирмаган қолган барча ерлар киради.

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

70-м о д д а. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер бериш

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга фойдаланиш учун ер бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Саноат, транспорт, алоқа ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўзлари фойдаланмаётган ерларни туман ва шаҳар

ҳоқимларининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга берадилар.

9-б о б. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ХУДУДЛАРНИНГ ЕРЛАРИ

71-м о д д а. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларининг таркиби

Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари жумласига қуйидагилар киради:

- 1) табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар;
- 2) соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар;
- 3) рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;
- 4) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар.

Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерларини бошқа тоифага ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

72-м о д д а. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар (овчиликка мўлжалланган ерлар бундан мустасно), табиат ёдгорликларининг белгиланган тартибда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга махсус мақсадлар учун берилган ерлари киради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган фаолият тақиқланади.

Давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар (овчиликка мўлжалланган ерлар бундан мустасно), табиат ёдгорликлари режимини таъминлаш учун муҳофаза зоналари таъсис этилиб, ушбу зоналарнинг ерларида уларнинг режимига риоя этилишини таъминлашга зарарли таъсир этадиган фаолият тақиқлаб қўйилади.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

73-м о д д а. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига табиий шифобахш омилларга эга бўлган, касалликларнинг олдини олиш ва даволашни ташкил этиш учун қулай, белгиланган тартибда тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ер участкалари киради.

Аҳолининг даволаниши ва дам олиши, шунингдек табиий шифобахш омилларни муҳофаза қилишнинг зарур шарт-шароитини таъминлаш учун соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерларда санитария муҳофазаси округлари белгиланади. Ана шу округлар доирасида табиий шифобахш хоссаларни ва аҳолининг дам олиши учун қулай шароитни муҳофаза қилишга зид фаолият тақиқланади.

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳамда санитария муҳофазаси округларини белгилаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

74-м о д д а. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасалар ва ташкилотларга берилган ерлардир.

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда улардан белгиланган мақсадда фойдаланишга ҳалақит берадиган фаолият тақиқланади.

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

75-м о д д а. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига тарихий-маданий қўриқхоналар, мемориал боғлар, мазорлар, археология, тарих ва маданият ёдгорликларининг тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ерлари киради. Бу ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Тарих ва маданият ёдгорликлари атрофида муҳофаза зоналари ва бинолар қуришни тартибга солиш зоналари белгиланади.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларни ажратиш ва бундай ерлардан фойдаланиш, улар атрофида муҳофаза зоналари ҳамда бинолар қуришни тартибга солиш зоналарини белгилаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

10-б о б. ЎРМОН ФОНДИ, СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИ ВА ЗАХИРА ЕРЛАР

76-м о д д а. Ўрмон фонди ерлари

Ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерлари деб эътироф этилади.

Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайишини тўхтатиш, шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида ихота ўрмонзорлар ва кўкаламзор зоналар яратиш учун белгиланган тартибда ўрмон фонди ерлари таркибига ўтказилиши мумкин.

Туман ҳокими ўрмон хўжалиги давлат органлари билан келишиб, ўрмон фонди ерларини қишлоқ хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига вақтинча фойдаланишга ижара шартлари асосида бериши мумкин.

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш тартиби махсус қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

77-м о д д а. Сув фонди ерлари

Сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув ҳавзаларининг ва бошқа сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар сув фонди ерлари жумласига киради.

Дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг, шунингдек ичимлик ва рўзғор сув таъминоти, аҳолининг даволаш ҳамда маданий-соғломлаштириш эҳтиёжларига хизмат қиладиган манбалар қирғоғи бўйлаб қонун ҳужжатларида

белгиланадиган тартибда сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи мингақалари ажратилади.

Дарёлар, магистрал каналлар, коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг қирғоқ бўйи минтақалари табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун ер эгаларидан ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Сув фонди ерларида сув объектларига салбий таъсир кўрсатадиган хўжалик фаолияти юритиш ва қурилиш ишлари олиб бориш тақиқланади.

Сув фонди ерларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

78-м о д д а. Захира ерлар

Юридик ва жисмоний шахслар эгалигига ҳамда фойдаланишига, ижарага берилмаган, мулк этиб реализация қилинмаган барча ерлар захира ерлардир. Бундай ерлар жумласига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, ижарага олиш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилинган ерлар ҳам киради.

Захира ерлар туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади ва ушбу Кодексга мувофиқ асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжалланади.

11- б о б. ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

79-м о д д а. Ерларни муҳофаза қилишининг мазмуни ва тартиби

Ерларни муҳофаза қилиш улардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ерларнинг асосиз равишда олиб қўйилиши олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизимини қамраб олади.

Ерларни муҳофаза қилиш ерларга мураккаб табиий ҳосилалар (экотизимлар) тариқасида, уларнинг зона ва минтақа хусусиятларини эътиборга олган ҳолда атрофлича ёндашиш асосида амалга оширилади.

Ерлардан оқилона фойдаланиш тизими табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш тарзида бўлиши ҳамда тупроқнинг сақланишини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, геология жинсларига ва атроф муҳитнинг бошқа таркибий қисмларига таъсир ўтказишни чеклашни назарда тутиши керак.

Ерларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар: худудни оқилона ташкил этадилар;

тупроқ унумдорлигини, шунингдек ернинг бошқа хоссаларини тиклайдилар ва оширадилар;

ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишдан, захлашдан, қайта шўр босишдан, қақраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, хароб қиладиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар;

қишлоқ хўжалик ерларини бута ва майда дов-дарахтлар, ёввойи ўтлар босиб кетишидан ва ерларнинг маданий-техникавий ҳолатини ёмонлаштирувчи бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар.

ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларидаги тупроқ унумдорлигини бошқа усуллар билан қайта тиклашнинг иложи бўлмаса, бу ерларни консервация қиладилар;

бузилган ерларни қайтадан экинзорга айлантирадилар, уларнинг унумдорлигини ва бошқа фойдали хоссаларини оширадилар;

ерларни бузиш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга ошириш чоғида тупроқнинг унумдор қатламини сидириб оладилар, ундан фойдаланадилар ва уни сақлаб қоладилар.

Давлат органлари ерларни муҳофаза қилиш юзасидан республика дастури ва ҳудудий дастурлар доирасида зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларини консервация қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

80-м о д д а. Объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишга оид экологик талаблар

Объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишга оид

экологик талаблар табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Янги ҳамда реконструкция қилинадиган объектларни, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, куриш ва ишга тушириш, шунингдек ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган янги технологияларни жорий этиш чоғида ерларни муҳофаза қилиш тadbирлари назарда тутилади ва амалга оширилади.

Ерларнинг ҳолатига ишга туширилаётган объект ёки жорий этилаётган технологиянинг салбий таъсирини ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан назарда тутилган тadbирларнинг самарадорлигини баҳолаш экология экспертизаси асосида ўтказилади.

Ерларни ҳосилдан қолишдан ёки бузилишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминланмаган ҳамда экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмаган объектларни фойдаланишга топшириш ва бундай технологияларни қўллаш тақиқланади.

Ерларнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштириш қонун ҳужжатларида белгиладиган тартибда ер тузиш, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар билан келишиб олинади.

81-м о д д а. Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ерлардан фойдаланиш

Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланиш натижасида экология ва санитария-гигиенага оид белгиланган талабларга жавоб берадиган маҳсулот олиш таъминланмаётган ер участкалари қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқарилиши лозим ва консервация қилиш учун уларни захира ерлар жумласига ўтказиш мумкин. Бундай ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва реализация қилиш тақиқланади.

Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ерлардан фойдаланиш, муҳофаза зоналари белгилаш, бундай ерларда уй-жойларни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий аҳамиятга молик объектларни сақлаш, уларда мелиорация ва агротехника ишларини ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

82-м о д д а. Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш

Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг тупроқ унумдорлиги сақланиши ва тикланишидан, ерларни ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатларидан ҳимоя этилишидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

янги ўзлаштирилаётган ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида турган мавжуд суғориладиган ерларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш;

ерларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга кам чиқит ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишда солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзлар бериш;

ерларнинг сифатини яхшилашни, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишни, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлигини оширишни, экологик соф маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ерларни қайта тиклаш учун, зарурат бўлган тақдирда, республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиш, агротехника, ўрмон мелиорацияси тадбирлари ва тупроқни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа тадбирлар ўтказиш;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ер участкаларини вақтинча консервация қилиш натижасида улардан келадиган даромаднинг камайишини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман қоплаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирлар.

Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

12-б о б. **ЕРЛАРДАН Фойдаланиш ҳамда уларни
муҳофаза қилиш устидан назорат**

83-м о д д а. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишларини таъминлашдан иборатдир.

84-м о д д а. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари амалга оширадилар.

Ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, илмий жамиятлар ва бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқаролар ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишда давлат органларига ва посёлка, қишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашадилар.

85-м о д д а. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказиш,

мазкур масалалар бўйича барча зарур ҳужжатларни ва материалларни олиш, тупроқнинг кадастр маълумотларига мослигини аниқлаш мақсадида тупроқни текшириш;

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни барта-раф этишга қаратилган, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатма-лар (ёзма буйруқлар) бериш;

айбдор мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатла-ри бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоп-лаш бўйича даъволар тақдим этиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муас-сасалар ва ташкилотларга ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қи-лиш органларига тақдимномалар юбориш;

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ерларни ижарага бериш шартномаларини муддатидан олдин бе-кор қилиш ҳақидаги, шунингдек ерлардан фойдаланиш-ни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга дбир материалларни Ўз-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига тақдим этиш;

ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича юридик ва жисмоний шахслардан за-рур ахборотлар олиш, мазкур масалалар юзасидан давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳ-барларининг ҳисоботлари ва ахборотларини эшитиш;

ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш ишларида қатна-шиш учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат ор-ганлари ва мансабдор шахслар:

ер участкаларидан белгиланган мақсадда фойдалани-лишини, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачи-лар томонидан ерларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қо-нун ҳужжатларига риоя этилишини белгиланган тартибда текширишлари;

йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришлари;

ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан ўз ваколатлари доирасида кўрсатмалар беришлари шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти бир йилда кўпи билан бир марта текширилиши мумкин. Агар орган ерлардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни муҳофаза қилмаслик сабабларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган бўлса, у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни текширишга ҳақлидир.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятларининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**13-б о б. ЕР ЭГАЛАРИ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР,
ЕР УЧАСТКАЛАРИ ИЖАРАЧИЛАРИГА ВА МУЛҚДОРЛАРИГА
ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ВА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ
НОБУДГАРЧИЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ**

86-м о д д а. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ўрнини қоплаш

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарнинг ўрни (шу жумладан бой берилган фойда) қуйидаги ҳолларда тўла ҳажмда қопланиши керак:

ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда;

давлат қуриқхоналари, заказниклар, миллий табиат боғлари, табиат ёдгорликлари, маданий-тарихий ёдгорликлар, сув ҳавзалари, сув таъминоти манбалари, курортлар теваарагида, дарёлар, каналлар, сув ташламалари, йўллар, трубопроводлар, алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари бўйлаб муҳофаза, санитария ва ихота зоналари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чекланганда;

сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва

улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда.

Зарарнинг ўрни олиб қўйилаётган ер участкалари ажратиб бериладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек фаолияти ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

87-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини, шу жумладан жисмоний шахслар эгаллигидаги ва фойдаланишидаги қишлоқ хўжалиги ерларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиш, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқлари чекланиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг таъсири оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашуви туфайли қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни ушбу Кодекснинг 86-моддасида назарда тутилган зарарлар ўрнини қоплашдан ташқари қопланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари қуйидагилар томонидан қопланади:

қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилаётган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари ажратиб бериладиган юридик ва жисмоний шахслар;

ерларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари оборотидан чиқариб ёки у қадар қийматга эга бўлмаган ерлар қаторига ўтказган ҳолда объектлари атрофига муҳофаза, санитария ва ихота зоналари ўрнатиладиган юридик ва жисмоний шахслар.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари қуйидаги ҳолларда қопланмайди:

ер участкалари якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш учун олиб қўйилганда;
ер участкалари мактаблар, интернатлар, болалар уйлари, мактабгача тарбия ва даволаш муассасалари қуриш учун олиб қўйилганда;

ер участкалари сув хўжалигига мелиоратив объектлар ва гидротехник иншоотлар қурилиши учун ажратилганда.

Қонунларда юридик ва жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликларини қоплашдан озод қилинадиган ўзга ҳоллар ҳам белгиланиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг қопланиши лозим бўлган ўрни миқдори ва уни аниқлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

88-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушадиган маблағлардан фойдаланиш

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушадиган маблағлардан қуйидаги белгиланган мақсадга кўра фойдаланилади:

янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш;

коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва қайта қуриш, суғориладиган ерларни капитал режалаштириш ва уларнинг сув билан таъминланиш даражасини ошириш;

пичанзорлар ва яйловларни тубдан яхшилаш;

ерлар олиб қўйилиши ва ажратилиши муносабати билан бузилган ер тузиш бўйича лойиҳа ва бошқа ҳужжатларни тузатиш ёки тайёрлаш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маблағлардан вилоят ҳокимининг қарорига биноан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга қаратилган бошқа тадбирларни амалга оширишда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушадиган маблағлар алоҳида ҳисобга олиб борилади ҳамда улардан ўрмонлар ва ўрмон-мевали дарахтзорларни барпо этиш ва тиклаш,

қумли ерлар, сув ҳавзалари ҳамда дарёларнинг қирғоқ бўйи минтақаларида дарахтзорлар барпо этиш, шунингдек ўрмон ерлари ҳолатини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

**14-б о б. Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш ҳамда
ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик
учун жавобгарлик**

89-м о д д а. Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш

Юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ер хусусидаги низолар суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**90-м о д д а. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини
бузганлик учун жавобгарлик**

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан амалга оширилган ер участкалари олди-сотдиси, уларни ҳады қилиш, гаровга қўйиш (ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш бундан мустасно), ер участкаларини ўзбошимчалик билан айирбошлаш ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бундай битимларни амалга оширишда айбдор шахслар қонунга биноан жавобгар бўладилар.

Қуйидаги ҳолатларда ҳам айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар:

ерлардан белгиланган мақсадда фойдаланмаганликда;
ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликда;

қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганликда, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқова сувлари билан ифлослантирганликда;

ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштирганликда, қурганликда, лойиҳалаштирганликда, фойдаланишга топширганликда;

ерлардан фойдаланишнинг табиатни муҳофаза қилишга оид талабларини бажармаганликда;

вақтинча эгаллаб турилган ерларни қайтариш муддатини бузганликда ёки ерларни белгиланган мақсадда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга оид мажбуриятларни бажармаганликда;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларга ва мулкдорларга қарашли ер участкаларининг марза белгиларини йўқ қилганликда;

давлат ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатганликда;

Ўзбошимчалик билан пичан ўрганликда ва чорва моллар боққанликда;

ёввойи ўтлар ва зараркунандаларга қарши кураш чораларини кўрмаганликда;

ерлардан хўжасизларча фойдаланганликда, ерларнинг ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ва тупроқ ҳолатининг ёмонлашувига олиб келадиган бошқа жараёнлардан сақлаш мажбуриятларини бажармаганликда;

ер участкалари бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг бегиланган муддатлари ва тартибини бузганликда.

91-м о д д а. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни қайтариш

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ижарачига ёки ер участкаси мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЕР
КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1998 йил 30 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон, 83-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 1998 йил 1 июлдан амалга киритилсин. Мазкур Кодекснинг амалга киритилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги Фармони билан тасдиқланган «1998—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури»да назарда тутилган муддатлар ва тадбирларга мувофиқ равишда таъминлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқлаштирилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Кодексга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқлаштириш тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этсин;

ҳукумат қарорларини Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқлаштиради, вазирликлар ва идоралар мазкур Кодексга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4. Иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари 1998 йил 1 июлдан тўла ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

И Л О В А

**Ўзбекистон Республикасининг тўла ёки қисман
ўз кучини йўқотган қонунлари**

Р Ў Й Х А Т И

1. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 20 июнда қабул қилган «Ер тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахборотномаси, 1990 йил, № 16—18, 294-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ер тўғрисидаги Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахборотномаси, 1990 йил, № 16—18, 295-модда).

3. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 84-модда).

4. 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 243-модда).

5. 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни I бўлимининг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 161-модда).

6. 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг VI бўлими (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 11—12, 285-модда).

7. 1995 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Рес-

публикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг II бўлими (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда).

8. 1995 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг VIII бўлими (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда).

9. 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг I бўлими (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5—6, 69-модда).

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ
(ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ) ТЎҒРИСИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 30 апрель

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон, 84-модда)**

Ушбу Қонун қишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкат хўжаликларини) ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ҳамда тугатилишининг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, уларнинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солади.

1-б о б. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1—м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

2-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Қишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкат хўжаликларини) ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятининг принциплари

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

кооперативга (ширкатга) аъзоликнинг ихтиёрийлиги ва ундан эркин чиқиш мумкинлиги;

кооператив (ширкат) фаолиятида аъзоларнинг ўз меҳнати билан иштирок этиши шартлиги;

маҳсулот етиштириш ва меҳнатни хўжалик ичида асосан оила (жамоа) шартномаси асосида ташкил этиш;

кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатига ишлаб чиқарган маҳсулоти (бажарган иши) ҳажмига, сифатига қараб ҳақ тўлаш;

якуний даромадни (фойдани) кооператив (ширкат) аъзолари ўртасида уларнинг мулкӣ пайларига мувофиқ тақсимлаш;

бошқарувнинг демократик хусусияти, қарорлар қабул қилишда ҳуқуқлар тенглиги (кооперативнинг (ширкатнинг) бир аъзоси — бир овозга эга бўлиши);

кооператив (ширкат) уставида назарда тутилган тартибда унинг иши устидан кооператив (ширкат) аъзоларининг назорат қилиши;

ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш, ерларнинг муҳофаза қилинишини ва тупроқ унумдорлигининг оширилишини таъминлаш.

4-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) фаолият турлари

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятининг асосий тури қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришдир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан бир қаторда кооперативнинг (ширкат хўжалигининг) ўз ҳудудида ҳам, шунингдек ундан ташқарида ҳам қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотик, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш, шунингдек қонуғларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғуъланишга ҳақли.

5-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) ташкил этиш

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) унинг муассислари томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг сони кооператив (ширкат) фаолияти ихтисослашуvidан келиб чиқиб унинг уставида белгилаб қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туман ҳокимлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) мустақил баланста, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларга, номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

6-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) устави

Устав қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. Уставда қуйидагилар белгиланади:

кооперативнинг (ширкатнинг) номи ва жойлашган ери; фаолият соҳаси ва мақсади;

кооперативга (ширкатга) кириш ва ундан чиқиш тартиби;

кооператив (ширкат) муассисларининг таркиби ва аъзоларининг сони;

кооператив (ширкат) аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколатлари;

кооперативнинг (ширкатнинг) пай, бўлинмас ва бошқа жамғармаларининг миқдори ва уларни шакллантириш тартиби;

кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатда иштирок этиши ва улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг кўпроқ оила (жамоа) пудратига асосланган шакллари;

кооператив (ширкат) даромадларини (фойдасини) тақсимлаш, шу жумладан мулкий пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун тақсимлаш тартиби;

кооперативни (ширкатни) қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Уставга кооператив (ширкат) фаолияти билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) устави муассислар томонидан таъсис йиғилишида қабул қилинади, унга ўзгартишлар кооператив (ширкат) аъзоларининг умумий мажлисида киритилади. Уставга киритилган ўзгартишлар туғрисидаги ахборот кооперативни (ширкатни) давлат рўйхатидан ўтказган органга бир ҳафталик муддат ичида тақдим этилади.

2-б о б. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИНИНГ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИНИНГ) АЪЗОЛАРИ

7-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзо бўлиб кириш ва унга аъзолик

Ёши 16 га тулган, кооператив (ширкат) уставини тан олувчи ва унинг талабларига риоя этувчи, кооператив (ширкат) фаолиятида ва унинг жамғармаларини шакллантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоси бўлишлари мумкин.

Юридик шахслар ҳам қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) жамоа аъзолари бўлишлари мумкин. Кооперативлар (ширкатлар) ва уларнинг жамоа тарзидаги аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома асосида олиб борилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзо бўлиб кириш берилган ариза асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг (раисининг) кооперативга (ширкатга) қабул қилиш туғрисидаги қарори кооперативнинг (ширкатнинг) умумий мажлисида ариза берган шахснинг иштирокида тасдиқланиши лозим. Бундай қарорни қабул қилиш ва уни тасдиқлаш тартиби кооператив (ширкат) уставида белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзолик ўндан вақтинча чиқиб кетган шахслар учун куйидаги ҳолларда сақланиб қолади:

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганда;
давлат ва жамоат органларига сайлаб қўйиладиган ла-
возимга сайланганда;

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга кирганда;
бошқа қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат
хўжаликларига), хўжаликлараро ва бошқа корхоналар,
муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалиги коопе-
ративи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан белги-
ланган муддатга ишга йўлланганда.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжали-
гининг) аъзолари қарилик ёки ногиронлик бўйича ишни
тўхтатса, унинг умумий мажлиси қарори билан белгилан-
ган асос ва шартларда ўзларининг кооперативга (ширкат-
га) аъзоликларини сақлаб қоладилар.

8-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг ҳуқуқ ва маж- буриятлари

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)
аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кооператив (ширкат) ишларини бошқаришда ишти-
рок этиш;

кооперативнинг (ширкатнинг) бошқарув органларига
сайлаш ва сайланиш;

кооператив (ширкат) хизматларидан фойдаланиш;

ўз меҳнати натижаларига мувофиқ даромадлар олиш;

мулкый пайга мувофиқ дивидендлар олиш.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)
аъзолари уставга риоя этишлари, кооперативнинг (шир-
катнинг) умумий мажлиси ва бошқаруви қарорларини
бажаришлари шарт.

Қонун ҳужжатларида қишлоқ хўжалиги кооперативи
(ширкат хўжалиги) аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбу-
риятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

9-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзоликни тугатиш

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалиги-
га) аъзолик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

кооператив (ширкат) аъзолигидан ихтиёрий равишда
чиқилганда;

кооператив (ширкат) фаолиятида меҳнати билан иштирок этиш тугатилганда;

кооператив (ширкат) аъзолигидан унинг уставида белгиланган ҳолларда ва тартибда чиқарилганда;

бошқарувнинг (раиснинг) қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкатга) қабул қилиш тўғрисидаги қарори умумий мажлисда тасдиқланмаганда;

кооператив (ширкат) хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига ўзгартирилиб қайта ташкил этилганда ёки кооператив (ширкат) тугатилганда.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзоликни тугатиш тартиби унинг уставида белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолигидан чиқариш устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

3-б о б. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ) БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

10-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) бошқариш

Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) бошқариш ўзини ўзи бошқариш, ошкоралик, кооператив (ширкат) фаолияти масалаларини ҳал этишда унинг аъзолари иштирок этиши асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) юқори бошқарув органи умумий мажлис бўлиб, у раисни, бошқарувни, тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди, кооперативни (ширкатни) жорий бошқариш бўйича ўз ваколатларини уларга бериб қўяди.

11-м о д д а. Умумий мажлис

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий мажлиси:

кооперативнинг (ширкатнинг) уставини қабул қилади ва унга белгиланган тартибда ўзгартишлар киритади;

кооперативнинг (ширкатнинг) раисини, кооперативнинг (ширкатнинг) бошқарувини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди ва уларни чақириб олади, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади ва фаолиятига баҳо беради;

кооператив (ширкат) аъзолигига қабул қилиш, аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек кооператив (ширкат) аъзолigidан чиқиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

кооперативнинг (ширкатнинг) ички меҳнат тартиби қоидаларини ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди;

кооператив (ширкат) аъзоларининг мулкий пайлари миқдорини белгилайди;

кооператив (ширкат) фаолиятининг бизнес-режаларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

даромадни (фойдани) тақсимлаш тартибини, кооперативнинг (ширкатнинг) бўлинмас, пай ва бошқа жамғармалари турларини, миқдорини ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди;

фуқароларга фермер ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратиш масалалари бўйича қарор қабул қилади, унинг асосида туман ҳокими тегишли қарор қабул қилади;

кооперативни (ширкатни) қайта ташкил этиш ва тугатиш, унинг уюшмалар, жамиятлар, агрофирмалар ва бошқа бирлашмаларга кириши ва улардан чиқиши масалаларини ҳал этади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг мутлақ ваколатига киради. Унинг мутлақ ваколати жумласига кооперативнинг (ширкатнинг) уставига ёки умумий мажлисининг қарорига мувофиқ кооператив (ширкат) фаолиятининг бошқа масалалари ҳам киритилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ҳар бир аъзоси, шу жумладан жамоа аъзоси ўзининг мулкий улуши миқдоридан қатъи назар овоз беришда битта овозга эга бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар умумий мажлисда маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этадилар.

Умумий мажлис ҳар йили молия йили тугаганидан кейин ўтказилади. У қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг (раисининг) қарорига биноан ёки кооператив (ширкат) аъзолари камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан навбатдан ташқари чақирилиши мумкин.

Аъзоларининг сони беш юз кишидан ортиқ бўлган йирик қишлоқ хўжалиги кооперативларида (ширкат хўжаликларида) умумий мажлис ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун, уставда назарда тутилган ҳолларда, вакиллар мажлиси чақирилиши мумкин.

12-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқаруви ва раиси

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқаруви:

кооператив (ширкат) фаолиятининг бизнес-режаларини ишлаб чиқади ва умумий мажлис тасдиғига киритади;

кооператив (ширкат) аъзоларининг умумий мажлисини чақиради ва мажлис томонидан қабул қилинган қарорлар бажарилишини назорат қилади;

кооперативнинг (ширкатнинг) жорий хўжалик фаолияти масалаларини унинг уставига мувофиқ ҳал этади;

кооперативга (ширкатга) янги аъзолар қабул қилиш ва аъзоликни тугатиш тўғрисидаги қарорни умумий мажлис тасдиғига киритади;

кооперативнинг (ширкатнинг) мол-мулки сақланишини таъминлайди ҳамда етказилган зарарнинг ўрни қопланишига доир чораларни кўради;

зарурат бўлганда мустақил аудиторлик текширишлари ўтказилишини ташкил этади;

фуқароларга фермер ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратиш тўғрисида умумий мажлис кўриб чиқиши учун таклифлар киритади;

оила бошлиғи (жамоанинг ваколатли вакили) билан оилавий (жамоа) пудрат шартномаларини, шунингдек фермер хўжаликлари бошлиқлари билан ер участкаларини ижарага бериш шартномаларини тузади;

кооператив (ширкат) уставда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этади.

Бошқарув аъзоларининг сони қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) уставда белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг аъзолари ўз таркибидан кооперативнинг (ширкатнинг) уставига мувофиқ кооператив (ширкат) раисининг ўринбосарини ва бошқарув котибини сайлашлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)

раиси бошқарувга раҳбарлик қилади. Кооператив (ширкат) раисини сайлаш ва чақириб олиш тартиби, шунингдек унинг ваколатлари кооператив (ширкат) уставида белгиланади.

13-м о д д а. **Тафтиш комиссияси (тафтишчи)**

Тафтиш комиссияси (тафтишчи) қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг), бошқарувнинг молиявий ҳамда хўжалик фаолиятини текширади ва у умумий мажлисга ҳисобдордир. Тафтиш комиссияси аъзоларининг сони кооперативнинг (ширкатнинг) уставида белгиланади.

Умумий мажлис қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ва унинг бошқарувининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун белгиланган тартибда аудитор ёки аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли.

4-б о б. **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИГА (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИГА) ЕР УЧАСТКАЛАРИ БЕРИШ. ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ, ЕРДАН ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ**

14-м о д д а. **Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалиги) ер участкалари бериш. Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжалиқларига) белгиланган мақсадда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун доимий эгалик қилишга берилади.

Ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиқлари) қўшимча равишда ижарага ёки вақтинча фойдаланиш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжалиқларига) берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан, шунингдек фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун бериб қўйилган ерлардан иборат бўлади ҳамда улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) бериб қўйилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳаля, айирбошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас. Бу ер участкалари белгиланган тар-

тибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, вақтинча фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ходимларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаларини ажратиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўлчамлар ва тартибда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ерга эгалик қилиш ҳуқуқи улар уюшмалар, жамиятлар, агрофирмалар ва бошқа бирлашмалар таркибига кирганида ҳам сақланиб қолади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) берилган ер участкаларини олиб қўйиш белгиланган кафолатларга риоя этилган ҳолда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

15-м о д д а. Ер участкаларини оила (жамоа) пудрати шартномаси шартлари асосида бериш

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) ер участкалари, қоида тариқасида, оилаларга қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун вақтинча фойдаланишга оила (жамоа) пудрати шартномаси шартлари асосида берилди. Ер участкалари муайян турдаги қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ходимларининг гуруҳларига вақтинча фойдаланишга жамоа пудрати шартномаси шартлари асосида ҳам берилиши мумкин.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида бериладиган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, бунда ҳайдаладиган ерлар майдони ўлчамларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ер участкасининг ўлчамлари ва унинг чегаралари тарафларнинг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Пудрат шартномаси шартлари асосида олинган ер участкасини ижарага ёки ёрдамчи пудратга бериш тақиқланади.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида берилган ер участкаси учун пудратчидан ер ҳақи ундирилмайди. Бу

участкалардан олинадиган ер солигини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) белгиланган тартибда тўлайди.

Ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда пудратчи зарар (шу жумладан бой берилган фойда) ва бошқа харажатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

16-м о д д а. Сувдан фойдаланиш

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) етказиб берилаётган сув сарфини ҳисобга олиш тартиби, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ миқдори ва уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

5-б о б. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИНИНГ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИНИНГ) МОЛ-МУЛКИ

17-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мулки

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мустақил балансида акс эттириладиган асосий жамғармалар, айланма маблағлар ҳамда бошқа бойликлар шу кооперативнинг (ширкатнинг) мулкидир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мол-мулки асосий жамғармалар қиймати, етиштирган маҳсулоти, уни сотишдан тушган даромадлар (фойда), аъзоларнинг пул ва моддий бадаллари, банк кредитлари, қимматли қоғозлар ҳисобидан ҳамда кооперативнинг (ширкатнинг) уставда назарда тутилган бошқа фаолият натижасида ва қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳосил бўлади. Кооператив (ширкат) мол-мулкини шаклантиришда юридик ва жисмоний шахслар шартнома асосида пул ва моддий бадаллар киритиш йўли билан иштирок этишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан ташкил этиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, шунингдек хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки уларнинг улушли

иштирокига мувофиқ шу кооперативнинг (ширкатнинг) мулкидир.

Таркибига қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), мулкчиликнинг турли шаклидаги бошқа корхоналар ва ташкилотлар кирган уюшмаларнинг мол-мулки уларнинг умумий (улушли) мулки ҳисобланади. Таркибига фақат кооперативлар (ширкатлар) кирган уюшмаларнинг мол-мулки, агар уюшмаларнинг таъсис ҳужжатларида ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шу кооперативларга (ширкатларга) умумий (улушли) мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) юридик ва жисмоний шахслардан мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

18-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пай ва бўлинмас жамғармалари

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) умумий мажлис қарори билан қуйидагилардан таркиб топадиган устав жамғармаси (капитали) шакллантирилади:

пай жамғармаси;

тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини ўтказиш, ирригация иншоотларини сақлаш, янги ирригация-мелиорация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш, техника олиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, бошқа умумий ижтимоий ва хўжалик вазибаларини ҳал этиш учун мўлжалланган бўлинмас жамғарма.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пай жамғармаси ер участкаларининг қиймати баҳосини ва асосий жамғармаларнинг қийматини ҳамда кооперативнинг (ширкатнинг) мажбуриятлардан ҳоли бошқа ақтивлари қийматини ўз ичига олади, бўлинмас жамғармани шакллантиришга йўналтириладиган маблағлар бундан мустасно. Пай жамғармасига қўшиладиган ер участкалари қийматини баҳолаш Давлат ер кадастри ва қонун ҳужжатларида белгиладиган табақалаштирилган қийматни баҳолаш коэффициентлари асосида амалга оширилади.

Пай ва бўлинмас жамғармаларнинг миқдорлари қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) уставида белгилаб қўйилади.

Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларига умумий улушли мулк асосида, бўлинмас жамғарма эса — умумий биргаликдаги мулк асосида қарашли бўлади.

19-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) мулкый пайлар

Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари ўртасида мулкый пайларга тақсимланиши лозим.

Мулкый пай қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат) пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига кооперативнинг (ширкатнинг) якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улушни олиш ҳуқуқини беради.

Мулкый пай миқдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби, шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзоси мулкый пайининг аниқ миқдори кооперативнинг (ширкатнинг) аъзосига мол-мулкнинг муайян улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг (фойданинг) тегишли қисмига бўлган унинг ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берилган ҳолда кооперативнинг (ширкатнинг) юқори бошқарув органи қарори билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) даромадининг (фойдасининг) пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига кўра тақсимланади ва мулкый пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолигидан чиқиш фермер хўжалиги ёки янги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ташкил этиш мақсадида амалга оширилган ҳолларда мулкый пайлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратиб берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзосининг мулкый пайини мерос қилиб олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат унинг қийматидаги ифодасида амалга оширилади.

6-б о б. ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ (ШИРКАТ ХҲЖАЛИГИ) ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ

20-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ишлаб чиқариш фаолияти

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўзи етиштираётган маҳсулот сифатига оид амалдаги нормативлар ва стандартларга, экологияга, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаблар ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) хўжалик фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оила (жамоа) пудрати қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) ички хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишнинг устун шаклидир.

21-м о д д а. Оила (жамоа) пудрати шартномаси

Оила (жамоа) пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви орқали мазкур кооператив (ширкат) ва оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берилган вакили) ўртасида тузилади.

Оила (жамоа) пудрати шартномаси бўйича оила (ҳодимлар гуруҳи) пудратчи сифатида муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва уни буюртмачига — қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) келишилган муддатларда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса, мазкур маҳсулотни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Оила (жамоа) пудрати шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

ер участкасининг ўлчами, жойлашган манзили ва ҳолати;

ер участкасидан фойдаланиш шартлари, тарафларнинг алмашлаб экиш схемасига мувофиқ қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва ер сифатини ошириш,

тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича мажбуриятлари;

етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг миқдори ва турлари, унинг сифати;

етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг баҳоси, унга ҳақ тўлаш ва уни реализация қилиш шартлари;

суғориш учун сув ва моддий-техника ресурслари билан пудратчини таъминлаш;

тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва уларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар.

Пудратчи, агар оила (жамоа) пудрати шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ишларни бажариш усуларини мустақил равишда белгилайди, уларни ўз кучи ва воситалари билан амалга оширади. Буюртмачи пудратчига оила (жамоа) пудрати шартномасида назарда тутилган ҳажмда ва тартибда ишларни бажаришда кўмаклашиши шарт. Кўрсатилган ишларнинг бажарилишини моддий-техникавий таъминлаш, агар оила (жамоа) пудрати шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи томонидан амалга оширилади. Ишлар тугаганидан кейин пудратчи буюртмачи томонидан берилган моддий-техника ресурсларидан фойдаланилганлик тўғрисида буюртмачига ҳисобот тақдим этиши, шунингдек уларнинг қолдиғини буюртмачига қайтариши ёхуд пудратчидаги фойдаланилмай қолган моддий-техника ресурслари қийматини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўлаши лозим бўлган ишлар қийматини буюртмачининг розилиги билан камайтариши шарт.

Оила (жамоа) пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаларга кўра — етиштирилган маҳсулотнинг шартномада назарда тутилган миқдори, сифати ва баҳосига қараб амалга оширилади. Шу билан бирга оила аъзолари (пудратчилар) — пай эгалари хўжаликнинг йил давомидаги фаолияти якуний натижаларига кўра аниқланадиган дивидендлар оладилар.

22-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) меҳнат

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) меҳнат муносабатлари ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, кооперативнинг (ширкатнинг) устави ва ички иш тартиби билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун кооператив (ширкат) аъзоси бўлмаган шахсларни меҳнат шартномаси бўйича ишга жалб этиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат) аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва шартларини қонун ҳужжатларига ҳамда оила (жамоа) пудратига мувофиқ мустақил равишда белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларига мулкый пайлар бўйича тўланган дивидендлар меҳнат ҳақи таркибига киритилмайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги бўйича белгиланган нормалар ва қоидаларга, ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя этилишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларини ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларни ижтимоий таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

23-м о д д а. Маҳсулотни қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан реализация қилиш тартиби

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) етиштириладиган маҳсулотни реализация қилиш учун, шу жумладан давлат харидлари тартибида реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга.

Шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда, тарафлар қонунга ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) етиштириладиган маҳсулотни экспортга чиқариш, шунингдек чет эллик шериклар билан ҳисоб-китоб қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

24-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) солиқ солиш

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни тўлайди.

25-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) моддий-техникавий таъминлаш, унга агротехник ва бошқа хил хизмат кўрсатиш

Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) моддий-техникавий таъминлаш, унга агротехник ва бошқа хил хизмат кўрсатиш товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда шартнома асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўзига зарур бўлган мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан, аҳолидан олишга ҳақли.

26-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) кредитлаш ва суғурталаш

Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этиш учун узоқ муддатли кредитлаш ва жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномалари асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ташкил этилган пайтда унга қарзлар ва кредитлар беришда тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек кооперативларнинг (ширкатларнинг) ўзлари ўз мол-мулкани гаровга қўйиб кафил бўлишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалик экинзорларининг (кўчатзорларининг), кўп йиллик дов-дарахтларнинг, етиштирилган ёки қайта ишланган маҳсулотнинг, хом ашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфини, тадбиркорлик хавфини, шунингдек шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини суғурта қилдиради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта товони олади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)

уни иқтисодий ночорликка олиб борадиган даражада зарар кўрган ва туловга қобилиятсиз бўлган ҳолларда қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) санация қилиш ўтказилиши ёки унинг банкротлиги туғрисидаги масала қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

27-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) қишлоқ аҳоли пунктлари ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги фаолияти

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қишлоқ аҳоли пунктлари ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, кооператив (ширкат) аъзолари ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг, шунингдек улар оилаларининг маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг саломатлигини мустақамлаш, бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондириш бўйича тадбирларни амалга оширади. Бу мақсадларда қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги):

ижтимоий инфратузилма объектларини қуради ва жиҳозлайди;

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳудудидаги аҳоли пунктларини ободонлаштириш, электрлаштириш, газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлашни амалга оширади, кооператив (ширкат) аъзолари ва ходимларига хизмат кўрсатувчи кичик корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашади;

ўз аъзоларининг деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга уларга уруғлик, кўчат, ёш қорамоллар ва паррандалар реализация қилиш, агротехника ва ветеринария хизмати кўрсатиш, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини реализация қилишда кўмаклашиш йўли билан ёрдам беради;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш тадбирларини амалга оширади;

кооперативда (ширкатда) даволаш ва профилактика тадбирларини ўтказишда соғлиқни сақлаш органларига ёрдам беради;

ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича кооператив (ширкат) уставида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга оширади.

28-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) бирлашмалари

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ихтиёрийлик асосида, шу жумладан улуш (пай) асосида маҳсулотни етиштириш, харид қилиш, қайта ишлаш ва уни сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, хизмат кўрсатишнинг техникавий, сув хўжалигига, ветеринария, агрокимё, маслаҳат беришга оид ва бошқа турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бирлашиш, уюшмалар, жамиятлар, агрофирмалар ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш, кириш ҳуқуқига эга.

29-м о д д а. Ҳисобга олиш ва ҳисобот

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб ишларини юритади ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига ҳисобот тақдим этади.

7-б о б. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

30-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш

Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида ва кооператив (ширкат) уставида белгиланган тартибда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги):
умумий мажлис қарорига биноан;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) кредиторлар даъволари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулки қиймати унинг аъзолари ўртасида тақсимланади.

31-м о д д а. Низоларни ҳал этиш

Қишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкат хўжаликларини) ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

32-м о д д а. Мажбуриятлар бўйича жавобгарлик

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат) аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан жавоб бермайдилар.

Давлат қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мажбуриятлари бўйича, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) эса давлатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

33-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат) аъзоларининг ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига улар меҳнат мажбуриятларини бажариш чоғида етказилган зарар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ва унинг аъзоларининг, шунингдек унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг ердан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланмаганлик учун жавобгарлиги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ)
ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИНИНГ**

1998 йил 30 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-
номаси, 1998 йил, 5—6-сон, 85-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л а д и:

1. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1998 йил 1 июлдан амалга киритилсин. Мазкур Қонуннинг амалга киритилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги Фармони билан тасдиқланган «1998—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури»да назарда тутилган муддатлар ва тадбирларга мувофиқ равишда таъминлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин;

амалдаги жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) айлантириш тартибини тасдиқласин;

вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 30 апрель

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон, 86-модда)

Ушбу Қонун фермер хўжалиklarини ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларини тартибга солади.

1-б о б. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-м о д д а. Фермер хўжалиги

Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

2-м о д д а. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фермер хўжалиklarини ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида фермер хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-м о д д а. Фермер хўжалигининг аъзолари

Фермер хўжалиги аъзолари жумласига фермер хўжалигини биргаликда юритаётган, бу хўжаликдаги иш ўзи-

нинг асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олинган болалари, ота-оналари, бошқа қариндошлари ҳамда меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа шахслар кирази.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлайётган шахслар фермер хўжалиги аъзоси ҳисобланмайди.

4-м о д д а. Фермер хўжалигининг бошлиғи

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

Фермер хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганида у ўз вазифаларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига ёки ушбу модданинг иккинчи қисми талабларига жавоб берадиган ҳар қандай шахсга (шартнома асосида) беришга ҳақлидир.

5-м о д д а. Фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари

Фермер хўжалиги танлов асосида, аксарият ҳолларда меҳнат ресурслари ортиқчалиғи сезилмаётган ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектар, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашти-

рилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

6-м о д д а. Фермер хўжалигини ташкил этиш тартиби

Фермер хўжалиги ихтиёрий равишда хўжалик бошлигининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва туман ҳокимига ёзма мурожаати асосида ташкил этилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, фермер хўжалигининг таркиби кўрсатилади ҳамда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бизнес режаси тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокамасига киритади, умумий мажлис бу хусусда тегишли қарор қабул қилади. Туман ҳокими қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарори асосида, ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олган ҳолда фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Туман ҳокимининг фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори туманнинг молиявий, банк, солиқ ва бошқа тузилмалари учун мажбурий ҳужжатдир.

7-м о д д а. Фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш

Фермер хўжалиги ҳамда ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан фермер хўжалиги ташкил этилган деб ҳисобланади.

Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк

муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа хил ҳисобварақлар очишга, номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақлидир.

Посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир фермер хўжалигини Хўжалик китобига киритиб, унда фермер хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек хўжаликка ажратилган ер участкасига оид асосий маълумотларни қайд этиб қўяди.

Фермер хўжалигини ташкил этишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартиби бузилган ёки хўжаликнинг устави қонунга мувофиқ бўлмаган тақдирда фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги ҳамда рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

8-м о д д а. Фермер хўжалигининг устави

Фермер хўжалиги устав асосида фаолият кўрсатади. Фермер хўжалигининг уставига қуйидагилар белгиланади:

фермер хўжалигининг номи;

фаолият соҳаси ва мақсади;

фермер хўжалигининг бошлиғи тўғрисидаги асосий маълумотлар;

фермер хўжалиги фаолиятини бошқариш тартиби;

ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш тартиби;

фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

фермер хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этиш тартиби;

фермер хўжалигининг даромадларини (фойдаларини) тақсимлаш, зарарларини қоплаш тартиби;

фермер хўжалигининг ўз мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавобгарлиги;

фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тартиби;

фермер хўжалигининг жойлашган манзили;

фермер хўжалиги уставини ўзгартириш тартиби.

Фермер хўжалигининг уставига фермер хўжалиги фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

2-б о б. **ФЕРМЕР ХҲЖАЛИКЛАРИГА ЕР БЕРИШ. ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ, ЕРДАН ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ**

9-м о д д а. **Фермер хўжалиқларига бериладиган ерлар**

Фермер хўжалиқларига захира ерлар, махсус республика фонди ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжалиқлардаги ва янги суғориладиган мавзелардаги ерлар берилди. Уларга зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари ҳам берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжалиқларининг) ерлари фермер хўжалиқларига кооперативлар (ширкатлар) аъзолари умумий мажлисининг қарори асосида туман ҳокими томонидан қабул қилинадиган қарорга биноан берилиши мумкин.

Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умум таълим мактабларининг ерлари, шунингдек сув фонди ерлари фермер хўжалиқларига берилиши мумкин эмас.

10-м о д д а. **Фермер хўжалиқларига ер бериш тартиби**

Фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилди.

Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади.

Ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан умумий мажлисининг қарори асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни қайта ишлаш, ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Ер участкасини олишда мазкур жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг ва туман ҳокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки буйсунув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга шикоят қилиш мумкин.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари олган ва қишлоқ аҳоли пунктида турар жойи бўлган шахсларнинг уй-жойидаги томорқа чек ерлари сақланиб қолади.

Фермер хўжалигига ажратилган ернинг чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилади.

Фермер хўжаликларига ер бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

11-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг фермер хўжалигини ташкил этиш хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) таркибидан чиқиш ва мустақил фермер хўжалиги юритиш истагида бўлган аъзолари кооператив (ширкат) уставига биноан ўзларига тегишли мулкый пай қийматини ҳамда даромаддан (фойдадан) миқдори кооператив (ширкат) аъзосининг меҳнат иштирокини инобатга олган ҳолда аниқланадиган улушни олишга ҳақлидир. Мазкур шахслар фермер хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарорига биноан шу кооператив (ширкат) ерлари таркибидан ушбу Қонуннинг 10-моддасида белгиланган тартибда узоқ муддатли ижарага ер участкаси олиш ҳуқуқига эга. Бунда ер участкасини узоқ муддатли ижарага ажратиш қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) унинг фаолият кўрсатиши учун зарур ер ресурслари ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум этиб қўймаслиги лозим.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) собиқ аъзоси томонидан ташкил этилган фермер хўжалигини рўйхатдан ўтказиш ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

12-м о д д а. Ердан фойдаланиш

Фермер хўжалигининг ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, улар хусу-

сийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳада, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Фермер хўжалиги кредитлар олиш учун ўз мол-мулкани, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси бўлиниши мумкин эмас.

Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, фермер хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади. Фермер хўжалиги бошлиғи меҳнат қобилиятини тўла йўқотган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи хўжалик аъзоларининг розилиги билан улардан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда топширилади.

Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда, уни юритиш учун берилган ер участкасини ижарага олиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши лозим.

13-м о д д а. Ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ

Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ туман бюджетига киритиладиган ҳар йилги ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган манзилига ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда белгиланадиган ер солиғи ставкаси миқдорида ундирилади.

Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида фермер хўжалиги ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод этилади.

14-м о д д а. Сувдан фойдаланиш

Фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

Фермер хўжалигига бериладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби, шунингдек мазкур солиқ бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

3-б о б . ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ҲАМДА УНИНГ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

15-м о д д а . Фермер хўжалигининг ҳуқуқлари

Фермер хўжалиги юридик шахснинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Фермер хўжалиги тадбиркорлик шакллари-дан бири бўлиб, ташкил этилишидан қўзланган мақсадларга эришиш учун шу мақсадларга монанд тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Фермер хўжалиги бошқа шаклларда хўжалик юритувчи корхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга.

Фермер хўжалиги тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ер участкасида уставда назарда тутилган доирада мустақил ташкил этиш;

етиштирилаётган маҳсулотга мустақил равишда нарх белгилаш;

ўзи етиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш;

харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш;

кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларида, шу жумладан фермер хўжаликларини кредитни узишнинг зарур гаров, суғурта ҳамда бошқа кафолатларини таъминлаган ҳолда имтиёзли кредитлашга жалб этиш;

ижарага берувчининг рухсати билан ёки қонунда ёхуд ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ер участ-

касини ижарага бериш ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш;

урта ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш;

ходимларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш.

Қонун ҳужжатларида фермер ҳўжалигининг бошқа ҳуқуқлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

16-м о д д а. Фермер ҳўжалигининг мажбуриятлари

Фермер ҳўжалиги қуйидагиларни бажариши шарт: ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш;

табiiй объект бўлмиш ерга зарар етказмаслик;

ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш;

ер участкасини, агар ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил ичида ўзлаштириш;

агротехника талабларига, белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва сервитутларга риоя этиш;

фермер ҳўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўла жавобгар бўлиш;

фермер ҳўжалигининг барча аъзолари ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамгармасига ва Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамгармасига мажбурий бадаллар тўлаш; фермер ҳўжалигининг аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритиш;

ҳўжалик аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш;

маданий-маърифий тадбирларга, ободонлаштириш ишларига шартнома асосида маблағлар ажратиш.

Қонун ҳужжатларида фермер ҳўжалигининг бошқа мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

17-м о д д а. Фермер ҳўжалиги бошлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фермер ҳўжалиги бошлиги фермер ҳўжалигининг ушбу Қонун 15 ва 16-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқ

ва мажбуриятларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳамда фермер хўжалиги фаолиятига раҳбарликни унинг уставида назарда тутилган ваколатлар доирасида амалга оширади.

18-м о д д а. Фермер хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фермер хўжалигининг аъзолари:

хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартларига боғлиқ тарзда биргаликда ёки якка тартибда фойдаланиладиган даромаддан (фойдадан) ўз улушини олиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиш ва ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалигининг аъзолари:

фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши;

белгиланган меҳнат тартибига бўйсунishi шарт.

Қонун ҳужжатларида фермер хўжалиги аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

4-б о б. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ МОЛ-МУЛКИ

19-м о д д а. Фермер хўжалигининг мулки

Фермер хўжалиги:

ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллар, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек бошқа мол-мулкларга;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга;

олинган даромадларга (фойдаларга);

қонунда тақиқланмаган асосларда эга бўлинган бошқа мол-мулкка мулкдордир.

Қуйидагилар:

фермер хўжалиги аъзоларининг пул ва моддий маблағлари;

товарлар, ишлар, хизматлар реализациясидан, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромадлар (фойдалар);

қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;

кредитлар;
юримдик ва жисмоний шахсларнинг бегараз хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари;

қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар фермер хўжалигининг пул жамғармаларини ҳосил этиш манбалари бўлиши мумкин.

20-м о д д а. Фермер хўжалигининг мол-мулкига бўлган мулк ҳуқуқи

Фермер хўжалигининг ўзига қарашли мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир.

Фермер хўжалигининг мол-мулки, агар унинг аъзолари ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса, унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида қарашли бўлади.

Фермер хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик аъзолари томонидан ўзаро келишув асосида амалга оширилади.

Фермер хўжалиги таркибидан бошқа фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида чиқаётган аъзоларгина фермер хўжалиги таркибидан чиққанда мол-мулкдаги улушни натурада ёки тенг қийматда олиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни ҳосил қилиш, кўпайтириш, олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

21-м о д д а. Фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари

Фермер хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасасида ҳисоб варақлар очиш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг ҳисоб-китоб ҳисобварағидан маблағларни фақат унинг розилиги ёки суднинг қарори билан ҳисобдан чиқариш мумкин.

22-м о д д а. Фермер хўжалигининг мол-мулкни мерос қилиб қолдириш

Фермер хўжалигининг мол-мулки фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Хўжаликда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар мерос ҳуқуқи туғрисидаги гувоҳнома берилганлик учун давлат божи тўлашдан озод этиладилар.

23-м о д д а. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарори билан белгиланган ихтисослашувга мувофиқ ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғуллашишга ҳақли.

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экологияга, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаблар ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) натижасида, шунингдек бундай органлар, ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг фермер хўжалигига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларни лозим даражада бажармасликлари оқибатида фермер хўжалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Фермер хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятни бошқа шаклларда хўжалик юритувчи корхоналар билан тенг шартда амалга оширади.

24-м о д д а. Фермер хўжалигидаги меҳнат

Фермер хўжалигининг фаолияти кўпроқ хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Фермер хўжалигидаги ишларни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида жалб этилиши мумкин.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш тартиби қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Фермер хўжалигидаги иш тартибини хўжалик бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди. Фермер хўжалиғи бошлиғи хўжалик аъзоларининг ва хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритади.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, тарафларнинг келишувига биноан пул тарзида ҳам, натура тариқасида ҳам амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси асосида фермер хўжалигида ишлаётган шахс хўжалик мол-мулкига фермер хўжалиғи бошлиғининг розилиғи билан пул ёки бошқа хил улушни киритишга ҳамда қўшган улушига мутаносиб равишда хўжалик даромади (фойдаси) тақсимотида қатнашишга ҳақлидир.

Фермер хўжалигининг аъзолари, шунингдек хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим.

Фермер хўжалигида ишланган вақт давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида меҳнат стажига қўшилади.

Фермер хўжалигининг аъзолари ҳамда хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларга ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

25-м о д д а. Маҳсулотни фермер хўжалиғи томонидан реализация қилиш тартиби

Фермер хўжалиғи ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш, шу жумладан давлат хариди тарғибида реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Тарафлар шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Фермер хўжалиғи ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустақил равишда нарх белгилайди.

Фермер хўжалиги етиштираётган маҳсулотни экспортга етказиб бериш, шунингдек чет эллик шериклар билан ҳисоб-китоб қилиш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

26-м о д д а. Фермер хўжалиklarининг биргаликдаги фаолияти

Фермер хўжалиklари ихтиёрийлик асосида, шу жумладан улушли (пай) асосда маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича кооперативларга (ширкатларга), жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш, кириш ҳуқуқига эга.

27-м о д д а. Фермер хўжалигини кредитлаш ва суғурталаш

Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этиш учун узоқ муддатли кредитлаш ва жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Фермер хўжалиklари банк муассасалари томонидан уларга хизмат кўрсатиш учун ташкил этиладиган махсус кредит фондидан имтиёзли шартларда фойдаланадилар.

Фермер хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалиги экинзорларининг (кўчатзорларининг), кўп йиллик доврахтларнинг, етиштирилган маҳсулотнинг, хом ашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфини, тadbиркорлик хавфини, шунингдек шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик асосида суғурта қилдиради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта товони олади.

28-м о д д а. Фермер хўжалигига солиқ солиш

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа тўловлар тўлайди.

Фермер хўжалиги аъзоларининг ва хўжаликда шартнома асосида ишлаётган шахсларнинг шахсий даромадлари даромадлар тўғрисида декларацияларда акс эттирилади.

29-м о д д а. Фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш

Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди.

Давлат органлари фермер хўжалигини ривожлантириш ва мустақамлашга кўмаклашишлари лозим.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудда фермер хўжаликлари ташкил этилганида уни бирламчи ободонлаштиришни (йўллар, электр узатиш ва алоқа линиялари қуришни, сув билан таъминлашни, газлаштиришни, телефонлаштиришни, радиоллаштиришни, ер тузишни, ерларни мелиорациялашни) амалга оширадилар;

фермер хўжаликларига ишлаб чиқариш объектлари ва турар жойларни барпо этишда ёрдам кўрсатадилар;

фермер хўжалиги учун керакли мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан олишда кўмаклашадилар;

навли уруғлик ва қишлоқ хўжалик экинларининг кўчат материалларини, органик ва минерал ўғитларни, қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш юзасидан давлат агротехника хизмати кўрсатиш тизими орқали техникавий хизмат кўрсатадилар;

қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналари ва ашёнжомларини лизинг асосида олишда кўмаклашадилар;

чорва моллар ва паррандалар боқиш учун шартнома асосида аралаш озуқа ажратиш, ёш чорва моллар ва паррандалар, зотдор қорамоллар олишда кўмаклашадилар;

фермер хўжаликларининг чорва молларига зооветери-

нария хизмати кўрсатиш учун зарур шароитлар яратиб берадилар;

фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва реализация қилишда кўмаклашадилар;

консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатадилар.

Фермер хўжаликларига кичик хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари ҳам татиб этилади.

Фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда уларнинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фермер хўжалигига берилган ерлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар ҳамда ердан самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрадилар.

30-м о д д а. Фермер хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиш

Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

6-б о б. ФЕрМЕР ХўЖАЛИГИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

31-м о д д а. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш

Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

32-м о д д а. Фермер хўжалигини тугатиш асослари

Фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади:
хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган

биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда;

ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклашнинг имконияти бўлмаганда;

ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳосидан муттасил (уч йил мобайнида) паст бўлганда;

ерларнинг экологик ҳолати ёмонлашганда;

ер участкаси белгиланган тартибда олиб кўйилганда;

фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинганда;

ижара ҳақи белгиланган муддатларда муттасил тўланмай келинганда;

фермер хўжалиги ер олган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятига киришмаган бўлса;

фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин кўпол равишда бузилганда;

шартнома шартлари бузилганлиги муносабати билан ер участкасига бўлган ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

33-м о д д а. Фермер хўжалигини тугатиш тартиби

Фермер хўжалиги:

фермер хўжалиги аъзоларининг қарорига биноан: қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

Фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжалиги тугатилганда унинг аъзолари ўз мулкидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқни ҳамда томорқа ер участкасига бўлган ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

7-б о б. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

34-м о д д а. Низоларни ҳал этиш

Фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

35-м о д д а. Мажбуриятлар бўйича жавобгарлик

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Давлат фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича, фермер хўжалиги эса давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

36-м о д д а. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик аъзоларининг ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига улар меҳнат мажбуриятларини бажариш чоғида етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Фермер хўжалигининг ва унинг аъзоларининг, шунингдек хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг ердан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланмаганлик учун жавобгарлиги қонун ҳужжатларида белгиланади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИНИНГ**

1998 йил 30 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон, 87-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни 1998 йил 1 июлдан амалга киритилсин. Мазкур Қонуннинг амалга киритилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги Фармони билан тасдиқланган «1998—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури»да назарда тутилган муддатлар ва тадбирларга мувофиқ равишда таъминлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин;

амалдаги деҳқон хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш тартибини тасдиқласин;

вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ДЕҲҚОН ХҲЖАЛИГИ ТҮҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 30 апрель

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон, 88-модда)

Ушбу Қонун деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва тугатилишининг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларини тартибга солади.

1-б о б. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-м о д д а. Деҳқон хўжалиги

Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тadbirkorлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас.

2-м о д д а. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3-м о д д а. Деҳқон хўжалиги аъзолари

Деҳқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган

оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради.

4-м о д д а. Деҳқон хўжалиғи бошлиғи

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалиғи номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

Деҳқон хўжалиғи бошлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиғи ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганда у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига, деҳқон хўжалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлганда эса, шартнома асосида — ушбу модданинг иккинчи қисми талабларига жавоб берадиган ҳар қандай шахсга беришга ҳақлидир.

5-м о д д а. Деҳқон хўжалигини ташкил этиш тартиби

Деҳқон хўжалиғи ихтиёрийлик асосида, хўжалик бошлигининг қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) бошқарувига ёхуд бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг иш берувчисига (маъмуриятига) ҳамда туман ҳокимига ёзма мурожаатига асосан ташкил этилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишнинг йўналишлари кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) бошқаруви деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокамасига киритади, мажлис бу хусусда тегишли қарор қабул қилади. Бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юқори бошқарув органи, иш берувчиси (маъмурияти) томонидан қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси ва ташкилоти юқори бошқарув органининг, иш берувчисининг (маъмуриятининг) қарори асосида ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олган ҳолда туман ҳокими деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Туман ҳокимининг деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори туманнинг молиявий, банк, солиқ ва бошқа тузилмалари учун мажбурий ҳужжатдир.

Деҳқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

6-м о д д а. Деҳқон хўжалигини давлат рўйхатига олиш

Деҳқон хўжалигининг бошлиғини давлат рўйхатига олиш деҳқон хўжалиги бошлиғининг доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида амалга оширилади. Деҳқон хўжалиги бошлиғига Ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

Агар давлат рўйхатига олиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи асоссиз деб ҳисоблайдиган сабабларга кўра рад этилган бўлса, хўжалик бошлиғи судга мурожаат қилиши мумкин.

Посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир деҳқон хўжалигини Хўжалик китобига киритиб, унда деҳқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек хўжаликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (юримдик шахс ташкил этган ҳолда ёки юримдик шахс ташкил этмасдан) тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб кўяди.

Деҳқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилганлик йиғимини тўлашдан озод қилинади.

2-б о б. ДЕҲҚОН ХҲЖАЛИКЛАРИГА ЕР БЕРИШ. ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ, ЕРДАН ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ

7-м о д д а. Томорқа ер участкаси

Томорқа ер участкаси — қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир.

Томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан гувоҳлантирилади.

8-м о д д а. Деҳқон хўжаликларига ер бериш тартиби

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг оилаларига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдони ҳам қушганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ким ошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалигига томорқа ер участкаси бериш тўғрисидаги қарор деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор билан бир вақтда қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг, бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси ва ташкилоти юқори бошқарув органининг, иш берувчисининг (маъмуриятининг) қарори асосида туман ҳокими томонидан қабул қилинади.

Янги ташкил этилаётган деҳқон хўжалиги учун томорқа ер участкаси олиш ҳуқуқидан мазкур жойда камида уч йил мобайнида доимий яшаб келаётган шахслар фойдаланадилар (янги/ўзлаштирилаётган ер майдонлари бундан мустасно).

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг, бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси ва ташкилоти бошқарув органининг, иш берувчисининг (маъмуриятининг) ҳамда туман ҳокимининг деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун томорқа ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалигига ажратилган ернинг чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилади.

Томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган деҳқон хўжалигига қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан умумий мажлисининг қарори асосида, бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси ва ташкилоти юқори бошқарув органи, иш берувчиси (маъмурияти) томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва реализация қилиш, ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун ер бериш ёки ерни реализация қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

9-м о д д а. Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш

Деҳқон хўжалигининг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Деҳқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган томорқа ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кредит олиш учун гаровга қўйилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигига берилган томорқа ер участкаси бўлиниши мумкин эмас.

Томорқа ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат деҳқон хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, деҳқон хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади. Деҳқон хўжалиги бошлиғи меҳнат қобилиятини тўла йўқотган тақдирда, ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи хўжалик аъзоларидан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда топширилади.

10-м о д д а. Томорқа ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ

Деҳқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган томорқа ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ ер солиғи тариқасида ундирилади.

11-м о д д а. Сувдан фойдаланиш

Деҳқон хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

Деҳқон хўжалигига бериладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби, шунингдек мазкур солиқ бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

3-б о б. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИНГ ҲАМДА УНИНГ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

12-м о д д а. Деҳқон хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Деҳқон хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти тариқасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзига берилган томорқа ер участкасида деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;

етиштирилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотга мустақил равишда баҳо белгилаш;

ўзи етиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш;

харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш;

ўз мол-мулкани, шунингдек томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида сотиб олинган ҳуқуқни гаровга қўйиш.

Деҳқон хўжалиги қуйидагиларни бажариши шарт:

томорқа ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш;

табiiй объект бўлмиш ерга зарар етказмаслик;

томорқа ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш;

янги берилган томорқа ер участкасидан, агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил ичида фойдаланишга киришиш;

агротехника талабларига, белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва сервитутларга риоя этиш;

деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари бўйича тўла жавобгар бўлиш;

хўжалик аъзолари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларида деҳқон хўжалигининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

13-м о д д а. Деҳқон хўжалиги бошлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Деҳқон хўжалиги бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
деҳқон хўжалиги номидан ишончномасиз иш кўриш;
юримдик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

ишончномалар бериш;

банкда ҳисобварақлар очиш.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи деҳқон хўжалигининг

ҳамда унинг аъзоларининг манфаатлари ҳимоя қилини-
шини ва ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаши
шарт.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи қонун ҳужжатларида назар-
да тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши
мумкин.

14-м о д д а. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Деҳқон хўжалиги аъзолари:

хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартларига
қўра биргаликда ёки якка тартибда фойдаланиладиган
даромаддан ўз улушини олиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғур-
тасидан ўтказилиш ва ижтимоий таъминланиш, шунинг-
дек товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун
деҳқон хўжалигида сарфланган иш вақти Ўзбекистон
Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги
Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб борилган тақдирда
меҳнат стажига киритилиш ҳуқуқига эга.

Деҳқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалигининг иш-
лаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан ишти-
рок этиши шарт.

Қонун ҳужжатларида деҳқон хўжалиги аъзоларининг
бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши
мумкин.

4-б о б. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИНГ МОЛ-МУЛКИ

15-м о д д а. Деҳқон хўжалигининг мулки

Деҳқон хўжалиги:

ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қиш-
лоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахт-
лар, маҳсулдор чорва моллар, паррандалар, қишлоқ хў-
жалик техникаси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлари,
транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал
мулк объектларига, шунингдек бошқа мол-мулкларга;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган
маҳсулотга;

олинган даромадга (фойдага);

қонунда тақиқланмаган асосларда эга бўлинган бош-
қа мол-мулкка мулкдордир.

16-м о д д а. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига бўлган мулк ҳуқуқи

Деҳқон хўжалигининг ўзига қарашли мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир.

Деҳқон хўжалигининг мол-мулки, агар унинг аъзолари ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса, унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида қарашли бўлади.

Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни ҳосил қилиш, кўпайтириш, олиш, уни ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

17-м о д д а. Деҳқон хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари

Деҳқон хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасасида ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга. Деҳқон хўжалигининг ҳисоб-китоб ҳисобварағидан маблағларни фақат унинг розилиги ёки суднинг қарори билан ҳисобдан чиқариш мумкин.

18-м о д д а. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкни мерос қолдириш

Деҳқон хўжалигининг мол-мулки фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Хўжаликда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилганлик учун давлат божи тўлашдан озод этиладилар.

5-б о б. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ

19-м о д д а. Деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти

Деҳқон хўжалиги ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилиши ва ҳажмларини мустақил равиш-

да белгилайди. Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган ва реализация қилаётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экологияга, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаб ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Деҳқон хўжалиklarининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувиغا йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) натижасида, шунингдек бундай органлар, ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг деҳқон хўжалигига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларни лозим даражада бажармасликлари оқибатида деҳқон хўжалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

Юридик шахс тариқасида рўйхатга олинган деҳқон хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятни бошқа шаклларда хўжалик юритувчи корхоналар билан тенг шартларда амалга оширади.

20-м о д д а. Деҳқон хўжалигида меҳнат

Деҳқон хўжалигининг фаолияти хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатиغا асосланади. Деҳқон хўжалигидаги муайян ишни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигининг аъзолари деҳқон хўжалиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда бадаллар туланган тақдирда давлат ижтимоий сурғуртасидан ўтказилиши лозим.

Деҳқон хўжалигининг барча аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб бораётган

деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнат фаолияти ҳисобини деҳқон хўжалиги бошлиғи юритади.

Деҳқон хўжалигида ишланган вақт давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар туланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг туман бўлимида меҳнат дафтарчасини белгиланган тартибда расмийлаштирган ҳолда меҳнат стажига қўшилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида), бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонасида, муассасасида, ташкилотида ишлаётган деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат фаолияти ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тулаши ҳисобини юритиш қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташкилоти томонидан ҳам, деҳқон хўжалиги томонидан ҳам амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги аъзоларига ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тулаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

21-м о д д а. Маҳсулотни деҳқон хўжалиги томонидан реализация қилиш тартиби

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Тарафлар шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустакил равишда баҳо белгилайди.

22-м о д д а. Деҳқон хўжалиklarининг биргаликдаги фаолияти

Деҳқон хўжалиklари ихтиёрийлик асосида, шу жумладан улушли (пай) асосда маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа

хил хизмат кўрсатиш бўйича кооперативларга (ширкатларга), жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш, кириш ҳуқуқига эга.

23-м о д д а. Деҳқон хўжалигига солиқ солиш

Юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳамда юридик шахс ташкил этмасдан тузилган деҳқон хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиғи тўлайди.

Деҳқон хўжалигидан ер солиғи томорқа ер участкасининг сифатига, жойлашган манзилига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган миқдорда ундирилади. Солиқ солиш тартиби ҳамда деҳқон хўжалиги тўлайдиган ер солиғининг ставкалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Биринчи марта томорқа ер участкаси олган деҳқон хўжалиги давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан икки йил муддатга ер солиғи тўлашдан озод қилинади.

24-м о д д а. Деҳқон хўжалигини кредитлаш ва суғурталаш

Юридик шахс ташкил этган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари фаолиятни амалга ошириш учун кредит олишлари, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларида, шу жумладан деҳқон хўжаликларини кредитни узишнинг зарур гаров, суғурта ҳамда бошқа кафолатларини таъминлаган ҳолда имтиёзли кредитлашга жалб этишлари, шунингдек хусусий кичик тадбиркорлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланишлари мумкин.

Деҳқон хўжалигини ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этиш учун узоқ муддатли кредитлаш ва жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалиги

экинзорларининг (кўчатзорларининг), кўп йиллик доврахтларнинг, етиштирилган маҳсулотнинг, хом ашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфини, тадбиркорлик хавфини, шунингдек шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик асосида суғурта қилдиради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта товони олади.

25-м о д д а. Деҳқон хўжалиklarини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш

Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи деҳқон хўжалиklarининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳамоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат органлари деҳқон хўжалигини ривожлантириш ва мустақкамлашга кўмаклашишлари лозим.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиklари) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудда деҳқон хўжалиklари ташкил этилганида уни бирламчи ободонлаштириш (йўллар, электр узатиш ва алоқа линиялари қуриш, сув билан таъминлаш, газлаштириш, телефонлаштириш, радиолаштириш, ер тузиш, ерларни мелиорациялаш) ишларини амалга оширади;

деҳқон хўжалиklарига ишлаб чиқариш объектлари ва турар жойларни барпо этишда ёрдам кўрсатади;

деҳқон хўжалиги учун керакли мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан олишда кўмаклашади;

навли уруғлик ва қишлоқ хўжалик экинларининг кўчат материалларини, органик ва минерал ўғитларни, қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар ва касалликлардан ҳамоя қилиш воситаларини етказиб бериш юзасидан давлат агротехника хизмати кўрсатиш тизими орқали техникавий хизмат кўрсатади;

қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналари ва ашё-анжомларини лизинг асосида олишда кўмаклашади; чорва моллар ва паррандалар боқиш учун шартнома асосида аралаш озуқа ажратади, ёш чорва моллар ва паррандалар, зотдор қорамоллар олишда кўмаклашади;

деҳқон хўжаликларининг чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш учун зарур шароитлар яратади;

деҳқон хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва реализация қилишда кўмаклашади;

консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатади.

Деҳқон хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда уларнинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деҳқон хўжалигига берилган ерлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар ҳамда ердан самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрадилар.

26-м о д д а. Деҳқон хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиш

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради.

6-б о б. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ТУГАТИШ (ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ)

27-м о д д а. Деҳқон хўжалигини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш) асослари

Деҳқон хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади (фаолияти тўхтатилади):

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса;

томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда;

томорқа ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда;

белгиланган солиқлар муттасил тўланмаганда;

агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, янги берилган томорқа ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланишга киришмаган тақдирда;

деҳқон ҳужжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда.

28-м о д д а. Деҳқон ҳужжалигини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш) тартиби

Деҳқон ҳужжалиги:

деҳқон ҳужжалиги аъзоларининг қарорига биноан;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади (фаолияти тўхтатилади).

Деҳқон ҳужжалигини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-б о б. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

29-м о д д а. Низоларни ҳал этиш

Деҳқон ҳужжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва тугатилиши билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

30-м о д д а. Мажбуриятлар бўйича жавобгарлик

Деҳқон ҳужжалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Давлат деҳқон ҳужжалигининг мажбуриятлари бўйича, деҳқон ҳужжалиги эса давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

31-м о д д а. Деҳқон ҳужжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Деҳқон ҳужжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Деҳқон ҳужалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳужалик аъзоларининг ва унда вақтинча ишлаётган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига улар меҳнат мажбуриятларини бажариш чоғида етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Деҳқон ҳужалигининг ҳамда унинг аъзоларининг ердан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланмаганлик учун жавобгарлиги қонун ҳужжатларида белгиланади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«ДЕҲҚОН ХҲЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИНИНГ**

1998 йил 30 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-
номаси, 1998 йил, 5—6-сон, 89-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни 1998 йил 1 июлдан амалга киритилсин. Мазкур Қонуннинг амалга киритилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги Фармони билан тасдиқланган «1998—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури»да назарда тутилган муддатлар ва тадбирларга мувофиқ равишда таъминлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин;
амалдаги шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига айлантириш тартибини тасдиқласин;
вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. 1998 йилнинг 1 июлидан эътиборан Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатлари бутунлай ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 10, 403-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги Қарори (Ўзбекистон Республика-

си Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 10, 404-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар кириштириш тўғрисида»ги Қонуни IV бўлими (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 28 август

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 165-модда)

1-м о д д а. Мазкур Қонуннинг мақсади

Мазкур Қонуннинг мақсади давлат ер кадастри юриштишининг, иқтисодиётни ривожлантириш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатларини таъминлаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашдан иборат.

2-м о д д а. Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазкур Қонундан, бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат ер кадастри тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-м о д д а. Давлат ер кадастри

Давлат ер кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, ҳўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидан иборатдир.

Давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини, ерларнинг миқдори ва сифатининг ҳисобга олинишини, тупроқ бонити-

ровкасини, ерларнинг қиймат баҳосини, шунингдек ер кадастрига доир ахборотлар бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб турилишини ўз ичига олади.

4-м о д д а. Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий принциплари

Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

мамлакатнинг бутун ҳудудини тўла қамраб олиш;
фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш;
ер кадастрига доир ахборотлар ишлаб чиқиш услубиётининг бирлиги;
ер кадастрига доир ахборотларнинг тўғри бўлиши.

5-м о д д а. Давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқаруви

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва махсус ваколат берилган давлат бошқаруви органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги махсус ваколат берилган давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

6-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради:

ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш;

молиялаш ва инвестициялаш соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш ва масалаларни ҳал этиш;

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги миллий ҳисоботни тасдиқлаш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкала-

рига оид битимларни давлат рўйхатига олиш тартибини белгилаш;

топография-геодезия, картография ишларига ҳамда давлат ер кадастрини юритиш билан боғлиқ бошқа ишларга лицензия бериш тартибини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

7-м о д д а. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қуйидагилар давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ваколатларига киради:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкаларига оид битимларни давлат рўйхатига олиш;

давлат ер кадастрини юритиш ишларини маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаш;

давлат ер кадастрини юритилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

8-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг ваколатларига киради:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида давлат ер кадастри юритилишига доир ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва бу ишларни мувофиқлаштириш;

давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги миллий ҳисоботни тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармасини Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш учун зарур бўладиган давлат ер кадастри материаллари ва маълумотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-

ридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси билан ҳамкорликда вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктларининг маъмурий чегараларини белгилаш (аниқлаш)га доир ишларни ташкил этиш ва юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси билан ҳамкорликда белгиланган тартибда норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

9-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармасининг ваколатларига киради:

Давлат кадастрлари ягона тизимига тақдим этиладиган ер кадастрига доир ахборотларнинг таркиби, ҳажмлари ва уларга қўйиладиган техник талабларни белгилаш;

шаҳар ва посёлкаларда давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини давлат ер кадастрини юритиш учун зарур бўлган аэрокосмик суратлар, турли масштабдаги план-картографик асослар, топографик ишлар ва маълумотлар билан белгиланган тартибда таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктларининг маъмурий чегараларини белгилаш (аниқлаш)га доир ишларни ташкил этиш ва юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

10-м о д д а. Давлат ер кадастрини юритиш

Давлар ер кадастрини юритиш қуйидагилар билан таъминланади:

аэрокосмик суратга олишларни, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, агрохимия, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ва тадқиқотларни ўтказиш, ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ва баҳолаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш;

ер ресурслари бўйича туман хизматларининг фаолиятини, кўчмас мулк давлат кадастри туман ва шаҳар хизматларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ерлар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш;

жорий тадқиқотлар, суратга олишлар ҳамда ер мониторинги материалларидан фойдаланган ҳолда ер-кадастр ахборотларига оид маълумотлар мажмуини яратиш ва тартибга солиб туриш.

Давлат ер кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитасининг ер ресурслари бўйича туман хизматлари томонидан, шаҳар ва посёлкаларда эса — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармасининг кўчмас мулк давлат кадастри туман ва шаҳар хизматлари томонидан амалга оширилади.

Ер кадастрини юритиш туманда (шаҳарда) қуйидаги йўл билан амалга оширилади:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқни ва ер участкаларига доир битимларни давлат рўйхатига олиш;

кадастр суратга олишларини ўтказиш;

ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва ер участкалари мулкдорларидан маълумотлар олиш, уларнинг тўғрилигини текшириш, ер кадастрига доир ҳужжатларга жорий ўзгартишларни киритиш.

11-м о д д а. Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот ҳар йили тайёрланади ҳамда бутун мамлакат ва маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ерларнинг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда уларнинг баҳоси, ерларнинг тоифаларга бўлиниши, тармоқлар, ер участкаларининг эга-

лари, ер участкасидан фойдаланувчилар, ер участкаси ижарачилари, мулкдорлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни ва ер кадастрига оид бошқа ахборотни ўз ичига олади.

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга киритиладиган маълумотларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

12-м о д д а. Ер кадастри ҳужжатлари

Ер кадастри ҳужжатлари ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари, ерларнинг миқдор, сифат ҳолати ва уларнинг баҳоси тўғрисидаги ҳисоботлар, кадастр хариталари, планлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлардан иборатдир.

13-м о д д а. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш

Ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини шу жумладан сервитутлар тўғрисидаги битимлар ва бу ҳуқуқларга доир бошқа чеклашларни давлат рўйхатига олиш туман (шаҳар) ер кадастри дафтарига тегишли маълумотларни киритиш орқали ер участкаси жойлашган ерда амалга оширилади.

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқида, шунингдек мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишлари шарт.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг юзага келиши, ўзгага ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши давлат рўйхатига олиниши лозим. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш йиғими ундирилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш белгиланган тартибда, юридик ёки жисмоний шахснинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ишларини амалга оширувчи органга берган аризасига асосан амалга оширилади.

Давлат рўйхатига олиш ариза берилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида рўйхатга олинган сана ва рўйхатга олинганликнинг тартиб рақами кўрсатилган ҳолда давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

14-м о д д а. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш вақтида туман (шаҳар) ер кадастри дафтарига киритиладиган маълумотлар

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш вақтида туман (шаҳар) ер кадастри дафтарига қуйидаги маълумотлар киритилади:

ер участкасига бўлган ҳуқуқни олган шахс тўғрисидаги;

ер участкаси тўғрисидаги (ернинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, ернинг тури, унинг сифати, чегаралари, майдони, кадастр рақами ва бошқа тавсифлари);

ер участкасининг берилиш шартлари, уни сақлаш вазифалари ва сервитутлар тўғрисидаги;

туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиладиган зонага киритиш хусусидаги қарорлари тўғрисидаги;

давлат рўйхатига олинганлик ҳақидаги гувоҳноманинг тартиб рақами ва у берилган сана тўғрисидаги.

Ер кадастри дафтарига қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган маълумотлар ер рўйхатига доир ахборотни ташкил этади.

15-м о д д а. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш асослари

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар ана шу ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқлари туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер бериш тўғрисидаги қарорлари асосида рўйхатга олинади.

Ерларни ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатга олинади.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи бундай ҳуқуққа оид давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи юзага келишига асос бўладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга асосан рўйхатга олинади.

Бинога, иморатга ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ана шу мулкларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, ҳадя этилганлиги, васият қилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар ва ер участкасига оид тегишли ҳужжатлар асосида рўйхатга олинади.

Сервитутлар тўғрисидаги битимлар ҳамда ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни ижарага олиш, мулк ҳуқуқларига доир бошқа чеклашлар тегишли шартномалар, суднинг қарорлари асосида рўйхатга олинади.

16-м о д д а. Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун асослар

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкасининг кимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далolat берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкаларига оид битимларни давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги ёки рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

17-м о д д а. Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш

Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш уларнинг ҳақиқий ҳолати ва улардан фойдаланилишига қараб, ер участкалари ва майдонлари, аҳоли пунктлари, туманлар,

вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича амалга оширилади.

Ер участкалари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкаларининг ўлчами, уларнинг қиммати ва талаб қилинадиган ўлчаш аниқлигига қараб, геодезик ва (ёки) картометрик усулларда амалга оширилади.

Ер майдонлари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкалари доирасида асосан картометрик усулда амалга оширилади.

Ер сифатини ҳисобга олиш табиий-қишлоқ хўжалиги бўйича районлаштиришни, тупроқ ва ерларни таснифлашни, уларни агрономик, экологик, технологик ва шахарсозлик белгилари бўйича тавсифлашни, тупроқни гуруҳларга ажратишни ўз ичига олади.

Ерларнинг миқдорини ва сифатини ҳисобга олиш асосий ва жорий турларга бўлинади.

Ерларни ҳисобга олишнинг асосий тури (инвентаризация) жойнинг ўзида ер участкаларининг ва майдонларининг чегаралари, жойлашган ўрни, ҳолати ва улардан фойдаланиш хусусиятига доир ўзгаришлар талайгина тўпланганлигига қараб, даврий равишда ўтказилади, бунда ерларнинг план-картографик асоси тегишли масштабларда янгиланиши, тупроқ, геоботаник ва бошқа хил текширувлар ўтказилиши шарт.

Ерларнинг жорий ҳисоби кадастр ҳужжатлари ва маълумотларининг тўғри бўлишини таъминлаш мақсадида юритилади, бунда ерларнинг ҳуқуқий ҳолатида, миқдори ва сифат ҳолатида ва улардан фойдаланиш борасида юз берган ўзгаришлар аниқланади ҳамда рўйхатга олинади. Зиммасига давлат ер кадастри юритиш вазифаси юклатилган тегишли органларга ер участкаларининг эгалари, улардан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари содир бўлган ўзгаришлар тўғрисида бир ой муддатда ахборот беришлари шарт.

Ерларнинг ўлчами, жойлашган ўрни, майдон турлари ва сифат ҳолатига оид қайд этиладиган маълумотлар ерни ҳисобга олиш ахборотини ташкил этади.

18-м о д д а. Тупроқ бонитировкаси

Тупроқ бонитировкаси — қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникаси ўртача даражада бўлганидаги тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик қувватига бериладиган қиёсий баҳо.

Тупроқ бонитировкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг кейинги қиймат баҳосини чиқариш, мулкый пайларнинг миқдорини аниқлаш, ер тузишни амалга ошириш ва ерлардан оқилона, самарали фойдаланишни рағбатлантириш учун асосдир.

Тупроқ бонитировкаси тегишли қишлоқ хўжалиги майдонлари учун юз балли шкала бўйича ўтказилади. Яхши хоссаларга эга бўлган, ғоят унумдор тупроқ юқори бал билан баҳоланади.

Тупроқ бонитировкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Тупроқ бонитировкасига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади.

19-м о д д а. Ерларнинг қиймат баҳоси

Барча тоифадаги ерларнинг қиймат баҳосини чиқариш натура ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади. Ерларнинг қиймат баҳоси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқарилади.

Турли мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлаш, ер учун туланадиган ҳақ ва унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерларни кимошди савдоси асосида реализация қилиш пайтида бошланғич баҳосини аниқлаш, ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда йўл қўйилган нобудгарчилик ва кўрилган зарарларни қоплаш учун ерларнинг қиймат баҳоси чиқарилади.

Ерларнинг қиймат баҳосига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади.

20-м о д д а. Туман (шаҳар) ер кадастри дафтари

Туман (шаҳар) ер кадастри дафтари ерларни давлат рўйхатига олиш, ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш бўйича асосий ҳужжат бўлиб, ер участкасининг жойлашган ўрни, қайси мақсадда фойдаланиш мўлжалланганлигини, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ижарага олиш ҳуқуқларини ва унга бўлган мулк ҳуқуқини аниқлаш учун зарур маълумотларни ўз ичига олади, ер участкасининг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда баҳоси тўғрисидаги ахборот манбаи ҳисобланади.

Ер кадастри дафтарининг тузилиши, мазмуни ва уни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

21-м о д д а. Кадастр учун суратга олиш

Кадастр учун суратга олиш ер участкалари ва майдонлари чегараларини белгилаш ҳамда картография қилиш, уларни кадастр хариталари ва планларида акс эттириш мақсадида амалга оширилади.

Кадастр учун суратга олиш аэрофотогеодезик ва ер устида бажариладиган услубларда, топографик-геодезик ишларни бажариш, тупроқ, геоботаник ва бошқа хил махсус текширувлар учун белгиланган техникавий талабларга мувофиқ ер участкасининг ўлчамидан келиб чиқадиган масштабларда амалга оширилади.

22-м о д д а. Ер кадастри хариталари ва планлари

Ер кадастри хариталари ва планлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мавзуси, ҳудудларни (республика, вилоят, туман, аҳоли пунктлари, ер участкалари) қамраб олиши, масштаблари ва бошқа белгилари бўйича таснифланади.

Туман ер кадастри харитаси, аҳоли пункти ва ер участкасининг планлари график ҳужжатлар бўлиб, улар ер участкасининг жойлашган ўрнини, майдонлари, чегараларини, ерларни баҳолаш зоналарини, сув манбаларини, ер участкасида жойлашган бинолар ва иншоотларни акс эттириш, шунингдек кадастрга доир тегишли тавсифлар олиш мақсадида тузилади ҳамда уларга тузатишлар киритилади.

Ер кадастри хариталари ва планлари ахборотларни ифода қилишнинг анъанавий воситалари (қоғоз, пластик) ёрдамида ҳам, электрон воситалар (рақамли хариталар) ёрдамида ҳам тузилади.

23-м о д д а. Ер кадастрига доир ахборот

Ер кадастрига доир ахборотлар ерни рўйхатга олиш, ерни ҳисобга олиш ва ер баҳосига оид ахборотлар мажмуини ташкил этади ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиш учун мўлжалланган бўлади.

Ер кадастрига доир ахборотни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ерлардан фойдаланиш, уларни тиклаш ва муҳофаза қилиш, ер участкалари бериш (реализация қилиш) ва уларни олиб қўйиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, ер тузиш ишларини бажариш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш ҳамда ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш чоғида давлат ер кадастри маълумотларидан фойдаланилиши шарт.

Ер кадастрига доир ахборот давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига текинга тақдим этилади, юридик ва жисмоний шахсларга эса ҳақ эвазига берилади.

Ер кадастрига доир ахборотдан фойдаланувчилар бундай ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатлар ва ҳажмларда ёки шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

Юридик ва жисмоний шахслар ер кадастрига доир ахборот маълумотлари қайта кўриб чиқилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Давлат сирини сақлаш мақсадида қонун ҳужжатларида ер кадастрига доир ахборотлар олишни чеклайдиган ёки тақиқлайдиган ҳоллар назарда тутилиши мумкин.

24-м о д д а. Ер кадастрига доир ахборот тизими

Ер кадастрига доир ахборот тизими — ер ресурслари тўғрисидаги фазовий-мувофиқлаштирилган маълумотларни тўплаш, улар устида ишлаш, уларни акс эттириш ва тарқатишни амалга оширувчи автоматлаштирилган жўрофий ахборот тизимидир.

Ер кадастрига доир ахборот тизими ер ресурсларини рўйхатга олиш, баҳолаш, уларнинг истиқболини белгилаш ва улардан фойдаланишни бошқаришнинг илмий ҳамда амалий вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган.

Ер кадастрига доир ахборот тизими: мўлжалланиши бўйича — кўп мақсадли ва махсус; ҳудудни қамраб олиши бўйича — локал, минтақа ва республика тизимига бўлинади.

25-м о д д а. Давлат ер кадастрини юритишни молиялаш

Давлат ер кадастрини юритиш борасидаги ишлар давлат бюджетидан, шунингдек ер участкаларига бўлган ху-

қуқларни давлат рўйхатига олганлик учун ундириладиган маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан ман этилмаган бошқа манбалар ҳисобидан молияланади.

26-м о д д а. Ер кадастри тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

«ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИНИНГ

1998 йил 28 август

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 166-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:

1. «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Олий Мажлисга Ўзбекистон Республикасининг қонунларини «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги таклифларни тақдим этсин;

ҳукуматнинг қарорларини «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШГА ОИД ҚОНУН
ХУЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
КООПЕРАТИВЛАРИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ) ТУЗИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ**

1998 йил 15 июль № 299

Қ А Р О Р И

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1998—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурининг бажарилишини таъминлаш, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, мулкый пайларни жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ни ташкил этиш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1998—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида» 1998 йил 18 мартдаги ПФ-1973-сон Фармониға мувофиқ республикада йирик товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш, энг аввало пахтачилик ва ғаллачилик пайчликка ва оила (жамоа) пудратига асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) томонидан амалға оширилади.

Шунға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзгўштсўтсаноат» уюшмаси, «Ўзмевасабзавот-узумсаноат-холдинг» компанияси томонидан ишлаб чиқилган жамоа корхоналари (жамоа хўжаликлари)ни тайёрлик даражасига кўра қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ға айлантириш жадвали 1-иловаға мувофиқ маъқуллансин.

2. Қуйидаги норматив хўжатлар тасдиқлансин:

Фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ға айлантириш Тартиби 2-иловаға мувофиқ;

Мулкый пайларни жорий қилиш асосида қишлоқ хў-

жалиги корхоналарини қайта ташкил этиш комиссияси тўғрисидаги Намунавий низом 3-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)-нинг Намунавий устави 4-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)-нинг устав жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом 5-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)-нинг бўлинмас жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом 6-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да мулкый пайларни шакллантириш, уларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом ва мулкый пай тўғрисидаги намунавий гувоҳнома 7-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги Намунавий низом 8-иловага мувофиқ.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавот-узумсаноат-холдинг» компанияси, «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда 2001 йилгача бўлган даврда фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжалиklarини пайчиликка асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиklари)га айлантириш, фермер хўжалиklари ва уларнинг бирлашмаларини ташкил этиш юзасидан ташкилий чоралар кўрсинлар.

Фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжалиklари (колхозлар)ни қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиklари)га айлантиришда ходимларнинг чекланган сони экин майдони, маҳсулот бирлигига кетадиган меҳнат сарфининг белгиланган меъёрлари асосида аниқлансин.

4. Қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларига оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги Намунавий низом асосида ушбу корхоналарнинг мутахассислари ва аъзолари (ходимлари) иштирокида уч ой муддатда Оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги ва-

зирлиги, Адлия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузум-саноат-холдинг» компанияси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари фаолият кўрсатиб турган жамоа ҳўжаликларига уларни қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкат ҳўжаликлари)га ва ҳўжалик юритишнинг бошқа шаклларига айлантириш, янги шарт-шароитларда ишларни ташкил этиш, ер ва мол-мулк қиймат баҳосини аниқлаш, устав, бўлинмас ва пай жамғармалари ҳамда мулкый пайлар миқдорларини белгилаш, оила (жамоа) пудратини жорий қилиш бўйича ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги:

фаолият кўрсатиб турган жамоа ҳўжаликларини қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкат ҳўжаликлари)га ва ҳўжалик юритишнинг бошқа шаклларига айлантиришга оид норматив ҳужжатларни, тавсияномаларни ва бошқа нашрларни бир ой муддатда чоп этсинлар ва жойларга етказсинлар;

пайчиларнинг мулкый ҳуқуқларини тасдиқловчи номи ёзилган гувоҳномалар шаклларини тайёрлашда жамоа ҳўжаликларига кўмаклашсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишини мунтазам равишда таҳлил қилиб борсинлар, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш бўйича илғор тажрибани умумлаштирсинлар ва кенг ёйсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Телерадио компанияси, Давлат матбуот кўмитаси қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини ширкат ҳўжаликларига айлантириш ва қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш масалаларини ёритиш юзасидан махсус эшиттиришлар, кўрсатувлар ва руқнлар ташкил этсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Журабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси**

И. КАРИМОВ

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил
15 июлдаги 299-сон қарорига
1-И Л О В А

Мулкый пайларни жорий қилиш асосида фаолият кўрсатиб турган
жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалиги кооперативлари
(ширкат хўжаликлари)га қайта ташкил этиш

Ж А Д В А Л И

	Хужа- ликлар сони	Ширкат хўжалигига ўзгартирилади				
		1998 йил	1999 йил		2000 йил	
			I чорак	IV чорак	I чорак	IV чорак
Қорақалпоғистон Республикаси	137	3	29	32	36	37
вилоятлар:						
Андижон	182	3	46	45	44	44
Бухоро	180	3	41	45	44	47
Жиззах	99	2	22	25	23	27
Қашқадарё	193	7	42	44	48	52
Навоий	51	1	10	13	13	14
Наманган	126	5	28	32	30	31
Самарқанд	198	3	48	49	48	50
Сурхондарё	128	2	30	34	30	32
Сирдарё	89	2	21	22	22	22
Тошкент	136	3	31	33	33	36
Фарғона	151	3	36	38	36	38
Хоразм	132	3	31	33	31	34
ЖАМИ:	1802	40	415	445	438	464

**Фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжалиklarини қишлоқ хўжалиги
кооперативлари (ширкат хўжалиklари)га қайта ташкил этиш**

ТАРТИБИ

1. Ушбу Тартиб фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжалиklarини (бундан кейин матнда «хўжалик» деб юритилади) қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиklари)га* қайта ташкил этиш механизмини белгилайди.

2. Хўжаликни ширкат хўжалигига қайта ташкил этиш, қоида тариқасида, ўзгартириш шаклида амалга оширилади (Ўзгартириш схемаси илова қилинади).

3. Фаолият кўрсатиб турган хўжаликни ширкат хўжалигига ўзгартириш хўжалик аъзоларининг умумий мажлиси қарорига асосан амалга оширилади.

4. Хўжаликни ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик аъзоларининг умумий мажлиси ўзгартирилаётган хўжаликнинг кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

5. Фаолият кўрсатиб турган хўжаликни ширкат хўжалигига ўзгартириш учун хўжалик аъзоларининг умумий мажлиси қарорига асосан ширкат хўжалигига ўзгартирилаётган хўжалик раҳбарлари, мутахассислари ва аъзоларидан иборат таркибда хўжаликни ширкат хўжалигига қайта ташкил этиш Комиссияси (бундан буён матнда «Комиссия» деб юритилади) тузилади. Туман ҳокимининг қарори билан Комиссия ишида туман ҳокимлиги, молия ва солиқ идоралари, банклар, касаба уюшмаси вакиллари иштирок этадилар. Бу Комиссиянинг Низоми мулкый пайларни жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш Комиссияси тўғрисидаги Намунавий низомга мувофиқ тасдиқланади.

6. Хўжалик аъзоларининг умумий мажлиси хўжаликни ўзгартириш муддатларини белгилайди.

7. Комиссия қуйидагиларни амалга оширади:

ўзгартирилаётган хўжалик аъзолари ўртасида хўжалик юритишнинг янги шаклининг афзалликлари ва моҳияти тўғрисида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боради;
мол-мулкни рўйхат қилиш, унинг қийматини қайта

* Бундан кейин матнда «ширкат хўжалиги» деб аталади.

баҳолашни ўтказишни ҳамда ер участкаларининг қиймат баҳосини аниқлашни ташкил қилади;

таъсис мажлиси ўтказилишидан бир ой олдин мол-мулкка бўлган талабгорларнинг рўйхатини аниқлайди ва уни ёзма равишда эълон қилади;

ширкат хўжалиги устави ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлайди;

номи ёзилган гувоҳномаларнинг Намунавий шаклига асосан пайчиларнинг мулки ҳуқуқини тасдиқловчи номи ёзилган гувоҳнома лойиҳаларини тайёрлайди;

жамловчи далолатномани ва топшириш балансини тузади;

хўжаликни ширкат хўжалигига ўзгартириш тўғрисидаги ахборот хабарлари лойиҳасини тайёрлайди;

ширкат хўжалигининг таъсис мажлисини тайёрлайди ва унинг ўтказилишини ташкил қилади.

8. Комиссия тайёрлаган материаллар дастлаб хўжалик бошқаруви томонидан кўриб чиқилгандан кейин хўжалик аъзоларининг умумий мажлиси муҳокамасига киритилади. Хўжалик аъзолари умумий мажлисда ширкат хўжалиги устави лойиҳасига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришлари ва келишилган уставни тасдиқлашлари, шунингдек, ширкат хўжалигининг бошқарувини, раисини ҳамда тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлашлари мумкин. Бу ҳолда бундай мажлис таъсис мажлиси ҳисобланади. Тайёрланган ҳужжатларда жиддий камчиликлар бўлса, улар қайта ишлаб чиқилиши учун муддати кўрсатилган ҳолда Комиссияга қайтарилади.

9. Ширкат хўжалиги аъзоларининг таъсис мажлиси ўтказилгандан сўнг топшириш далолатномаси тузилади.

Топшириш ҳужжати топширилаётган жамоа хўжалигининг моддий жавобгар ходимлари ҳамда ширкат хўжалигининг қабул қилаётган масъул ходимлари томонидан имзоланади ва Комиссия раиси ҳамда ширкат хўжалиги раиси томонидан тасдиқланади.

10. Ширкат хўжалиги раиси уч кун муддатда ширкат хўжалигининг жойлашган жойи бўйича туман ҳокимлигига таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиши лозим.

Ширкат хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Ширкат хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб хўжалик ширкат хўжалигига ўзгартирилган деб ҳисобланади.

Фаолият кўрсатаётган жамоа ҳужаликларини қишлоқ ҳўжалиги кооперативларига (ширкат ҳўжаликларига) ўзгартириш

С Х Е М А С И

Босқич-лар	Тадбирлар	Масъуллар
1-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Фаолият кўрсатаётган жамоа ҳўжалигини қишлоқ ҳўжалиги кооперативига (ширкат ҳўжалигига) ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиш. 2. Қайта ташкил этиш комиссиясини тузиш ва комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. 	Умумий йиғилиш.
2-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўзгартирилаётган ҳўжалик аъзолари ўртасида таништириш-тушултириш ишларини олиб бориш. 2. Ҳўжалик кредиторларини қайта ташкил этиш тўғрисида хабардор қилиш. 3. Ҳўжалик мол-мулкни қайта рўйхатдан ўтказиш, қайта баҳолаш, ернинг қиймат баҳосини аниқлаш. 4. Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги)нинг Устави ва бошқа норматив ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш. 5. Мол-мулкка давотдорларни ва мулкий пайлар миқдорларини аниқлаш. 6. Пайчиларнинг мулккий ҳуқуқларини тасдиқловчи номи ёзилган гувоҳномаларни тайёрлаш. 7. Йиғма далолатнома ва топшириш баланси лойиҳаларини тузиш. 8. Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) таъсис йиғилишини тайёрлаш ва ташкил этиш. 	Қишлоқ ҳўжалиги қорҳона-ларини ўзгартириш комиссияси.
3-босқич	Комиссия томонидан тайёрланган материалларни дастлабки кўриб чиқиш.	Жамоа ҳўжалиги бошқаруви.
4-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) Уставини тасдиқлаш, бошқарувини, раисни ва тафтиш комиссиясини сайлаш. 2. Устав, бўлинкас ва пай жамғармалари тўғрисидаги низомларни ҳамда бошқа норматив ҳужжатларни тасдиқлаш. 3. Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) аъзоларини ва уларнинг мулккий пайлари миқдорларини тасдиқлаш. 	Таъсис йиғилиши.
5-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Топшириш далолатномасини тузиш. 2. Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги)ни давлат рўйхатидан ўтказиш. 	Комиссия раиси ва ширкат ҳўжалиги раиси. Ширкат ҳўжалиги раиси, туман ҳокимлиги.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил
15 июлдаги 299-сон қарорига
3-И Л О В А

_____ вилояти
_____ тумани

_____ (номи)

юқори бошқарув органининг
199__ йил «__» _____ даги
_____ -сон қарори билан

Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н

**Мулкий пайларни жорий қилиш асосида қишлоқ
хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш
комиссияси тўғрисида**

Н А М У Н А В И Й Н И З О М

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мулкий пайларни жорий қилиш асо-
сида қишлоқ хўжалиги корхоналарини (бундан кейин
матнда «хўжалик» деб юритилади) қайта ташкил этиш
Комиссиясини (бундан кейин матнда «Комиссия» деб
юритилади) тузиш тартиби ва фаолиятини, унинг мақса-
дини, асосий вазифаларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини
белгилаб беради.

2. Комиссия фаолиятининг мақсади мулкий пайларни
жорий қилиш асосида қайта ташкил этиш режасини иш-
лаб чиқиш, амалга ошириш ва унинг бажарилишини
таъминлашдан иборатдир.

3. Комиссия қайта ташкил этилаётган хўжаликнинг
юқори бошқарув органи қарорига асосан тузилади ва
фаолият кўрсатади.

4. Комиссия таркибига қайта ташкил этилаётган хў-
жаликнинг раҳбарлари, мутахассислари, аъзолари (хо-
димлари) киритилади. Комиссия ишида туман ҳокими-
нинг қарорига асосан туман ҳокимлиги, молия ва солиқ
органлари, банк, касаба уюшмалари вакиллари иштирок
этади.

II. Комиссиянинг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари

5. Комиссиянинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

хўжалик аъзолари (ходимлари) ўртасида қайта ташкил қилинаётган хўжалик юритишнинг янги шаклининг моҳияти ва афзаллиги ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш;

мол-мулкни рўйхатдан ўтказишни, унинг қийматини қайта баҳолашни ва ер участкасининг қиймат баҳосини аниқлашни ташкил этиш;

таъсис мажлиси ўтказилишидан бир ой олдин мол-мулкка талабгорлар рўйхатини аниқлаш ва уни эълон қилиш;

янги ташкил этиладиган хўжаликнинг устави ва бошқа ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш;

номи ёзилган гувоҳноманинг Намунавий шакли асосида пайчиларнинг мулкӣ ҳуқуқларини тасдиқловчи номи ёзилган гувоҳномаларнинг лойиҳаларини тайёрлаш;

жамловчи далолатнома ва топшириш балансини тузиш;

устав жамғармаси, бўлинмас ва пай жамғармаси, шунингдек, мулкӣ пайларни аниқлаш бўйича материалларни тайёрлаш;

хўжаликни қайта ташкил этиш тўғрисида хабарнома лойиҳасини тайёрлаш;

ташкил этиладиган ширкатнинг таъсис мажлисини тайёрлаш ва ўтказишни ташкил қилиш.

6. Комиссия хўжаликни қайта ташкил этиш жараёнида хўжалик аъзолари (ходимлари)нинг хўжаликнинг қайта ташкил этилиши жараёнида иштирок этишини, қайта ташкил этилаётган хўжаликнинг молия-хўжалик аҳволи ҳақидаги ахборотдан эркин фойдаланишни, шунингдек, қабул қилинаётган қарорларнинг ошкоралигини таъминлайди.

7. Хўжалик мол-мулкнинг таркиби ва унинг баланс қийматини баҳолаш учун ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган асосий фондлар ва айланма маблағлар, тугалланмаган қуридиш объектлари ҳамда хўжаликнинг балансида акс эттирилган бошқа бойликлар рўйхатдан ўтказилади.

Мол-мулкни рўйхат қилиш ва унинг қийматини қайта баҳолаш хўжалик бухгалтерияси ходимлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Мол-мулкни рўйхатга олиш ва унинг қийматини баҳолаш далолатномалари Комиссия томонидан тасдиқланади.

8. Комиссия:

хўжалик бошқаруви зиммасига мол-мулкни рўйхат қилиш ва қайта баҳолаш учун бирламчи ҳужжатларни, бухгалтерия ва статистикага оид ҳисоб ва ҳисобот маълумотларни ҳамда бошқа зарурий маълумотларни белгиланган муддатда тақдим этиш вазифасини юклаш;

ижтимоий инфратузилма объектларидан фойдаланиш тартиблари ва шартлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга.

III. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

9. Комиссия мажлислари заруратга қараб, лекин ҳафтада камида бир маротаба ўтказилади.

10. Комиссия мажлисида Комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда, у қарорлар қабул қилишга ваколатли ҳисобланади. Овоз бериш Комиссия аъзолари кўпчилигининг қарорига кўра, очиқ ёки яширин ҳолда амалга оширилади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси битга овозга эга.

Комиссия қарорлари унинг мажлисида қатнашган аъзоларнинг кўпчилиги овоз берган тақдирда қабул қилинади ва баённома шаклида расмийлаштирилиб, Комиссия раиси ҳамда котиби томонидан имзоланади.

11. Комиссия фаолиятига қайта ташкил этилаётган хўжаликнинг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланадиган раис раҳбарлик қилади.

Комиссия раиси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Комиссия аъзоларига ва қайта ташкил этилаётган хўжаликнинг мансабдор шахсларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

Комиссия аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.

12. Комиссия аъзолари Комиссия ишида ўзларига белгиланган хизмат вазифаларини бажариш вақтида қатнашадилар ва уларнинг ишига қўшимча ҳақ тўланмайди.

13. Комиссия қарори билан жалб этиладиган маслаҳат берувчи, аудиторлик ва бошқа ташкилотлар хизматлари учун ҳақ мазкур ташкилотлар (пудратчилар) билан қайта

ташқил этилаётган буюртмачи-хўжалик ўртасида тузилган шартномаларга асосан тўланади.

Комиссия қарорига биноан жалб этиладиган якка тартибдаги экспертлар ва аудиторлар хизмати учун ҳақ тўлаш уларнинг ҳар бири билан буюртмачи-хўжалик ўртасида тузиладиган шартномаларга асосан амалга оширилади.

Шартномада кўрсатилган иш миқдори бажарувчиларга боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланган муддатда бажарилмаса, буюртмачи-хўжалик сарфланган вақт учун ҳақ ёки келишувга кўра қўшимча ҳақ тўлайди.

IV. Комиссиянинг мажбурияти ва жавобгарлиги

14. Комиссия:

Комиссия иши натижаларининг ошкоралигини таъминлаши;

пайчиларнинг сўровлари бўйича уларнинг фаолияти билан боғлиқ маълумотни тақдим қилиши шарт.

15. Комиссия аъзолари пайчилар олдида ўз ишлари натижаларининг тўғрилиги учун масъулдирлар.

V. Комиссиянинг тугатилиши

16. Комиссия қайта ташқил этилган хўжаликнинг юқори бошқарув органи қарорига биноан тугатилади.

17. Комиссия тугатилгандан сўнг унинг фаолиятига тегишли барча ҳужжатлар янги ташқил этилган хўжалик архивига топширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил
15 июлдаги 229-сон қарорига
4-И Л О В А

_____ вилояти
_____ тумани
ҳокимининг 199_____ йил
« _____ » _____ даги
_____ -сон қарори билан

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

М. Ў

_____ вилояти
_____ тумани
қишлоқ хўжалиги
кооперативи (ширкат
хўжалиги)нинг

199_____ йил « _____ » _____ даги

таъсис мажлисининг

_____ -сон қарори билан

ТАСДИҚЛАНГАН

**Қишлоқ хўжалиги кооперативи
(ширкат хўжалиги)нинг**

НАМУНАВИЙ УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1. _____ қишлоқ хўжалиги кооперативи
(ширкат (номи)

хўжалиги (бундан кейин матнда «ширкат хўжалиги» деб
юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик
кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўз-
бекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги коопера-
тиви (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни ҳамда
бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ _____ ширкат-

(номи)

нинг 199_____ йил _____ даги таъсис мажлисининг
_____ -сон қарори асосида ташкил этилди. Ширкат хўжа-
лиги _____ жамоа хўжалигини қайта ташкил

(номи)

этиш асосида тузилган.

2. _____ жамоа хўжалиги асосида

(номи)

тузилган, ширкат хўжалиги жамоа хўжалигининг шарт-
нома ва мажбуриятлари юзасидан унинг ҳуқуқий вориси
ҳисобланади.

3. Ширкат хўжалиги давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади, ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Уставга амал қилади, ўзининг мустақил балансига, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларга, номи ёзилган думалоқ муҳрига, тамғасига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, шунингдек, ундан ташқарида ҳам қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга зид бўлмаган ҳар қандай битимларни тузиш ҳуқуқига эга бўлади, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

4. Ширкат хўжалиги ўз фаолиятини тижорат асосида амалга ошириб, фаолиятининг натижалари ва мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан жавоб беради. Ширкат хўжалиги ўз аъзолари ва давлатнинг мажбуриятлари юзасидан, давлат эса ширкат хўжалиги ва унинг аъзолари мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

5. Ширкат хўжалигининг мол-мулки дахлсиздир ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари давлат ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан олиб қўйилишига йўл қўйилмайди.

6. Ширкат хўжалиги қуйидаги номга эга:

_____ қишлоқ хўжалиги кооперативи

(ширкат (номи)

(ширкат хўжалиги) қисқартирилган ҳолда _____

ҚХКШХ.

7. Ширкат хўжалигининг манзили _____

8. Ширкат хўжалиги фаолиятининг муддати чекланмаган.

II. Ширкат хўжалиги фаолиятининг мақсади ва соҳаси

9. Ширкат хўжалиги фаолиятининг мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш асосида даромад (фойда) олиш ва ширкат хўжалиги аъзоларининг турмуш фаровонлигини оширишдан иборатдир.

10. Қуйидагилар ширкат хўжалиги фаолиятининг соҳаси ҳисобланади:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, халқ истеъмом моллари ва ишлаб чиқариш техникасига оид маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларини қайта ишлаш, сақлаш, шу жумладан, ўз савдо шохобчалари орқали сотиш;

инвестицияларни, шу жумладан, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ташкил қилиш;

ишлаб чиқариш, уй-жой, маданий-маиший, ижтимоий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларни куриш ва таъмирлаш;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда аҳолига транспорт хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

маркетинг тадқиқотлари ва тижорат фаолиятини ташкил қилиш;

ишлаб чиқариш техникасига оид маҳсулотларни ҳамда бошқа зарур товарларни харид қилиш.

Ширкат хўжалиги қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

III. Ер участкаси ва ундан фойдаланиш

11. Ширкат хўжалигига доимий эгалик қилиш ёки вақтинча фойдаланиш учун ёхуд ижара асосида берилдиган ер участкаси давлат мулки ҳисобланади ва у хусусийлаштирилиши, олди-сотди, айирбошлаш, гаров, ҳадя қилиш объекти бўлиши мумкин эмас.

12. Ширкат хўжаликларига берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан ва деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга бериб қўйилган ерлардан иборат бўлади ҳамда улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади, бунда ҳайдаладиган ерлар ўлчами камайтирилишига йўл қўйилмайди.

13. Ширкат хўжалиги ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланишни, унинг унумдорлигини пасайтирмасликни ва экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймасликни таъминлаши шарт.

14. Ширкат хўжалигининг ер участкаси, қоида тариқасида, оилага (жамоа)га оила (жамоа) пудрати шартномаси шартлари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида вақтинча фойдаланиш учун берилди. Бунда ер участкасининг миқдори экин майдони, маҳсулот бирлигига кетадиган меҳнат сарфининг белги-

ланган меъёрларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Оила (жамоа) пудрати асосида вақтинча фойдаланишга берилган ер далолатнома билан тасдиқланади.

Далолатнома ер участкасининг миқдори, унинг жойи, сифат кўрсаткичлари ва ер участкасида мавжуд бўлган кўп йиллик дарахтзорлар кўрсатилган ҳолда икки нусхада тузилади, хўжалик вакили ва оила (жамоа) пудрати бошлиғи (жамоанинг ваколатли вакили) томонидан имзоланади ва ширкатнинг муҳри билан тасдиқланади. Далолатноманинг битта нусхаси хўжаликда, иккинчиси эса пудратчиларда шартнома муддати тугагунга қадар сақланади.

15. Ширкат хўжалиги аъзолари оиласи, шунингдек, ширкат хўжалиги ҳудудида доимий яшаётган ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассислар оилаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиklarини ёки узоқ муддатли ижара ҳуқуқи асосида фермер хўжалиklarини ташкил этиш учун тегишли ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва ўлчамларда ширкат хўжалиги аъзолари умумий мажлисининг қарори асосида туман ҳокими томонидан ажратиб берилади.

16. Ширкат хўжалиги ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда ернинг унумдорлигини ошириш, бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтзорлар қиймати билан боғлиқ харажатлар тўланади, шунингдек, етказилган бошқа зарарлар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда қопланади.

IV. Ширкат хўжалиги мол-мулкани шакллантириш тартиби

17. Асосий жамғармалар ва айланма маблағлар, шунингдек, ширкат хўжалигининг мустақил балансида акс этириладиган бошқа бойликлар ширкат хўжалигининг мулкидир.

18. Қўйидагилар ширкат хўжалиги мол-мулкани шакллантириш манбалари ҳисобланади:

асосий жамғармалар қиймати;

етиштирилган маҳсулотлар;

маҳсулотларни сотишдан ва кўрсатилган хизматлардан тушган даромад (фойда);

аъзоларнинг пул ва моддий бадаллари;

банк кредитлари;

қимматли қоғозлар;

буюртмачилардан олинган аванслар ҳамда қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар.

19. Ширкат хўжалиги мол-мулки ширкат хўжалиги балансида акс эттирилган узоқ муддатли ва айланма активлардан иборат.

20. Ширкат хўжалиги мол-мулкни шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслар шартнома асосида пул ва моддий бадаллар қўшиш йўли билан иштирок этишлари мумкин.

21. Ширкат хўжалиги томонидан ташкил этиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, шунингдек, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки унинг улушли иштирокига мувофиқ шу ширкат хўжалигининг мулкидир.

22. Таркибига ширкат хўжаликлари кирган бирлашмаларнинг мол-мулки, агар бирлашмаларнинг таъсис ҳужжатлари ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шу ширкат хўжаликларига умумий (улушли) мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлади.

23. Ширкат хўжалиги юридик ва жисмоний шахслардан мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланиш учун олиш ҳуқуқига эга.

24. Ширкат хўжалиги ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини мустақил амалга оширади. Ширкат хўжалиги мол-мулки ҳар йили қайта рўйхат қилинади ва унинг натижалари умумий мажлисда тасдиқланади.

V. Устав жамғармаси ва уни тақсимлаш

25. Ширкат хўжалиги фаолиятини таъминлаш учун пай жамғармаси ва бўлинмас жамғармадан иборат устав жамғармаси ташкил этилади. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкий пайларини аниқлаш ва улар бўйича дивидендларни тақсимлашда пай жамғармаси таркибига ер кадастри асосида аниқланган ер участкалари қиймат баҳоси киритилади. Бунда ер участкасининг қиймат баҳоси ширкат хўжалиги устав жамғармаси миқдорини кўпайтирмайди.

26. Ширкат хўжалиги устав жамғармасининг умумий ҳажми _____ сўмни ташкил этади. Бўлинмас жамғарма _____ сўмни ёки устав жамғармасининг

фоизини ташкил этади. Бўлинмас жамғар-
манинг ташкил этилиши ва ундан фойдаланиш тартиби
Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бў-
линмас жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдала-
ниш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомга мувофиқ
белгиланади.

27. Пай жамғармаси ширкат хўжалиги аъзоларининг
мулкый пайларига тақсимланади.

28. Аъзоларнинг ширкат хўжалиги ташкил этилган
пайтда аниқланган мулкый пайлари уларнинг бошланғич
мулкый пайи ҳисобланиб, унинг миқдори таъсис мажли-
сида тасдиқланади.

29. Устав жамғармасининг миқдори ширкат хўжалиги
умумий мажлисининг қарорига асосан олинган соф
фойдадан ажратма ҳисобига кўпайиши мумкин. Бу ҳолда
ширкат хўжалиги устави қайта рўйхатдан ўтказилиши ло-
зим.

30. Ширкат хўжалиги ўз аъзоларининг маблағларини
қўшимча бадаллар сифатида жалб қилиши мумкин. Бу
қўшимча бадаллар бўйича Қишлоқ хўжалиги кооперати-
вида (ширкат хўжалигида) пай жамғармасини шакллан-
тириш, мулкый пайларни тақсимлаш ва улар бўйича
дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий ни-
зомда назарда тутилган тартибда дивидендлар оладилар.
Бу бадаллар пай жамғармаси таркибига киритилади.

VI. Ширкат хўжалигининг аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

31. Ўн олти ёшга тўлган, ширкат хўжалиги уставини
тан олувчи ва унинг талабларига риоя этувчи, ширкат
хўжалиги фаолиятида ва унинг жамғармаларини шакл-
лантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар ширкат
хўжалиги аъзолари бўлишлари мумкин.

Ширкат хўжалигига аъзолик ундан вақтинча чиқиб
кетган шахслар учун қуйидаги ҳолларда сақланиб қолади:
ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаганда;
давлат ва жамоат органларига сайлаб қўйиладиган ла-
возимга сайланганда;

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга кирганда;
бошқа ширкат хўжалигига, хўжаликлараро ва бошқа
корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ширкат хўжа-
лиги бошқаруви томонидан белгиланган муддатга ишга
йўлланганда.

Ширкат хўжалигининг қарилик ёки ногиронлик бўйича ишни тўхтатган аъзолари ўзларининг ширкат хўжалигига аъзоликларини унинг умумий мажлиси қарори билан белгиланган асос ва шартларда сақлаб қоладилар.

Юридик шахслар ҳам ширкат хўжалигига аъзо бўлишлари мумкин ва уларнинг ширкат хўжалиги билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида тартибга солинади.

32. Ширкат хўжалиги ташкил бўлиши пайтида аъзолар таркиби ва уларнинг бошланғич мулкый пайларининг миқдори таъсис мажлисида тасдиқланиб, уставга илова қилинади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

33. Ширкат хўжалиги аъзолари сонини кўпайтириш умумий мажлисининг мутлақ ваколатига киради.

34. Ширкат хўжалиги аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ширкат хўжалиги ишларини бошқаришда иштирок этиш;

ширкат хўжалиги бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш;

ширкат хўжалиги фаолияти тўғрисида маълумот олиш, унинг ҳужжатлари билан танишиш;

ўз меҳнати натижаларига мувофиқ даромадлар олиш;

мулкый пайга мувофиқ дивидендлар олиш;

ширкат хўжалиги тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қоладиган мол-мулкдан ўз улушини ёки унинг қийматини олиш;

ширкат хўжалигининг маҳсулот ва хизматларидан биринчи навбатда фойдаланиш;

ширкат хўжалиги аъзолигидан ўз хоҳишига кўра чиқиш, ўзининг мулкый пайини қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав асосида мерос қилиб қолдириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

35. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мажбуриятлари:

қонун ҳужжатлари, ширкат хўжалигининг таъсис ҳужжатлари талабларига риоя қилиш, унинг бошқарув органлари қарорларини бажариш;

ширкат хўжалиги фаолиятига тааллуқли сир тутиладиган тижорат ва бошқа ахборотларни ошкор қилмаслик;

ширкат хўжалиги мол-мулкни сақлаш, ишлаб чиқариш воситаларидан тежамли ва самарали фойдаланиш;

ширкат хўжалигида виждонан меҳнат қилиш ва ўз иш натижалари учун жавоб бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига, меҳнатни ва табиатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш.

36. Ширкат хўжалиги ва унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ҳамда бошқарув органининг қарорлари билан тартибга солинади.

37. Ширкат хўжалиги ўз аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва шартларини қонун ҳужжатларига ва оила (жамоа) пудрати шартномасига мувофиқ мустақил равишда белгилайди. Ҳар бир аъзонинг даромади унинг меҳнат улуши ҳамда ширкат хўжалиги фаолиятининг пировард натижасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва унинг юқори чегараси белгиланмайди.

38. Ширкат хўжалигига аъзолик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

ширкат хўжалиги аъзолигидан ихтиёрий равишда чиқилганда;

ширкат хўжалиги фаолиятида меҳнати билан иштирок этиш тугатилганда;

ширкат хўжалиги аъзолигидан унинг уставига белгиланган ҳолларда ва тартибда чиқарилганда;

бошқарувнинг (раиснинг) ширкат хўжалигига қабул қилиш тўғрисидаги қарори умумий мажлисда тасдиқланмаганда;

ширкат хўжалиги хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига ўзгартирилиб қайта ташкил этилганда ёки ширкат хўжалиги тугатилганда.

Ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқариш устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқишда меҳнат дафтарчасини расмийлаштириш, йил якуни бўйича дивидендлар олиш тартиби ширкат хўжалиги уставига назарда тутилади.

Ширкат хўжалиги аъзоси аъзоликдан чиқиш тўғрисида ширкат хўжалиги бошқарувини икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши зарур.

Ширкат хўжалиги аъзосининг аризасига мувофиқ ширкат бошқаруви аъзоликдан чиқариш тўғрисида қарор чиқаради ва уни умумий мажлис тасдиғига киритади.

VII. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкый пайлари ва уларнинг ҳисоби

39. Ширкат хўжалиги аъзоларининг пай жамғармасидаги мулкый пайлари миқдори Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) пай жамғармасини шакллантириш, мулкый пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби туғрисидаги Намунавий низомга биноан белгиланади.

40. Пай жамғармаси ва унга мувофиқ ширкат хўжалиги аъзолари мулкый пайларининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши) умумий мажлис қарори билан амалга оширилади.

41. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкый пайи номи ёзилган гувоҳнома билан расмийлаштирилиб, рўйхатга олиш рақамига эга бўлади ва у қимматли қоғозлар тоифасига кирмайди.

42. Ҳар бир аъзо учун ширкат хўжалиги молия-ҳисобкитоб марказида шахсий ҳисобварақ очилади ва унда бошланғич мулкый пайи, қўшимча пай бадаллари, мулкый пайнинг йиллик ўсиш суммаси, шунингдек, тўланган дивидендлар акс эттириб борилади. Барча аъзоларнинг шахсий ҳисобварақларидаги мулкый пайларининг йиғиндиси ширкат хўжалигининг пай жамғармаси миқдорига тенг бўлиши керак.

Аъзолар шахсий ҳисобварақларидаги мулкый пайлар улар томонидан қўшимча бадаллар киритилган тақдирдагина шу қўшимча бадаллар миқдорига, шунингдек, ширкат хўжалиги пай жамғармаси кўпайганда ошади.

VII. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

43. Ширкат хўжалигининг тижорат ва бошқа фаолиятдан олинадиган даромадидан (фойдасидан) солиқ ва бошқа тўловлар тўлангандан сўнг қоладиган қисми бутунлай ширкат хўжалиги тасарруфида бўлади ва уни ширкат хўжалиги мустақил равишда тасарруф этади.

44. Ширкат хўжалигига етказилган зарарларни қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

45. Ширкат хўжалигининг даромади (фойдаси) умумий мажлисининг қарори билан бўлинмас жамғармани тўлдириш ва аъзоларга дивидендлар тўлаш учун тақсимланади.

46. Ҳар бир аъзонинг мулкӣ пайлар бўйича дивидендларини шаклантириш ва тўлаш Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) пай жамғармасини шаклантириш, мулкӣ пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомга биноан амалга оширилади.

47. Ширкат хўжалиги даромадининг (фойдаси)нинг пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига кўра тақсимланади ва мулкӣ пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади.

IX. Пайларни ажратиб бериш ва мерос қилиб қолдириш

48. Ширкат хўжалигидан чиқиш фермер хўжалиги ёки янги ширкат хўжалиги ташкил этиш мақсадида амалга оширилган ҳолларда мулкӣ пайлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратиб берилади.

49. Ширкат хўжалиги аъзосининг мулкӣ пайини мерос қилиб қолдириш фақат унинг қийматдаги ифодасида амалга оширилади.

50. Ширкат хўжалиги аъзоси томонидан ўз меросхўрларига мулкӣ пайга эгалик қилиш ҳуқуқининг берилиши ширкат хўжалиги бошқарувида рўйхатдан ўтказиш йўли билан ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

51. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайлар бўйича, шунингдек, уларнинг ширкат хўжалиги билан бўладиган ўзаро муносабатлари Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) пай жамғармасини шаклантириш, мулкӣ пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомга асосан амалга оширилади.

X. Ширкат хўжалигининг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари

52. Ширкат хўжалигининг умумий мажлиси (вакиллар мажлиси), бошқаруви ва тафтиш комиссияси (тафтишчи) ширкат хўжалигининг бошқарув органлари ҳисобланади. Ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлиси ширкат хўжалиги бошқарувининг юқори органи ҳисобланади. Умумий мажлис молия йили туганидан кейин ўтказилади. Умумий мажлис ширкат хўжалиги бошқаруви-

нинг (раисининг) қарорига биноан ёки ширкат хўжалиги аъзолари камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан навбатдан ташқари чақирилиши мумкин.

53. Умумий мажлис:

ширкат хўжалигининг уставини қабул қилади ва унга белгиланган тартибда ўзгартишлар киритади;

ширкат хўжалигининг раисини, ширкат хўжалигининг бошқарувини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди ва уларни чақириб олади, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади ва фаолиятига баҳо беради;

ширкат хўжалиги аъзолигига қабул қилиш, аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

ширкат хўжалигининг ички меҳнат тартиби қоидаларини ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди;

ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайлари миқдорини белгилайди;

ширкат хўжалиги фаолиятининг бизнес-режаларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

даромадни (фойдани) тақсимлаш тартибини, ширкат хўжалигининг бўлинмас, пай ва бошқа жамғармалари турларини, миқдорини ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди;

фуқароларга фермер ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратиш масалалари бўйича қарор қабул қилади, унинг асосида туман ҳокими тегишли қарор қабул қилади;

ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш, унинг асосида туман ҳокими тегишли қарор қабул қилади;

ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш, унинг уюшмалар, жамиятлар, агрофирмалар ва бошқа бирлашмаларга кириши ва улардан чиқиши масалаларини ҳал этади.

54. Аъзоларининг сони беш юз кишидан ортиқ бўлган йирик ширкат хўжаликларида умумий мажлис ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун, уставда назарда тутилган ҳолларда, вакиллар мажлиси чақирилиши мумкин.

55. Ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлиси жами аъзоларнинг ёки улар вакилларининг камида учдан

икки қисми қатнашган (ёки тақдим қилинган) тақдирдагина масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлади. Умумий мажлис қатнашчиларининг сони юз кишидан ортиқ бўлса, шунингдек, яширин овоз бериладиган ҳолатларда ҳисоб комиссияси сайланади.

56. Ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлиси қарорлари кўпчилик овозда очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Уставга ўзгартишлар киритиш, устав жамғармасини ўзгартириш, ширкат хўжалигини қайта ташкил қилиш, тугатиш масалалари бўйича қарорлар умумий мажлис иштирокчиларнинг ёки улар вакилларининг тўртдан уч қисми овоз берган тақдирда қабул қилинади. Ширкат хўжалиги аъзоси бўлмаган ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган шахслар умумий мажлисда маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этадилар.

57. Ширкат хўжалиги бошқаруви умумий мажлис чақирилиши ҳақида аъзоларни камида етти кун олдин хабардор қилиши шарт.

58. Мулкый улуши миқдоридан қатъи назар, бир аъзо бир овозга эга бўлади.

59. Умумий мажлис томонидан _____ кишидан иборат _____ йил муддатга сайланган бошқарув ширкат хўжалигининг ижроия органи ҳисобланади.

Ширкат хўжалиги бошқаруви қуйидаги ваколатларга эга:

ширкат хўжалиги фаолиятининг бизнес-режаларини ишлаб чиқиш ва умумий мажлис тасдиғига киритиш;

ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлисини чақириш ҳамда мажлис томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш;

ширкат хўжалиги жорий хўжалик фаолияти масалаларини унинг уставига мувофиқ ҳал этиш;

ширкат хўжалигига янги аъзолар қабул қилиш ва аъзоликни тугатиш тўғрисидаги қарорни умумий мажлис тасдиғига киритиш;

ширкат хўжалиги мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш ҳамда етказилган зарарнинг ўрни қопланишига доир чораларни кўриш;

зарурат бўлганда мустақил аудиторлик текширишлари ўтказилишини ташкил этиш;

фермер ва деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари ажратиш тўғрисида умумий мажлис кўриб чиқиши учун таклифлар киритиш;

оила бошлиғи (жамоанинг ваколатли вакили) билан оилавий (жамоа) пудрат шартномаларини, шунингдек, фермер хўжаликлари бошлиқлари билан ер участкаларини ижарага бериш шартномаларини тузиш;

ширкат хўжалиғи уставида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

60. Ширкат хўжалиғи бошқаруви ишига ширкат хўжалиғи раиси раҳбарлик қилади. Ширкат хўжалиғи раиси умумий мажлисда очиқ овоз бериш йўли билан муқобиллик асосида уч йил муддатга сайланади.

Раис:

ушбу Уставга асосан ширкат хўжалиғи номидан ишончномасиз ҳаракат қилади;

ширкат хўжалиғининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, мол-мулкини тасарруф этади, шартномаларни, шу жумладан, меҳнат шартномаларини тузади, ишончномалар беради, банкда ҳисобварақлар очади ва ушбу Уставга асосан бошқа ишларни амалга оширади;

ширкат хўжалиғи умумий мажлиси (вакиллар мажлиси) ва бошқаруви қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлайди ва назорат қилади;

ўз ваколати доирасида буйруқ ва фармойишлар чиқаради, ҳисобот, молия ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

умумий мажлис ва бошқарув олдида ҳисобот беради.

Ширкат хўжалиғи бошқарувининг аъзолари ўз таркибидан ширкат хўжалиғининг уставига мувофиқ ширкат хўжалиғи раисининг ўринбосарини ва бошқарув котибини сайлашлари мумкин.

61. Умумий мажлис томонидан _____ кишидан иборат _____ йил муддатга сайланган тафтиш комиссияси (тафтишчи) ширкат хўжалиғининг назорат органи бўлиб, у ширкат хўжалиғининг молия-хўжалик фаолиятини текширади. Комиссия (тафтишчи) бир йилда бир маротаба ширкат хўжалиғининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади. Йил давомида заруратга қараб ўтказилган текшириш натижалари ҳамда бир йиллик тафтиш натижаси тўғрисида бошқарувга маълум қилади ва умумий мажлис олдида ҳисобот беради.

62. Тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи) ширкат хўжалиғининг ижроия органи таркибига кириши мумкин эмас.

Умумий мажлис ширкат хўжалиғининг ва унинг бош-

қарувининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун белгиланган тартибда аудитор ёки аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли.

XI. Ҳисоб-китоб ишлари ва ҳисобот бериш, ширкат хўжалиги фаолиятини текшириш тартиби

63. Ширкат хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ҳамда бухгалтерия ва статистика ҳисоботини юрилади.

64. Ширкат хўжалиги тегишли давлат органларига иқтисодий ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш учун маълумотлар тақдим этади. Ширкат хўжалиги бошқарув томонидан тасдиқланган рўйхатдаги тижорат сирини ифодалайдиган ахборотларни тақдим этмасликка ҳақли, қонунда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

65. Ширкат хўжалиги фаолияти:
тафтиш комиссияси (тафтишчи);
ширкат хўжалиги таклифига биноан мустақил аудитор ёки аудиторлик ташкилоти;
қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органлари ва бошқа ваколатли давлат органлари томонидан текширилади.

Ширкат хўжалиги текшириш ҳуқуқини берадиган тегишли ҳужжатни талаб этиш, текширувчилар ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича уларга жавоб бермасликка ҳамда текширув соҳасига боғлиқ бўлмаган маълумотлар билан уларни таништирмасликка ҳақлидир.

XII. Ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

66. Ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида ва ширкат хўжалиги уставиди белгиланган тартибда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

67. Ширкат хўжалигининг тугатилиши унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа юридик шахсга ўтмасдан бекор қилинишидир.

Ширкат хўжалиги:
умумий мажлис қарорига биноан;
қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

68. Ширкат хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган умумий мажлис ёки суд бу ҳақда ширкат хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма хабар бериши шарт, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ширкат хўжалиги тугатиш жараёнидан эканлиги ҳақидаги маълумотларни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўяди.

Ширкат хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган умумий мажлис ёки суд ширкат хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини (тугатувчини) тайинлайди ҳамда ушбу Уставга мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатини белгилайди.

Тугатиш комиссияси (тугатувчи) тайинланган пайтдан бошлаб ширкат хўжалиги ишларини бошқариш соҳасидаги ваколатлар унинг ихтиёрига ўтади. Тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатилаётган ширкат хўжалиги номидан судда иштирок этади.

69. Тугатиш комиссияси (тугатувчи) матбуот органларида маълумот беради, унда ширкат хўжалигининг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилинади. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

Тугатиш комиссияси (тугатувчи) кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзини олиш чораларини қўради, шунингдек, кредиторларни ширкат хўжалиги тугатилиши ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

70. Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин тугатиш комиссияси (тугатувчи) оралиқ тугатиш балансини тузади, бу баланс тугатилаётган ширкат хўжалиги мол-мулкнинг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек, уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Оралиқ тугатиш баланси ширкат хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган умумий мажлис ёки суд томонидан ширкат хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқланади.

71. Агар тугатилаётган ширкат хўжалиги ихтиёридаги пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси (тугатувчи) ширкат хўжалигининг мол-мулкани ким ошди савдоси

орқали суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотади.

72. Тугатилаётган ширкат хўжалиги кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси (тугатувчи) томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган навбат тартибда, оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугаганидан кейин тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатиш балансини тузади, уни ширкат хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган умумий мажлис ёки суд ширкат хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

73. Ширкат хўжалиги тугатилаётганда кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қоладиган бўлинмас жамғарманинг қисми ва пай жамғармаси ширкат хўжалиги аъзоларининг ёки улар меросхўрларининг пайларига мос равишда тақсимланади.

74. Ширкат хўжалиги тугатилганда унинг аъзолари деҳқон хўжалигини юритиш мақсадида берилган ўз ер участкаларидан меросга қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

75. Ширкат хўжалигининг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг ширкат хўжалигини тугатиш тамомланган, ширкат хўжалигининг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил
15 июлдаги 299-сон қарорига
5-И Л О В А

_____ вилояти
_____ тумани
_____ қишлоқ
(номи)

хўжалиги кооперативи (ширкат
хўжалиги)нинг 199__ йил
« _____ » _____ даги
таъсис мажлисининг
_____ -сон қарори билан

Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н

**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг
Устав жамғармасини шакллантириш ва ундан
фойдаланиш тартиби тўғрисида**

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)* пай жамғармасидан, бўлинмас жамғармадан ҳосил бўлган Устав жамғармасининг ҳамда кейинги фаолияти даврида етиштирилган ва олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳамда бошқа мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади. У ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқларини амалга оширади.

II. Устав жамғармасини шакллантириш

2. Ширкат хўжалиги ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадида Устав жамғармасини ташкил этади, унинг миқдори ширкат хўжалиги уставида кўрсатилади.

Устав жамғармасининг шаклланиш манбалари ва ундан фойдаланиш йўналишлари ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлисида қонун ҳужжатлари ҳамда ширкат хўжалиги уставига асосан белгиланади.

* Бундан кейин матнда «ширкат хўжалиги» деб аталади.

3. Устав жамғармасыни ўзгартириш тўғрисидаги қарор ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлисида қабул қилинади, бунда ширкат хўжалигининг устави белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

4. Ширкат хўжалигининг Устав жамғармасы унинг мулки ҳисобланади ва уни қонунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари олиб қўйиш мумкин эмас.

5. Устав жамғармасы ширкат хўжалигининг балансида асосий воситалар ва айланма маблағларнинг йиғиндиси сифатида акс эттирилиб, ширкат хўжалиги фаолиятининг асоси бўлиб ҳисобланади.

6. Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, механизмлар, машиналар, транспорт воситалари, ишчи ва маҳсулдор моллар, кўп йиллик дарахтлар, коллектор-дренаж тармоқлари ва бошқа гидротехника иншоотлари, йўллар, ижтимоий-маиший объектлар, номоддий активлар, узоқ муддатли молиявий ва капитал қўйилмалар, бошқа узоқ муддатли активлар киради.

7. Айланма маблағларга хом ашё, тайёр маҳсулотлар, уруғ, ем-хашак, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, ҳисобварақлардаги пул маблағлари, дебитор қарзлар, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва бошқа маблағлар киради.

III. Устав жамғармасыни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш

8. Устав жамғармасы пай жамғармасы ва бўлинмас жамғармалардан иборат бўлади.

9. Пай жамғармасы Устав жамғармасынинг ширкат хўжалиги аъзолари ўртасида мулкий пайларга тақсимланган қисми ҳисобланади.

Пай жамғармасы ширкат хўжалиги аъзоларининг бошланғич ва қўшимча (кўпайган) мулкий пайларидан иборатдир.

Ширкат хўжалиги пай жамғармасынинг ва аъзолар мулкий пайларининг миқдорлари ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлисида тасдиқланади ҳамда унинг уставида кўрсатилади.

Ширкат хўжалиги аъзолари мулкий пайларини ҳисоблаш ва улар бўйича дивидендларни тақсимлашда пай жамғармасы таркибига давлат ер кадастри бўйича белгиланадиган ер участкаларининг қиймат баҳоси ҳам қўшилади. Бунда ер участкаларининг қиймат баҳоси Устав жамғармасынинг миқдорини кўпайтирмайди.

10. Ширкат хўжалиги тузилаётган вақтда белгиланган пай жамғармаси бошланғич пай жамғармасидир. У ширкат хўжалиги ҳар бир аъзосининг бошланғич мулкый пайини аниқлашда асос бўлади.

Пай жамғармасининг бошланғич миқдори ширкат хўжалиги устави ва Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) пай жамғармасини шакллантириш, мулкый пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомда белгиланган тартибда аъзолар ўртасида мулкый пайларга тақсимланади.

11. Пай жамғармаси ширкат хўжалиги аъзолари томонидан қўшимча бадаллар киритилганда кўпаяди ва тегишли равишда уларнинг мулкый пайларига қўшилади.

12. Бўлинмас жамғарма — ширкат хўжалиги Устав жамғармасининг бир қисми бўлиб, у пайчи аъзолар ўртасида тақсимланмайди.

13. Бўлинмас жамғарма Устав жамғармасининг қирқ фоизидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади ҳамда ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлиси қарори билан тасдиқланади.

14. Бўлинмас жамғармани яратиш ва ундан фойдаланиш Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бўлинмас жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом бўйича белгиланади.

IV. Устав жамғармасининг ҳисоб-китоби ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби

15. Устав жамғармасининг ҳаракати (кўпайиши ва камайиши) ширкат хўжалигининг бухгалтерия балансидаги 85-1 «Устав жамғармаси» ҳисоб рақамида қайд қилинади. Бунда иккита иккиламчи ҳисобварақ очилади:

85-1.1. «Пай жамғармаси»;

85-1.2 «Бўлинмас жамғарма».

85-1 ҳисоб рақамидаги маблағнинг қолдиғи (сальдо-си) ширкат хўжалигининг таъсис ҳужжатларида белгиланган Устав жамғармасининг миқдorigа мос келиши лозим.

Устав жамғармасини кўпайтириш (камайтириш) ҳоллари фақатгина ширкат хўжалиги таъсис ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритилгандан сўнг қонун ҳужжатла-

рида ва ширкат хўжалиги уставда белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Ширкат хўжалиги ўз аъзоларининг махсус рақамли, ип билан сўргичланган, муҳрланган реестр (рўйхат) китобини юритади. Унда қуйидагилар қайд этилади:

тартиб сони (бу сон шахсий варақ сони ҳам ҳисобланади);

фамилияси, исми, отасининг исми;

паспорт серияси ва рақами, қачон ва ким томонидан берилгани;

яшаш жойи;

бошланғич мулкый пайнинг миқдори;

туланган дивиденд миқдори;

номи ёзилган гувоҳномани бериш муддати ва қайд этилган рақами;

ширкат хўжалиги аъзоларининг ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқиши ва аъзолар ўртасида пайларнинг ўзгариши, пайчиларнинг ва рўйхатга олувчининг имзолари.

17. Ширкат хўжалиги молия-ҳисоб-китоб марказида ҳар бир аъзо учун шахсий ҳисобварақ очилиб, унда бошланғич мулкый пай, қўшимча пай бадали, мулкый пайнинг йиллик кўпайган миқдори ва туланган дивиденд ёзиб борилади. Ҳамма аъзоларнинг ҳисобварақларидаги маблағлари йиғиндиси ширкат хўжалигининг пай жамғармаси миқдорига тенг бўлиши шарт.

18. Бўлинмас жамғарманинг шакллантирилиши, ҳаракати ва ундан белгиланган мақсадда фойдаланилиши ширкат хўжалигининг молия-ҳисоб-китоб марказидаги махсус ҳисоб бўйича амалга оширилади ва реестр китобида алоҳида ёзув билан акс эттирилади.

V. Ширкат хўжалиги тугатилаётганда Устав жамғармасини тақсимлаш тартиби

19. Ширкат хўжалигини тугатиш учун ташкил этилган тугатиш комиссияси (тугатувчи) матбуот органларида кредиторларнинг талабларини қабул қилиш учун ширкат хўжалигини тугатиш тартиби ва муддатини эълон қилади.

20. Кредиторлар талабини қабул қилиш бўйича белгиланган муддат тугагандан сўнг тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатилаётган ширкат хўжалигининг мол-мулки таркиби, кредиторлар талабининг рўйхати, шунингдек, ушбу масалаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлардан иборат оралиқ балансини тузиб чиқади.

21. Ширкат хўжалиги тугатилаётганда кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг бўлинмас жамғарманинг қолган қиймати пай жамғармаси билан биргаликда аъзолар ўртасида уларнинг мулкӣ пайларига мос равишда тақсимланади.

22. Ширкат хўжалигини тугатиш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил
15 июлдаги 299-сон қарорига
6-И Л О В А

_____ вилояти
_____ тумани

(номи)

қишлоқ хўжалиги кооперативи
(ширкат хўжалиги)нинг
199 йил «_____» _____ даги
умумий мажлисининг _____-сон
қарори билан

Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н

**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг
бўлинмас жамғармасини шакллантириш ва ундан
фойдаланиш тартиби тўғрисида**

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

І. Умумий қоидалар

1. Бўлинмас жамғарма қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)* устав жамғармаси қийматининг бир қисми бўлиб, у ширкат хўжалиги тасарруфида қолади ва пайчи аъзолар ўртасида тақсимланмайди.

2. Ширкат хўжалигининг бўлинмас жамғармаси:
кенгайтирилган такрорӣ ишлаб чиқариш тадбирларини амалга ошириш;

юқори унумли техника ва бошқа ускуна-жиҳозларни олиш;

* Бундан кейин матнда «ширкат хўжалиги» деб аталади.

технологик босқич яхлитлигини юқори даражада сақлаш;

чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш; тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини ўтказиш;

ирригация-мелиорация тармоқлари ва иншоотларини барпо этиш, сақлаш;

ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун умумтехнологик ва ширкат жамоаси фойдаланадиган инфратузилмаларга кирувчи объектлардан ҳамкорликда фойдаланиш учун шароитлар яратиш;

бошқа умумий ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш мақсадларида ташкил қилинади.

3. Ширкат хўжалигининг бўлинмас жамғармаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари дахлсиз ҳисобланади.

4. Бўлинмас жамғарманинг қиймати (миқдори) ширкат хўжалиги мол-мулки миқдори, фаолияти ихтисослашуви, унинг инфратузилмалар объектларини ривожлантириш истиқболини ҳисобга олган ҳолда табақали равишда белгиланади ва ширкат хўжалиги уставида акс этирилади.

5. Ширкат хўжалиги бўлинмас жамғармасининг миқдорига унинг у ёки бу мақсаддаги йўналишларининг устуворлигини ҳисобга олган ҳолда умумий мажлис қарори билан тегишли ўзгартиришлар киритиш мумкин.

6. Бўлинмас жамғарманинг шаклланиши ва фойдаланишини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлиси томонидан амалга оширилади.

7. Ширкат хўжалиги аъзолари томонидан дивиденд олиш мақсадида киритилган қўшимча пай бадаллари бўлинмас жамғарма таркибига киритилмайди.

II. Бўлинмас жамғармани шакллантириш ва ундан фойдаланиш

8. Ширкат хўжалиги ташкил этилаётганда бўлинмас жамғарма, ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлиси қарорига кўра, устав жамғармасининг қирқ фоизидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

9. Соф фойдадан ажратмалар ширкат хўжалиги бўлинмас жамғармасини тўлдиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

10. Ширкат хўжалиги ўз бўлинмас жамғармасидан белгиланган мақсадга мувофиқ мустақил фойдаланишга ҳақли.

III. Бўлинмас жамғарманинг ҳисоб-китоби

11. Бўлинмас жамғарманинг шаклантирилиши ва ундан фойдаланиш ҳисоби бухгалтерия ҳисоботи тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг устав жамғармасини шаклантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Ширкат хўжалиги бўлинмас жамғармасининг объектлари ва манбалари рўйхат қилинади ҳамда унинг келгуси ҳисобот йилидаги миқдори ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлисида тасдиқланади.

13. Соф фойданинг ширкат хўжалиги бўлинмас жамғармасини кўпайтириш учун ажратилган қисми умумий мажлис қарори билан алоҳида иккиламчи ҳисобвараққа ўтказилади.

IV. Ширкат хўжалигини тугатишда бўлинмас жамғармани тасарруф қилиш

14. Ширкат хўжалиги тугатилганда, унинг кредиторлари талаблари қаноатлантирилгандан сўнг, бўлинмас жамғарманинг қолган қисми қиймати пай жамғармаси билан биргаликда аъзолар ўртасида уларнинг мулкий пайларига мутаносиб равишда тақсимланади ва пайчиларнинг номи ёзилган гувоҳномаларида қайд этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил
15 июлдаги 299-сон қарорига
7-И Л О В А

_____ вилояти

_____ тумани

_____ қишлоқ

(номи)

хўжалиги кооперативи
(ширкат хўжалиги)нинг

199 йил « _____ » _____ даги

умумий мажлисининг

_____ -сон қарори билан

Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н

**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да
пай жамғармасини шакллантириш, мулкый пайларни
тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар
тўлаш тартиби тўғрисида**

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

I. Умумий қондалар

1. Ширкат хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)* пай жамғармаси ер участкаларининг қиймат баҳосини ва асосий жамғармаларнинг қийматини ҳамда ширкат хўжалигининг мажбуриятлардан ҳоли бошқа активлари қийматини ўз ичига олади, бўлинмас жамғармани шакллантиришга йўналтирилган маблағлар бундан мустаснодир. Бунда ер участкаларининг қиймат баҳоси устав жамғармаси миқдорини кўпайтирмайди.

2. Ширкат хўжалигининг пай жамғармаси ширкат хўжалиги устави ҳамда ушбу Намунавий низомга мувофиқ ширкат хўжалиги аъзоларининг қийматда ифодаланган мулкый пайларига бўлинади.

3. Мулкый пай ҳар бир аъзонинг ширкат хўжалиги пай жамғармасидаги улушидир.

* Бундан кейин матнда «ширкат хўжалиги» деб аталади.

II. Мулкий пайни ҳисоблаш тартиби

4. Мулкий пайни ҳисоблаш учун ширкат ҳўжалигининг ишловчи аъзолари тўғрисида қўйидаги маълумотлар:

меҳнат даври (стажи);

охирги _____ йил мобайнидаги ўртача йиллик иш ҳақи аниқланади.

5. Иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун олинadиган давр ширкат ҳўжалиги аъзоларининг умумий мажлисида тасдиқланади.

6. Ширкат ҳўжалиги ҳар бир аъзосининг меҳнат стажи кейинги _____ йилдаги ўртача йиллик иш ҳақиға кўпайтирилиб, унинг йил-сўми аниқланади.

7. Ширкат ҳўжалигида ишловчи барча аъзоларнинг йил-сўмлари жамланади.

8. Ширкат ҳўжалигида ишловчи аъзолар ўртасида тақсимланадиган пай жамғармаси ширкат ҳўжалиги бўйича жами йил-сўмларға бўлиниб, бир йил-сўмға тўғри келадиган мулкий пайни акс эттирувчи коэффициент аниқланади.

9. Ширкат ҳўжалиги ҳар бир аъзосининг мулкий пайни унинг йил-сўмини ушбу Намунавий низомнинг 8-бандида кўрсатилган коэффициентға кўпайтириб аниқланади.

10. Тақсимланадиган пай жамғармасини ширкат ҳўжалиги аъзоларининг сонига бўлиб бир пайнинг ўртача қиймати аниқланади.

11. Ширкат ҳўжалиги пенсионерларининг мулкий пайлари умумий мажлис қарори билан пай жамғармасининг ўн фоизигача миқдорда белгиланади ва тақсимланади. Бунда ҳар бир ширкат ҳўжалигининг ички шароитлари ҳисобға олиниши лозим.

12. Ҳар бир пенсионернинг ширкат ҳўжалигида ишлаган меҳнат стажи аниқланади ва пенсионерларнинг стажлари йиғиндиси ҳисоблаб чиқилади.

13. Пай жамғармасининг пенсионерларға ажратилган қисми ширкат ҳўжалигидаги барча пенсионерларнинг умумий меҳнат стажига бўлинади ва бир йиллик стажға тўғри келадиган пай қиймати аниқланади.

Бир йиллик стажға тўғри келадиган мулкий пай қиймати пенсионернинг умумий стажига кўпайтирилиб, унинг мулкий пайни миқдори аниқланади.

III. Ширкат хўжалиги найчи-аъзолари таркибини ва уларнинг мулкий пайларини аниқлаш тартиби

14. Ширкат хўжалиги пайчи-аъзолари таркиби ширкат уставида белгиланади.

15. Ширкат хўжалиги аъзосининг мулкий пайи қимматли қоғозлар тоифасига кирмайдиган ва ҳар бир аъзога бериладиган номи ёзилган гувоҳнома билан тасдиқланади (Илова).

16. Ширкат хўжалиги ҳар бир аъзосининг умумий мулкий пайи икки қисмдан иборатдир:

ширкат хўжалиги тузилган пайтдаги бошланғич мулкий пай;

аъзоларнинг бошланғич мулкий пайдан ташқари кейинчалик қўшган пай бадалларидан иборат қўшимча мулкий пай.

17. Ширкат хўжалигининг молия-ҳисоб-китоб марказида ҳар бир аъзо учун шахсий ҳисобварақ очилиб, унда пайчи-аъзонинг бошланғич мулкий пайи, қўшимча пай бадали, мулкий пайнинг йиллик кўпайган миқдори ҳамда тўланган дивидендлар ҳисобга олиб борилади. Барча аъзоларнинг шахсий ҳисобварағидаги мулкий пайлари миқдори ширкат хўжалиги пай жамғармаси миқдорига тенг бўлиши шарт.

Ширкат хўжалиги аъзоларининг шахсий ҳисобварақларидаги мулкий пайлари қўшимча бадаллар киритилганда кўпаяди ва қўшилган бадаллар миқдорига тенг бўлади.

IV. Мулкий пайни ажратиб чиқариш ва мерос қилиб қолдириш тартиби

18. Фермер хўжалиги ёки янги ширкат хўжалиги ташкил этиш мақсадида ширкат хўжалигидан чиқилган ҳолларда мулкий пайлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратиб берилади.

19. Мулкий пайнинг қийматини тўлаш шакли ва тартиби томонларнинг келишувига биноан амалга оширилади.

20. Ширкат хўжалиги аъзоси вафот этган тақдирда унинг меросхўрлари умумий мажлис қарорига асосан ширкат хўжалиги аъзоси бўлишлари ёки ўзларининг хоҳишига кўра қонун ҳужжатларида ва ширкат хўжалиги уставида назарда тутилган тартибда уларга мулкий пайнинг қиймати тўланиши мумкин.

21. Фермер хўжалигини ташкил қилиш мақсадида ширкат хўжалигидан чиқилганда, шунингдек, ширкат хўжалиги аъзоси вафот этган тақдирда мулкый пай меросхўрларга ернинг қиймат баҳоси чегирилган ҳолда тўланади.

22. Ширкат хўжалиги тугатилаётганда кредиторлар талаби қондирилгандан сўнг қолган мол-мулк ширкат хўжалиги аъзолари ўртасида уларнинг мулкый пайларига мутаносиб равишда тақсимланади.

V. Дивидендларни шакллантириш ва тўлаш тартиби

23. Дивиденд — соф фойданинг солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўланганидан кейин ширкат хўжалиги ихтиёрида қоладиган, ширкат хўжалиги аъзолари ўртасида тақсимланиши лозим бўлган қисмидир.

24. Ширкат хўжалигининг ҳар бир аъзосига тегишли дивиденд миқдори умумий мажлис томонидан белгиланади ҳамда иш ҳақи, мукофот ва бошқа тўловлар миқдoriga боғлиқ бўлмайди.

25. Бир сўмлик мулкый пайга тўғри келадиган дивиденд миқдори соф фойданинг дивидендлар тўлаш учун ажратилган қисмини пай жамғармасига бўлиш йўли билан аниқланадиган коэффициент тариқасида ҳисоблаб чиқарилади.

26. Ширкат хўжалиги ҳар бир аъзосининг мулкый пай бўйича дивиденди ушбу Намунавий низомнинг 24-бандида белгиланган коэффициентга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

27. Ширкат хўжалиги аъзолари дивидендларини ҳисоблаш ва тўлаш ширкат хўжалиги молия-ҳисоб-китоб маркази томонидан амалга оширилади.

28. Дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги ҳисобот бир йилда бир марта тузилади ва ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий мажлиси тасдиғига тақдим этилади.

29. Мулкый пайлар бўйича дивидендларнинг тўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлигини назорат қилиш ширкат хўжалигининг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) томонидан амалга оширилади.

30. Мулкый пайлар ва дивидендлар юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Қишлоқ хўжалиги ширкатида пай
жамғармасини шакллантириш,
мулкый пайларни тақсимлаш ва
улар бўйича дивидендлар тўлаш
тартиби тўғрисидаги
Намунавий низомга
И Л О В А

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

_____ вилояти
_____ тумани
_____ ширкат хўжалиги
(номи)

МУЛКИЙ ПАЙ ТЎҒРИСИДАГИ НАМУНАВИЙ ГУВОҲНОМА № _____

_____ ширкат хўжали-
гининг 199 йил « _____ » _____ даги
таъсис мажлисида
Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н
_____ -сон баённома

Номи ёзилган мазкур гувоҳнома _____
_____ қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжа-
лиги)нинг аъзоси (нафақахўр) _____ га
(ф.и.о.)
кооператив (ширкат хўжалиги) пай жамғармасидан _____
(_____) сўмлик
(рақам билан) (сўз билан)
бошланғич мулкый пай берилганлигини тасдиқлайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи
(ширкат хўжалиги) раиси _____

Бош бухгалтер _____
(имзо) (ф.и.о.)
(имзо) (ф.и.о.)

М. Ў.

199 йил « _____ » _____

Мулкий пай ва соф фойдадан тўланган дивидендлар ҳаракати

Йил	Йил бошидаги мулкий пай қиймати, сўм	Қўшилган мулк-кий пай қиймати, сўм	Камайган мулкий пай қиймати, сўм	Йил охиридаги мулкий пай қиймати, сўм	Соф фойдадан тўланган дивиденд сўм,	Пай эгасининг имзоси	Масъул шахсинг (руйхатчининг) имзоси
1998							
1999							
2000							
2001							
2002							
2003							
2004							
2005							
2006							
2007							
2008							
2009							
2010							
2011							
2012							
2013							
2014							
2015							
:							

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил
15 июлдаги 299-сон қарорига
8-И Л О В А

_____ вилояти
_____ тумани

(номи)
умумий мажлисининг
199 йил « _____ » _____ даги
_____ -сон қарори билан

Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н

**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (жамоа)
пудрати тўғрисида**

Н а м у н а в и й н и з о м

I. Умумий қоидалар

1. Оила (жамоа) пудратидан келиб чиқадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Намунавий низом билан тартибга солинади.

2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати оила (жамоа)га вақтинча фойдаланишга бериб қўйилган ер участкаларида оила (жамоа) аъзоларининг¹ бевосита иштирок этишига асосланади.

3. Оила (жамоа) пудрати хўжалик юриштишнинг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)² аъзоларининг бошқарув номига берилган аризасига мувофиқ танлов асосида ташкил этилади. Аризада пудратчиларга бериладиган ер участкасининг ўлчами, етиштириладиган маҳсулот тури, оила (жамоа)даги меҳнатга лаёқатли аъзоларнинг сони кўрсатилади.

Аризалар танлов эълон қилингандан кейин бир ой ичида қабул қилиниб, улар бўйича ўн кунлик муддатда

¹ Бундан кейин матнда «пудратчилар» деб аталади.

² Бундан кейин матнда «бўртмачи-хўжалик» деб аталади.

хўжалик бошқаруви томонидан қарор қабул қилинади. Танловда ширкат хўжалиги аъзоларининг қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибаси ҳамда экин майдони, маҳсулот бирлигига кетадиган меҳнат сарфларининг белгиланган меъёрлари ҳисобга олинади.

Танлов натижаси бўйича хўжалик бошқарувининг қарори чиқарилади. Бошқарув қарорида пудратчиларга ажратиладиган ер участкасининг ўлчами, унинг жойлашган манзили, ариза берувчиларнинг талаби қондирилмаганда эса унинг асосланган сабаби кўрсатилади.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш бўйича оила (жамоа) пудрати шартномаси ҳар йили тузилади ва ширкат хўжалиги раиси ҳамда оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берган вакили) томонидан имзоланади. Шартномада унинг имзоланиш санаси кўрсатилади ҳамда шартнома буюртмачи-хўжаликнинг муҳри билан тасдиқланади.

5. Буюртмачи-хўжалик ер участкаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи пудратчиларга қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан далолатнома асосида беради.

Далолатнома ер участкасининг ўлчами, унинг жойлашган манзили, ҳолати ва ер участкасидаги мавжуд кўп йиллик дарахтлар кўрсатилган ҳолда икки нусхада тузилади, буюртмачи-хўжалик вакили ва оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берган вакили) томонидан имзоланади ҳамда буюртмачи-хўжаликнинг муҳри билан тасдиқланади. Далолатноманинг битта нусхаси бошқарувда, иккинчиси эса пудратчида шартнома муддати тугагунгача сақланади.

6. Оила (жамоа) пудрати шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

ер участкасининг ўлчами, жойлашган манзили ва ҳолати;

ер участкасидан фойдаланиш шартлари, томонларнинг алмашлаб экиш схемасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва ер сифатини ошириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича мажбуриятлари;

етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг миқдори ва турлари, сифати;

етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг баҳоси, унга ҳақ тўлаш ва уни сотиш шартлари;

суғориш учун сув ва моддий-техника ресурслари билан пудратчини таъминлаш;

томонларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва уларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар.

7. Шартнома икки нусхада тузилади ва имзоланган пайдан бошлаб кучга киради. Шартноманинг бир нусхаси бошқарувда, иккинчи нусхаси пудратчида сақланади.

8. Пудратчиларга берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, бунда ҳайдаладиган ер майдонлари ўлчамларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

9. Ер участкасининг ўлчамлари ва унинг чегаралари томонларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин.

10. Алоҳида иш турларини бажариш учун ходимлар жалб қилинганда, уларга пудратчиларнинг иш ҳақи фондидан ҳақ тўланади.

11. Ишлаб чиқариш шароитлари ўзгарган тақдирда, томонларнинг келишувига биноан, шартнома шартлари ҳам ўзгариши мумкин.

12. Пудратчиларга берилган ер участкасида ер участкаси эгасининг розилигисиз бинолар ва бошқа иншоотлар қуриш ман этилади.

13. Оила (жамоа) пудрати бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ҳам қўлланилиши мумкин.

II. Пудратчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Пудратчилар:

шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ етиштирилган (пахта, ғалладан ташқари) маҳсулотни шартнома бўйича (эркин) нархда сотишга ёки шу нархда буюртмачи-хўжаликка топширишга;

ижтимоий таъминот бўйича ҳуқуқлардан, ижтимоий суғурта ва қонунда белгиланган бошқа имтиёزلардан фойдаланишга;

ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда уларга етказилган зарар ва бошқа харажатларнинг тўланишини, шу жумладан, бой берилган фойданинг, қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

15. Пудратчилар:

берилган ер участкасидан белгиланган мақсадга кўра ва шартнома шартларига асосан фойдаланишлари, ер унумдорлигининг пасайишига, атроф муҳитнинг ёмонла-

шувига йўл қўймасликлари, агротехника қоидаларига риоя қилишлари;

берилган ер участкаларидаги ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини ўз вақтида тозалашлари, ҳудуддаги кўп йиллик дарахтларни парвариш қилишлари ва сақлашлари;

шартномада назарда тутилган муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришлари ва уни келишилган муддатларда буюртмачи-хўжаликка топширишлари;

моддий-техника ресурсларидан фойдаланишда тежамкорликни таъминлашлари, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилишлари шарт.

III. Буюртмачи-хўжаликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Буюртмачи-хўжалик бошқарув орқали:

пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда бажарилаётган қишлоқ хўжалиги ишларининг ўз вақтида амалга оширилишини ва сифатини текширишга;

агар пудратчи оила (жамоа) пудрати шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, шартномани бекор қилиб, етказилган зарарларни қоплашни талаб қилишга;

қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш вақтида уларни тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, пудратчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда оила (жамоа) пудрати шартномасини бекор қилишга ёхуд бу ишларни пудратчи ҳисобидан бажаришни бошқа шахсга топширишга, шунингдек, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

17. Буюртмачи-хўжалик бошқарув орқали:

ер участкасини ва шартномада кўрсатилган бошқа мол-мулкларни пудратчига далолатнома асосида бериши;

ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга ошириши;

пудратчини уруғ, ўғит, химикатлар ва бошқа моддий-техника ресурслари, зарур техника воситалари билан белгиланган муддатларда таъминлаши, унга пуллик хизмат кўрсатиши;

агротехника тадбирларини ўз вақтида самарали ўтказиш бўйича малакали мутахассислар томонидан маслаҳатлар берилишини ташкил этиши, техника хавфсизлигига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаши;

пудратчи етиштирган, топширган ва сотган маҳсулотларнинг ҳисобини олиб бориш учун даромад ва харажатлар ҳисоб-китоби бўйича хўжалик молия-ҳисоб-китоб марказида унинг шахсий ҳисоб-варағини очиши, ўзаро ҳисоб-китоб ишларининг чек ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилишини таъминлаши;

иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, хўжалик томонидан унинг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг туман бўлимига бадалларнинг тўланишини таъминлаши;

шартнома мажбуриятлари хўжалик томонидан бажарилганда пахта етиштирувчиларга шартномада назарда тутилганидан ортиқча етиштирилган ҳар бир тонна пахта хом ашёси учун пахта ёғи, кунжара ва шелухани белгиланган тартибда беришни таъминлаши шарт.

IV. Яқунловчи қоидалар

18. Буюртмачи-хўжалик ва пудратчи оила (жамоа) пудрати шартномаси шартлари билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида жавобгар бўладилар.

19. Шартнома шартлари бажарилмаганда айбдор томонга шартномада назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

20. Томонлар шартномада назарда тутилмаган масалалар бўйича жамоа шартномаларига ҳамда қонун ҳужжатларига риоя қиладилар. Буюртмачи-хўжалик билан пудратчи ўртасида шартнома мажбуриятларини бажариш юзасидан вужудга келадиган низолар судда ҳал қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида
оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги
Намунавий низомга
1-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва хизматлар
кўрсатиш учун оила (жамоа) пудрати тўғрисида**

НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

_____ вилояти _____ тумани
_____ номли қишлоқ хўжалиги кооперативи
(ширкат хўжалиги) Бошқаруви орқали бир томондан ва
оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берилган вакили)

(фамилияси, исми, отасининг исми)
иккинчи томондан, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғ-
рисида туздилар:

I. Шартнома предмети

1. Оила (жамоа) (бундан кейин матнда «пудратчи деб аталади) 199 йилдан 199 йилга қадар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг (бундан кейин матнда «буюртмачи-хўжалик» деб аталади) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларидан _____ гектар ер участкасини оила (жамоа) пудрати шартномаси шартларига мувофиқ далолатнома асосида ернинг сифат кўрсаткичлари кўрсатилган ҳолда олади.

2. Пудратчи ўзига бириктирилган ер участкасида буюртмачи-хўжалик томонидан буюртма қилинган қуйидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳар йили етиштириш ва уларни келишилган нархда буюртмачи-хўжаликка топшириш мажбуриятини олади:

Экин турлари	Экин майдо-ни, га	Ҳосилдорлик		Ялли маҳсулот қиймати, сўм	Жами маҳсулот учун тўланадиган иш ҳақи, сўм	Шунинг 70 фоизи йил давомида аванс тариқасида тўланади, сўм	1 гектар ҳисобига тўғри келадиган аванс миқдори, сўм
		гектаридан цент.	жами т.				

II. Пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3. Пудратчи:

ер участкасини ушбу Шартноманинг 1-бандига биноан ўз вақтида олиш;

суғориш учун сув олиш;

белгиланган муддатларда ва ҳажмларда уруғлик, экиш материаллари ва бошқа моддий ресурсларни олиш;

Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ етиштирилган (пахта ва ғалладан ташқари) маҳсулотни ўз ихтиёрига кўра келишилган нархда сотиш ёки шу нархда буюртмачи-ҳўжаликка топшириш;

буюртмачи-ҳўжалик айби билан етказилган зарарни, шу жумладан, бой берилган фойданинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4. Пудратчи:

ўзига бириктирилган ер участкасидан белгиланган мақсадда ва шартнома шартлари бўйича фойдаланиши, тупроқ унумдорлигининг пасайишига йўл қўймаслиги, экинларни буюртмачи-ҳўжалик ихтисосига мувофиқ равишда етиштириши;

бажариладиган ишга оид талабномани олдиндан — ўн кундан кечиктирмасдан ёзма равишда буюртмачи-ҳўжаликка топшириши;

бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар юзасидан ҳар ойда буюртмачи-ҳўжаликнинг молия-ҳисоб-китоб марказига ҳисоботлар топшириши;

мақбул муддатларда ва юқори сифатли маҳсулот етиштиришни таъминловчи агротехника тадбирлари комплексини амалга ошириши;

суддан агротехника талабларига мувофиқ фойдаланиши;

ажратилган моддий-техника ресурсларини сарфлашда тежамкорликни таъминлаши, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиши шарт.

III. Буюртмачи-ҳўжаликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5. Буюртмачи-ҳўжалик:

пудратчидан ишларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини талаб қилиш;

ер участкасидан ва моддий-техника ресурсларидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш;

пудратчи томонидан иш бажарилиши пайтида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Буюртмачи-ҳўжалик:

олинган ер участкасини ва бошқа мол-мулкни ушбу Шартноманинг 1-бандида кўрсатилган муддатга далолатнома асосида пудратчига бериши;

пудратчини уруғлик, минерал ўғит, химикатлар ва бошқа моддий-техника ресурслари билан белгиланган муддатларда таъминлаши;

пудратчининг талабномасига кўра ўз ихтиёридаги техника ҳисобидан ёки ташкилотлар билан тузилган шартномага мувофиқ ер участкаларидан сифатли фойдаланиши ва ишлов бериши, экинларни экиши ва ҳосилни йиғиб олиши, ҳосилни йиғиб олиш даврида пудратчини яшиқ ва бошқа идишлар билан таъминлаши, пуллик хизмат кўрсатишни ташкил этиши;

пудратчи томонидан етиштирилган маҳсулотни тайёрлов ташкилотларига ва сотиш жойига етказиб бериш чора-тадбирларини кўриши;

пудратчига иш ҳақини ўз вақтида тўлашни таъминлаши, ишловчиларнинг бадалларини қонун ҳужжатлари бўйича белгиланган ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг туман бўлимига ўтказишни таъминлаши; алоҳида иш турларини бажариш учун жалб қилинган шахслар бажарган ишларга иш ҳақини ҳўжаликда белгиланган меъёр ва миқдорлар бўйича пудратчининг иш ҳақи фонди ҳисобидан тўлаши;

агротехника тадбирларини ўз вақтида самарали ўтказиш бўйича малакали мутахассисларнинг маслаҳатларини ташкил этиши, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаши;

етиштирилган, топширилган ва сотилган маҳсулотнинг ҳисобини олиб бориш учун даромад ва харажатлар ҳисоби бўйича буюртмачи-ҳўжаликнинг молия-ҳисоб-китоб марказида пудратчига шахсий ҳисобварақ очиши, ўзаро ҳисоб-китоб ишларини чек ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилишини таъминлаши;

шартномада кўрсатилган маҳсулот ҳажми учун маҳсулот қийматидан _____ фоиз; шартномада кўрсатилган маҳсулот ҳажмидан ортиқ ишлаб чиқарилган маҳсулот учун _____ фоиз миқдорида иш ҳақи тўлаши;

шартнома шартлари бажарилганда унда назарда тутилганига нисбатан тежалган моддий сарф-харажатларнинг қийматидан 70 фоизини пудратчига иш ҳақи тариқасида беришни таъминлаши;

шартномада назарда тутилганидан ортиқ маблағ сарфланганида иш ҳақидан ушлаб қолишни амалга ошириш;

хўжалик режани бажарган тақдирда пахта етиштирувчиларга шартномадан ортиқ етиштирилган ҳар бир тонна пахта хом ашёси учун _____ кг пахта ёғи, _____ кг кунжара, _____ кг шелухани беришини таъминлаши шарт.

IV. Яқунловчи қоидалар

7. Буюртмачи-хўжалик ва пудратчи улар ўртасида тузилган Шартнома шартлари юзасидан ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида жавобгар бўладилар.

8. Маҳсулот етиштириш мажбурияти пудратчининг айби билан бажарилмаганда буюртмачи-хўжалик етиштирилмаган маҳсулот қийматини унинг бозор нархида туланишини пудратчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9. Маҳсулот етиштириш шартлари ўзгарган (моддий-техника ресурслари ва маҳсулотлар нархи, ишлаб чиқариш технологияси, иш ҳақи ошиши) тақдирда томонларнинг келишувига биноан Шартноманинг шартлари ҳам ўзгариши мумкин.

10. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган масалаларни тартибга солишда томонлар қонун ҳужжатларига, жамoa шартномаларига, хўжаликнинг меҳнатга ҳақ тулаш Низомига амал қиладилар. Буюртмачи-хўжалик билан пудратчи ўртасида Шартнома мажбуриятларини бажариш юзасидан келиб чиқадиган низолар судда ҳал қилинади.

11. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилади ва имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Шартноманинг бир нусхаси буюртмачи-хўжалик бошқарувида, иккинчи нусхаси эса пудратчида сақланади.

**Буюртмачи-хўжалик
раиси**

**Оила бошлиғи (жамоанинг
ваколат берилган вакили)**

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (имзо)

_____ (имзо)

М.Ў.

**Пудратчининг меҳнатга
лаёқатли аъзолари:**

1. _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

2. _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

3. _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

199 _____ йил « _____ » _____

**Қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришида
оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги
Намунавий низомга
2-И Л О В А**

Ер участкаси бериш далолатномасининг

НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

_____ вилояти _____ тумани
Қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) _____
_____ номидан Бошқарув

(ширкат хўжалиғи номи)

бир томондан, ер участкаси беради, пудратчи номидан
оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берилган вакили)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

иккинчи томондан, умумий майдони _____ гектар
бўлган хўжалик ерини, шу жумладан:

ҳайдаладиган ерлар _____
пичанзорлар _____

яйловлар _____
кўп йиллик дарахтларни _____
(номлари ва сони)

_____ қабул қилади.

Ер участкаси 199__ йилдан 199__ йилга қадар берилади.

Тупроқ унумдорлигининг, зарур ҳолларда экологик вазият сифат кўрсаткичлари _____

Ер унумдорлиги пасайган ва атроф муҳитга зарар етказилган ҳолларда пудратчи ўз маблағи ҳисобидан тиклаш ишларини бажариши шарт.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) раиси

Оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берилган вакили)

(имзо)

19__ йил «__» _____

(имзо)

19__ йил «__» _____

(ширкат хўжалиги муҳри)

**«ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА», «ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУДДАТЛАРИ ВА
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ**

1998 йил 15 июль № 300

Қ А Р О Р И

«Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда деҳқон ва фермер хўжалиklarининг аҳамиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қ а р о р қ и л а д и**:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

1998 йил 1 октябрғача барча туманларда фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжалиklarини уларнинг Ер кодексига, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидалари ва нормаларига мувофиқлигини хатлаб чиқсинлар ҳамда уларни қайта рўйхатдан ўтказсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжалиklари уюшмаси билан биргаликда ҳар бир туманда фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжалиklари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжалиklарни фермер хўжалиklари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжалиklарни деҳқон хўжалиklарига ўзгартириш билан шуғулланувчи комиссиялар тузсинлар.

Аттестация ўтказувчи комиссиялар фермер хўжалиklари бошлиқларининг юқори ҳосил олиш учун илғор агротехника усулларини қўллаш, уруғлик, ўғитлар ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш бўйича юксак билим ва малакага эга эканликларига эътиборни қаратсинлар.

2. Қуйидагилар:

фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжалиklари

бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш Тартиби 1-иловага мувофиқ;

фермер хўжалигининг Намунавий устави 2-иловага мувофиқ;

фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш Тартиби 3-иловага мувофиқ;

фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш Тартиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси деҳқон (фермер) хўжалиklarини фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш натижалари тўғрисида 1998 йил 1 октябргача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги фермер хўжалиklarини хатловдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш натижаларига кўра статистика ҳисоботига тегишли аниқликлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси

И. КАРИМОВ

**Фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликлари
бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу
хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта
рўйхатдан ўтказиш**

Т А Р Т И Б И

1. Ушбу Тартиб фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш механизмини белгилайди.

Ушбу Тартиб янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликларига татбиқ қилинмайди.

2. Туман ҳокимининг қарор қилган билан туман ҳокимлиги ҳузурида деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда «Комиссия» деб аталади) тузилади.

Комиссия таркибига қуйидагилар киради:

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича биринчи ўринбосари — Комиссия раиси;

Ўзбекистон Республикаси деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг туман вакиллиги директори — Комиссия раисининг ўринбосари;

туман иқтисодиёт ва статистика бўлими бошлиғи;

туман солиқ инспекцияси бошлиғи;

туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг масъул ходимлари;

қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислар.

3. Комиссия фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, аттестация учун саволлар рўйхатини тайёрлайди, аттестация ўтказиладиган кунни белгилайди ва фаолият кўрсатиб турган деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан икки ҳафта олдин бундан хабардор қилади.

4. Фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказишда:

фермер хўжалиги фаолиятини бизнес-режаси тузилиши ва унинг бажарилишига;

қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслиги таъминланишига;

фермер хўжалиги фаолияти бошқарилишига;

ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш тартибига;

фермер хўжалиги ҳуқуқ ва мажбуриятларига;

фермер хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига, уларнинг фермер хўжалиги фаолиятида иштирок этиши тартибига;

фермер хўжалигини ташкил қилиш тартибига;

фермер хўжалиги даромади (фойдаси)ни тақсимлаш, зарарларини қоплаш тартибига;

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жавобгарликка;

фермер хўжалигини тугатиш тартибига;

фермер хўжалиги уставини ўзгартириш тартибига алоҳида эътибор берилади.

5. Комиссиясининг фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги қарори туман ҳокими томонидан тасдиқланади.

6. Комиссия ҳар бир деҳқон (фермер) хўжалигидан унинг уставини хўжалик фаолияти йўналиши ҳақидаги маълумотларни, хўжалик аъзолари таркибини, ер бериш бўйича ҳужжатларни талаб қилиб олади.

Комиссия ҳар бир деҳқон хўжалиги бўйича ҳужжатларни кўриб чиқади ва унинг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

7. Одатда, фақат «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ тузилган деҳқон (фермер) хўжаликлари фермер хўжалиги сифатида қайта рўйхатдан ўтказилади.

Мустақил хўжаликлар, айрим бригадалар, чорвачилик фермалари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бошқа бўлимлари асосида ташкил этилган деҳқон (фермер) хўжаликлари қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)га ёки хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига бирлашишлари ва шунга мувофиқ қайта рўйхатдан ўтишлари мумкин.

8. Комиссия ҳар бир деҳқон хўжалиги бўйича ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн беш кунда, деҳқон хўжа-

ликларини фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатга олиш тўғрисидаги ўз хулосасини туман ҳокимига тақдим қилади.

9. Туман ҳокими Комиссия тақдим қилган ҳужжатларни кўриб чиқиб ўн беш кун муддатда, қайси деҳқон (фермер) хўжаликлари фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатга олиниши ҳақида қарор қабул қилади.

Ҳокимнинг қарори билан деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларига ер бериш ҳақидаги олдин қабул қилинган қарор бекор қилинади. Бу қарорда фермер хўжаликлари сифатида рўйхатга олинаётган деҳқон (фермер) хўжаликларининг рўйхати келтирилади. Ҳокимнинг қарори билан ҳар бир фермер хўжалиги бошлиғига ер участкаси майдони ва ижара муддати кўрсатилган ер участкаси ижарага берилади.

Илгари деҳқон (фермер) хўжалиги юритиш учун берилган ер участкасининг ижара муддати хўжалик бошлиғининг хоҳиши билан кўрсатиб ўтилган хўжаликларни «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фермер хўжаликлари сифатида рўйхатга олишда ўзгартирилиши мумкин.

10. Туман ҳокимининг фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликларини фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин фермер хўжаликлари бошлиқлари ўзларининг уставларини қайта расмийлаштирадилар ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви билан янги ер ижараси шартномасини тузадилар ва у туман ҳокимлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Фермер хўжалиги сифатида қайта рўйхатдан ўтказилган хўжаликнинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатлари «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда фермер хўжалигининг Намунавий уставига мувофиқ бўлиши лозим.

11. Қайта рўйхатдан ўтган фермер хўжалиги ҳозир эгаллаб турган ер майдонидан кўпроқ миқдорда ер участкаси олиш хоҳишини билдирса, кўшимча берилган ер участкасини расмийлаштириш фермер хўжалиги юритиш учун ер ажратиб бериш бўйича белгиланган тартибга кўра амалга оширилади.

12. Қайта рўйхатдан ўтган фермер хўжалиги собиқ деҳқон (фермер) хўжалигининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва унинг барча мажбуриятлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

13. Комиссиянинг фаолияти устидан назоратни туман ҳокими амалга оширади.

14. Деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқлари уларни аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатга олиш бўйича қабул қилинган қарорлар устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил
15 июлдаги 300-сон қарорига
2-И Л О В А

_____ вилояти	_____ вилояти
_____ тумани	_____ туманидаги
ҳокимнинг 199__ йил	_____
« _____ » _____ даги	(номи)
_____ -сон қарори билан	фермер хўжалигининг 199 йил
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН	« _____ » _____ даги
М.Ў.	_____ -сон қарори билан
	ТАСДИҚЛАНГАН

Фермер хўжалигининг

НАМУНАВИЙ УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1. Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддат ижарага берилган ер участкасидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

2. Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар билан шартнома асосида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига киришишга ҳақли.

3. Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақоми олади ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкий ва

мулкий тусда бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, шунингдек, банк муассасасида ҳисоб-китоб счёти ва бошқа счётлар очиш, муҳр, штамп ва бошқа реквизитларга эга бўлиш ҳуқуқини олади, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

4. Фермер хўжалиги давлат мажбуриятлари юзасидан, давлат эса фермер хўжалиги мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

5. Фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6. Фермер хўжалиги жойлашган жой:

(вилояти)

(тумани)

қишлоғи (овули)

7. _____ фермер хўжалиги бошлиғи _____
_____ паспорт серияси _____ рақамли,
19 _____ йилда _____ вилояти _____ тумани
ички ишлар бўлими томонидан берилган.

8. Фермер хўжалигининг устави фермер хўжалиги аъзоларининг қарорига биноан ўзгартирилиши мумкин ва у туман ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

II. Фермер хўжалигининг мақсади, вазифалари ва фаолияти соҳаси

9. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш асосида даромад (фойда) олиш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда ўз аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш фермер хўжалигининг мақсади ҳисобланади.

10. Фермер хўжалигининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ажратилган ердан агротехника қоидалари асосида

оқилона ва самарали фойдаланган ҳолда юқори ҳосил олиншини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш ва реализация қилиш;

чорва молларини ветеринария қоидалари асосида етиштириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш.

11. Фермер хўжалигининг фаолият соҳаси қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ҳамда бозорларда сотиш, шу жумладан, ўз савдо шохобчалари орқали реализация қилиш;

тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш;

аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини амалга ошириш.

III. Фермер хўжалиги ва унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Фермер хўжалиги юридик шахснинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Фермер хўжалиги тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, ташкил этилишидан кўзланган мақсадларга эришиш учун шу мақсадларга монанд тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Фермер хўжалиги хўжалик юритишнинг бошқа шаклларидаги корхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга.

13. Фермер хўжалиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

уставда назарда тутилган доирада ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланган ихтисослашувга мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ер участкасида мустақил ташкил этиш;

етиштирилган маҳсулотни сотишга юридик шахслар билан хўжалик шартномалари тузиш, шу жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат хариди юзасидан хўжалик шартномалари тузиш;

етиштирилаётган маҳсулотга мустақил равишда нарх белгилаш;

ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, шу жумладан, уни ўз хоҳиши бўйича истеъмолчиларга сотиш;

харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ҳамда эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш;

кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларига мувофиқ жалб қилиш, шу жумладан, кредитни узишнинг зарур гаров, суғурта ҳамда бошқа кафолатларини таъминлаган ҳолда фермер хўжаликларига бериладиган имтиёзли кредитдан фойдаланиш;

ижарага берувчининг рухсати билан ёки қонунда ёхуд ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ер участкасини ижарага бериш ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш;

ўрта ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш;

ходимларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш;

зарур асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, ижарага олиш, бино ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш;

ихтиёрий равишда, шу жумладан, улуш (пай) асосида кооперативларга (ширкатларга), жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ҳамда бошқа бирлашмаларга бирлашиш, кириш.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

14. Фермер хўжалиги аъзолари:

хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартларига боғлиқ тарзда биргаликда ёки яқка тартибда фойдаланиладиган даромаддан (фойдадан) ўз улушини олиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртаси ва ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалиги аъзолари:

фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши;

белгиланган меҳнат тартибига бўйсунитиши шарт.

Фермер хўжалиги уставида фермер хўжалиги аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

15. Фермер хўжалиги қуйидаги мажбуриятларни бажариши шарт:

ер участкасидан ижара шартномасида белгиланган мақсад ва шартларда самарали фойдаланилишини таъминлашга;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этишга;

ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилишга;

ер участкасини; башарти ижара шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил ичида ўзлаштиришга;

агротехника қоидаларига, белгиланган режимида, сақлаш вазифаси ва сервитутларга риоя этишга;

фермер хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўлиқ жавоб беришга;

фермер хўжалигининг барча аъзолари ҳамда хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси ва Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасига қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий бадаллар тўлашга;

фермер хўжалиги аъзоларининг ва хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритишга, улар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга мажбурдир.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

IV. Фермер хўжалигининг мол-мулки ва унинг манбалари

16. Фермер хўжалиги:

ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалиги техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек, бошқа мол-мулкнинг;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотнинг;

олинган даромад (фойда)нинг;

қонунда тақиқланмаган асосларда олинган бошқа мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

Қуйидагилар фермер хўжалиги мол-мулкани шакл-лантириш манбалари бўлиши мумкин:

фермер хўжалиги аъзоларининг пул ва моддий маблағлари, товарларни сотишдан, ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан, шунингдек, фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромад (фойда);

қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;

кредитлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

V. Фермер хўжалигини бошқариш

17. Фермер хўжалигининг ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган муомалага лаёқатли аъзоларидан бири фермер хўжалигининг бошлиғи бўлиши мумкин. Фермер хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганида у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига ёки юқорида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган бошқа ҳар қандай шахсга (шартнома асосида) беришга ҳақлидир.

18. Фермер хўжалигининг бошлиғи:

унинг бутун иш фаолиятини ташкил қилади;

юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан иш кўради;

ишончномалар беради, шартнома ва битимлар тузади, шунингдек, шартнома асосида ходимларни ишга ёллайди;

фермер хўжалиги аъзолари ва хўжалиқда шартнома асосида ишлаётган шахслар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилайди;

фермер хўжалиги аъзолари ва хўжалиқда шартнома асосида ишлаётган шахсларнинг хавфсиз ҳамда унумли меҳнат қилишлари учун шароит яратиб беради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш вақти муддатини, иш ҳақларини белгилайди, моддий рағбатлантириш усуллари ва интизомий жазо чораларини белгилайди;

фермер хўжалиги номидан ҳужжатларни имзолайди.

VI. Фермер хўжалигида ердан ва сувдан фойдаланиш

19. Фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари эллик йилгача, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади.

20. Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Ер участкаларининг ўлчами ва чегаралари фермер хўжалиги бошлигининг розилиги билангина ўзгартирилиши мумкин.

22. Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади; улар хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек, иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас. Фермер хўжалигига берилган ер участкаси бўлиниши мумкин эмас.

23. Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда ер участкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижарага берувчига қайтарилади.

24. Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ер участкасининг сифатига, жойлашган жойига ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда белгиланадиган ер солиғи ставкаси миқдоридан тўланган бюджетига тўланадиган ҳар йилги ижара ҳақи тариқасида ундирилади.

25. Фермер хўжалиги учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

26. Фермер хўжалигига бериладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби, шунингдек, мазкур солиқ бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

VII. Фермер хўжалигида меҳнат

27. Фермер хўжалигининг фаолияти асосан хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Фермер хўжалигидаги ишларни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида жалб этилиши мумкин.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш тартиби қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

28. Фермер хўжалигида иш тартибини хўжалик бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди. Фермер хўжалиғи бошлиғи хўжалик аъзоларининг ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритади.

29. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, томонларнинг келишувига биноан ҳам пул тарзида, ҳам натура тариқасида тўланади.

30. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахс фермер хўжалиғи бошлиғининг розилиғи билан хўжалик мол-мулкига пул ёки бошқа хил улуш қўшишга ҳамда қўшган улушига мутаносиб равишда хўжалик даромади (фойдаси) тақсимотида қатнашишга ҳақлидир.

Фермер хўжалиғи аъзолари, шунингдек, хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим.

31. Фермер хўжалигида ишланган вақт давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида меҳнат стажига қўшилади.

Фермер хўжалигининг аъзолари ҳамда хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларга ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

VIII. Фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари

32. Фермер хўжалиғи пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасида счетлар очиш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг ҳисоб-китоб счетида маблағларни фақат унинг розилиғи ёки суднинг қарори билан ҳисобдан чиқариш мумкин.

IX. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

33. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва бошқа фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) солиқ-

лар, йиғимлар ҳамда бошқа тўловлар тўлангандан кейин бутунлай фермер хўжалигининг ихтиёрига ўтади, у буни мустақил равишда тасарруф этади.

Фермер хўжалигига етказилган зарар унинг мол-мулки ва бошқа манбалар ҳисобидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қопланади.

X. Фермер хўжалиklarининг биргаликдаги фаолияти

34. Фермер хўжалиklари ихтиёрийлик асосида, шу жумладан, улуш (пай) асосида маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича кооперативларга (ширкатларга), жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ҳамда бошқа бирлашмаларга бирлашиш, кириш ҳуқуқига эга.

XI. Фермер хўжалиги фаолияти натижаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш

35. Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

XII. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш

36. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Қуйидаги ҳолатлар:

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаслиги;
ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилиши;

ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаши ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклашнинг имконияти йўқлиги;

ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаслиги, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳосидан муттасил (уч йил мобайнида) паст бўлиши;

ернинг экологик ҳолати ёмонлашиши;

ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилиши;

фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилиниши;
ижара ҳақи муттасил белгиланган муддатларда тўлан-
маслиги;

фермер хўжалиги ер участкасини олган пайтдан эъти-
боран бир йил мобайнида хўжалик-ишлаб чиқариш фао-
лиятига киришмаслиги;

фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи
қонун ҳужатлари бир неча марта ёки бир марта, бироқ
қўпол равишда бузилиши;

шартнома шартлари бузилганлиги муносабати билан
ерни ижарага олиш шартномаси бекор қилиниши фер-
мер хўжалиги тугатилишининг асослари ҳисобланади.

Фермер хўжалиги:

хўжалик аъзоларининг қарорига биноан;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суд-
нинг қарорига биноан тугатилади.

38. Фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида
белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Фермер хўжалиги тугатилганда унинг аъзолари ўз
мол-мулкига бўлган мулкый ҳуқуқни ҳамда томорқа ер
участкасига бўлган ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил
15 июлдаги 300-сон қарорига
3-И Л О В А

**Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини
фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш**

Т А Р Т И Б И

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикасининг Ер ко-
дексига, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжали-
ги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва
янги тузиладиган фермер хўжаликлари учун фуқароларга
узоқ муддатли ижарага (бундан кейин матнда «ижара-
га» — деб аталади) ер участкаси бериш бўйича ҳужжат-
ларни расмийлаштириш тартибини белгилайди.

Ушбу Тартиб илгари ташкил этилган деҳқон (фермер)
хўжаликларини фермер хўжаликларига ўзгартириш ҳол-
ларига татбиқ этилмайди.

2. Фуқароларга фермер хўжалигини юритиш учун ер

участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади.

3. Фермер хўжаликлари, қоидага кўра, оилавий асосда ёки қариндошлари ва меҳнатга лаёқатли бошқа шахслар билан биргаликда тузилади.

II. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш

4. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари ижарага:

заҳира ерларидан;

республиканинг махсус фонди ерларидан;

меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликларнинг ерларидан;

янги суғориладиган мавзелардаги ерлардан;

зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг ерларидан берилади.

5. Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди.

6. Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги ўзининг бизнес-режасида назарда тутилган камида 30 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари асосида тузилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош молга ўтадиган қуйидаги коэффициентдан фойдаланилади: қорамоллар (сигирлар, насл олинadиган новвослар, бўрдоқига боқиладиган новвослар) ва отлар учун — 1.0, ёш қорамоллар учун — 0.6, қўй ва эчкилар учун — 0.1, чўчқалар учун — 0.3 ҳамда паррандалар учун — 0.025.

Фермер хўжаликларига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молига ҳисоблаганда:

Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда — камида 0.30 гектар;

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидаги суғориладиган ерларда — камида 0.45 гектар;

суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса — камида 2 гектарни ташкил этади.

7. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами:

пахтачилик ва ғаллачилик учун — камида 10 гектар;

боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун — камида 1 гектардан иборатдир.

8. Ер участкасининг аниқ ўлчами қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг умумий мажлиси (вакиллар мажлиси), туман ҳокими томонидан, аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда, мавжуд ер ресурслари, уларнинг сифати, фермер хўжалиги аъзоларининг сони, боқишга мўлжалланган ҳар бош чорва молининг сонига, фермер хўжалигининг ихтисослашувига қараб белгиланади.

Ер участкаси фермер хўжалигига имкони борича чегаралари суғориш каналлари, зовур ёки йўл тармоқлари бўйича белгиланувчи ягона мавзеда берилади. Фермер хўжалигига берилаётган ер участкаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг ердан фойдаланиши учун ноқулайликлар вужудга келтирмаслиги лозим.

Фермер хўжалигини юритиш учун ижарага ер участкалари олишда мазкур қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да яшовчи фуқаролар устувор ҳуқуқдан фойдаланадилар.

9. Фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ижарага берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

10. Фермер хўжалигини юритиш учун фуқарога ижарага берилган ер участкаси бошқа шахсга иккиламчи ижарага берилмайди. Агар фермер хўжалигини унинг аъзолари томонидан юритиш имконияти бўлмаса, ер участкаси ёки унинг бир қисми фермер хўжалиги тузилган жойдаги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)га қайтарилади.

11. Фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ижарага берилган ер участкалари унинг аъзолари ўртасида бўлиниши мумкин эмас. Фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ижарага берилган ер участкаларининг ўлчами ва унинг чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлигининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

12. Фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ижарага ер участкаларини бериш бўйича материаллар ер тузиш хизмати органи томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тайёрланади.

13. Фермер хўжалигини юритишни хоҳловчи фуқаролар ижарага ер берилиши тўғрисида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви номига ариза берадилар.

Аризада ариза берувчи ва тузиладиган фермер хўжалиги аъзоларининг исми-шарифлари, уларнинг яшаш жойлари, сўралаётган ер участкасининг ўлчами, жойлашган жойи, майдони, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи, мўлжалланаётган ихтисоси, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этишда — боқишга мўлжалланган ҳар бош чорва молининг турлари бўйича сони, ер участкасининг ижара муддати кўрсатилади. Аризага хўжаликнинг хўжалик-ишлаб чиқариш фаолияти режалаштирилган фермер хўжалиги фаолиятининг белгиланган шаклдаги бизнес-режаси илова қилинади.

Фермер хўжалигини ташкил этиш ва ер участкасини ижарага олиш тўғрисидаги барча ҳужжатларнинг тўлиқ расмийлаштирилши учун ариза бериш, қоидага кўра, қишлоқ хўжалиги экинларини йиғиб олиш тугаган пайтда амалга оширилади.

14. Фуқароларнинг фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги аризаси ўн кун муддатда қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг бошқаруви томонидан хўжаликнинг етакчи мутахассислари иштирокида кўриб чиқилади, кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса тайёрланади. Хулосада ер участкасини бериш имконияти борлиги ҳақида таклиф берилади ёки ер участкасини бериш асосланган ҳолда рад этилади.

Фуқаронинг аризаси, хулоса билан бирга, кўриб чиқиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг умумий мажлиси (вакиллар мажлиси)га киритилади, унда фуқарога фермер хўжалигини юритиш учун ижарага ер участкаси бериш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш ҳақида ёки ер участкаси беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

15. Фермер хўжалигини тузиш ва ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорда фермер хўжалиги бошлиғининг исми-шарифи, ер участкасининг майдони, унинг жойлашган жойи, қишлоқ хўжалиги кооперативи (шир-

кат хўжалиги) ер харитаси (тархи)даги контурлар рақамлари хўжалик фаолиятининг йўналиши кўрсатилади.

16. Фуқаронинг аризаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг умумий мажлиси (вакиллар мажлиси)нинг қарори ва фермер хўжалиги фаолиятининг бизнес-режаси билан бирга туман ҳокимига юборилади ва у материалларни беш кун муддатда ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига кўриб чиқиш учун топширади.

Фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ижарага ер участкаларини бериш масаласи комиссия мажлисида кўрилади. Ҳақиқатда Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжалиги туман уюшмасининг вакили қатнашади.

Комиссия ўн беш кун муддатда материаллар билан танишиб чиқади, фермер хўжалиги бошлигининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида у билан суҳбат ўтказди ва ижарага ер участкаси бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ёки ер участкаси беришни рад этиш ҳақида ўз хулосасини тайёрлайди.

17. Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг умумий мажлиси (вакиллар мажлиси)нинг қарори ҳамда фермер хўжалиги бизнес-режаси билан бирга кўриб чиқиш учун туман ҳокимига тақдим этилади. Туман ҳокими ўн беш кунлик муддатда тақдим қилинган материалларни кўриб чиқиб фермер хўжалигини юритиш учун фуқарога ижарага ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Туман ҳокимининг қарорида ер участкаси бериладиган фермер хўжалиги бошлигининг исми-шарифи, еридан ер участкаси бериладиган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи, ер участкасининг майдони ва уни ижарага бериш муддати кўрсатилади.

18. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкасини ижарага беришни рад этиш тўғрисидаги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва туман ҳокимининг қарорлари устидан судга ёки бўйсунув тартибидаги юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят берилиш мумкин.

19. Туман ҳокимининг фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин ўн кун муддатда белгиланган шаклдаги ер ижараси шартномаси тайёрланади (илова қилинади). Ер участкаси ижараси шартномаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади.

20. Шартномага унинг ажралмас қисми сифатида фермер хўжалиги ер участкасининг харитаси (тархи) илова қилинади. Ер участкасининг харитаси (тархи) фермер хўжалиги ерларининг туташ (ёндош) ҳудудлари билан бирга қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ерлари харитаси (тархи)дан кўчирма нусха олиш йўли билан тайёрланади. Ер участкасининг харитаси (тархи)да қабул қилинган шартли белгиларга мувофиқ барча ҳолатлар (суғориш, коллектор-дренаж ва йўл тармоқлари, экинлар таркиби, контурлар рақамлари, фермер хўжалигининг чегаралари) тўлиқ кўрсатилади. Ер участкасининг харитаси (тархи) туман бош (катта) ер тузувчиси, фермер хўжалигининг бошлиғи ва фермер хўжалиги тузилган ердаги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг вакили томонидан имзоланади.

21. Ер ижараси шартномасида экинлар тури бўйича ер участкасининг майдони ва суғориладиган ерларнинг сифати акс эттирилади, ерни ижарага бериш муддати, ижара ҳақини тўлаш тартиби, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади, ердан фойдаланиш масалалари бўйича низоларни ҳал қилиш йўллари ҳамда шартномани бекор қилиш шартлари кўрсатилади. Шартноманинг «Шартноманинг алоҳида шартлари» деб номланган VIII бўлимида ер участкасини сақлаш мажбуриятлари, сервитутлар, суғориш шарт-шароитлари, суғориш сувларини ҳисобга олиш ва томонларнинг келишуви бўйича бошқа шартлар ёзилади.

Суғориладиган ерларнинг сифати тупроқ харитаси, тупроқ бонитети ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг бошқа материалларидаги мавжуд маълумотлар асосида ёзилади.

Ер участкаси ижара шартномаси туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтказилади ва фермер хўжалигининг ер ижараси ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

22. Шартнома тузилгандан сўнг ўн кун ичида туман бош (катта) ер тузувчиси, фермер хўжалиги ташкил этилган ердаги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжа-

лиги)нинг вакили иштирокида фермер хўжалигининг бошлиғига ижарага берилаётган ерларни жойида кўрсатишни амалга оширади. Фермер хўжалигининг ерларини жойида кўрсатиш далолатнома билан расмийлаштирилади ва унда фермер хўжалиги ерларининг таркибига кирадиган экинзорларнинг контурлари кўрсатилади, ижарага берилаётган ер участкаси чегараларининг қандай элементлари бўйича чегара ўтганлиги жойларнинг бу элементларнинг қайси тарафидан чегара ўтганлиги ва бошқалар тасвирланади. Далолатнома туман бош (катта) ер тузувчиси, фермер хўжалиги ташкил этилган ердаги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) вакили ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Далолатнома уч нусхада расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси туман бош (катта) ер тузувчисиди, иккинчиси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да ва учинчиси эса фермер хўжалигининг бошлиғида сақланади.

23. Ижарага ер беришни расмийлаштириш бўйича ишлар тугагандан кейин қуйидаги таркибдаги ҳужжатлардан иборат ер тузиш иши тузилади:

фермер хўжалигини тузиш тўғрисидаги фуқаронинг аризаси;

хўжаликнинг етакчи мутахассислари иштирокида тайёрланган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг хулосаси;

ер участкаларини ижарага бериш тўғрисидаги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари умумий мажлиси (вакиллар мажлиси)нинг қарори;

ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш туман комиссиясининг ер участкаларини ижарага бериш имконияти ҳақидаги хулосаси;

фермер хўжалигини ташкил этиш ва ер участкасини ижарага ажратиб бериш тўғрисидаги туман ҳокимининг қарори;

ер участкаси ижара шартномаси;

фермер хўжалиги фаолиятининг бизнес-режаси;

фермер хўжалиги ерларини кўрсатиш далолатномаси.

Фермер хўжалигига ижарага ер участкаси беришни расмийлаштириш бўйича ер тузиш ҳужжати икки нусхада тайёрланади, унинг бир нусхаси туман бош (катта) ер тузувчисиди сақланади, иккинчиси эса фермер хўжалигининг бошлиғига топширилади.

III. Ер учун ижара ҳақи тўлаш

24. Ер учун ижара ҳақи тўлови, солиқ тўловчининг жойлашган жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ҳудуддаги туман бюджетига ҳар йилнинг 15 декабрига қадар ер солиғининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун тасдиқланган ставкалари бўйича тўланади.

25. Янги тузилган фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида ер учун ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади.

26. Ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

IV. Ер участкаси ижара шартномасини бекор қилиш

27. Ер участкаси ижара шартномаси фермер хўжалиги тугатилган қўйдаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда;

ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклашнинг имконияти бўлмаганда;

ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив қадастр баҳосидан муттасил (уч йил мобайнида) паст бўлганда;

ерларнинг экологик ҳолати ёмонлашганда;

ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганда;

фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинганда;

ижара ҳақи белгиланган муддатларда муттасил тўланмаганда;

фермер хўжалиги ер олинган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятига киришмаган бўлса;

фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда;

ер участкаси ижара шартномасининг шартлари бузилганда.

28. Ер участкаси ижара шартномаси бекор қилинган

тақдирда, фермер хўжалигининг фойдаланишда бўлган ер участкаси фермер хўжалиги тузилган ердаги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)га қайтариб берилади.

V. Ер участкасидан фойдаланиш бўйича низоларни ҳал этиш

29. Фермер хўжалигининг ер участкасидан фойдаланиш юзасидан келиб чиққан низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

30. Ер участкаси ижара шартномаси ижарага берувчи томонидан муддатидан олдин бекор қилинганда, ер участкасини ижарага олувчи ижарага берувчининг қароридан норози бўлган тақдирда, ижарачи ушбу қарор юзасидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

Фермер хўжалигини юритиш учун
ер участкаларини фуқароларга
узоқ муддатли ижарага бериш
Тартибига
И Л О В А

Ер участкасини узоқ муддатли ижарага беришнинг намунавий шартномаси

1998 йил « ____ » _____ -сон
_____ вилояти _____ тумани қишлоқ
хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) _____

(қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) номи)
бошқаруви орқали, бундан кейин матнда «Ижарага берувчи» деб аталади, бир томондан ва _____ фермер
(хўжалик номи)

хўжалигининг бошлиғи _____, бундан кейин
(исми-шарифи)

матнда «Ижарага олувчи» деб аталади, иккинчи томондан, туман ҳокимининг 1998 йил « ____ » _____ даги
_____ -сон қарорига асосан қуйидагилар тўғрисида ушбу Шартномани туздилар:

I. Шартноманинг предмети

1. Ижарага берувчи 1998 йилнинг « ___ » ___ дан ___ йил муддатга _____ тумани _____ да
(қишлоқ хўжалиги кооперативи
(ширкат хўжалиги) номи

жойлашган ердаги _____ га ер участкасини узоқ муддатли ижарага беради, Ижарага олувчи эса уни қабул қилади.

Ер участкасининг чегараси ушбу Шартномага илова қилинган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган фермер хўжалигининг харита (тархи)да кўрсатилган.

2. Ер участкаси _____ ихтисослашган фермер хўжалигини юритиш учун узоқ муддатли ижарага берилди.

3. Ер участкаси қуйидаги ер турларидан иборат:
суғориладиган ҳайдаладиган ерлар _____ га;
суғорилмайдиган (лалмикор) ҳайдаладиган ерлар _____ га;
боғлар _____ га;
узумзорлар _____ га;
пичанзорлар ва яйловлар _____ га;
суғориш шохобчалари, зовурлар, йўллар _____ га;
иморатлар _____ га;
бошқа ерлар _____ га.

4. Суғориладиган ерларнинг сифати:
сув билан таъминланганлиги _____ %;
қачондан буён суғориб келинаётгани _____ ;
маданийлаштирилганлиги _____ ;
сув сингдирувчанлиги _____ ;
емирилишлик даражаси _____ ;
тошлоқлик даражаси _____ ;
шўрланиш даражаси _____ ;
ер ости сувларининг чуқурлиги _____ ;
тоғ жинсларининг жойлашиши чуқурлиги _____ ;
1 кг ҳайдов қатламида: _____ мгр фосфор, _____ мгр калий, _____ % чиринди мавжуд;

тупроқнинг бонитет бали _____ .

5. Ер участкасини сақлаш мажбуриятлари _____

6. Сервитутлар _____

II. Ижара ҳақини тўлаш

7. Ижара ҳақи ер солиғининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун тасдиқлаган ставкалари

бўйича ҳар йилнинг 15 декабрига қадар туман бюджетига тўланади.

8. Ижара ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

III. Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. «Ижарага берувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Шартноманинг шартлари ижарага олувчи томондан бузилганда мазкур Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш;

ер участкасини давлат ва жамият заруратлари учун қонунда белгиланган ҳолатларда ва тартибда харажатларни (бунга бой берилган фойда ҳам қўшилади) тўлиқ тўлаш, етказилган зарарни қоплаш шарти билан олиб қўйиш;

ер участкасини сақлаш мажбуриятини ва сервитутларини белгилаш.

10. Ижарага берувчи:

ушбу Шартномада белгиланган муддатда ижарага берилган ер участкасини натурада* (жойида) берилишини таъминлаши;

қишлоқ хўжалиги экинларини ва дарахтзорларни ажратилган лимитга мувофиқ суғориш учун сув билан таъминлаши;

ижарага олувчининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқига риоя қилиши шарт.

IV. Ижарга олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Ижарага олувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига ҳамда фермер хўжалиги уставига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш;

қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда дов-дарахтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва уни сотишдан олинган даромад (фойда)га бўлган мулк ҳуқуқи;

ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек, ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

ерларни суғориш ва уларнинг захини қочирриш, агро-техника ва бошқа мелиорация ишларини ўтказиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини, дов-дарахтларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;

уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни белгиланган тартибда барпо этиш, ер участкаларидан фойдаланиш мақсади ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларни қайта қуриш ва бузиб ташлаш. Ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бу ишларни ер эгалари билан келишиб амалга оширишга ҳақли;

ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг (шу жумладан, бой берилган фойданинг) қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганда сарфланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш;

Ижарага олувчи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва ўзга қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

12. Ижарага олувчи қуйидагиларни бажариши шарт:

ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш;

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида назарда тутилган туркум тадбирларни амалга ошириш;

ер солигини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг (уч йилдаги ўртача йиллик ҳисобидан) ернинг норматив кадастр баҳосидан паст бўлмаслигини таъминлаш.

Ижарага олувчи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбе-

кистон Республикаси Қонунида ва ўзга қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

V. Ер участкаси ижара шартномасини бекор қилиш

13. Ушбу Шартнома фермер ҳужалиги тугатилганда куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

ҳўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам ҳўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда;

ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклашнинг имконияти бўлмаганда;

ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳосидан муттасил (уч йил мобайнида) паст бўлганда;

ерларнинг экологик ҳолати ёмонлашганда;

ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганда;

фермер ҳўжалиги банкрот деб эълон қилинганда;

ижара ҳақи белгиланган муддатларда муттасил тўланмай келинганда;

фермер ҳўжалиги ер олган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида ҳўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятига киришмаган бўлса;

фермер ҳўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда;

ушбу Шартноманинг шартлари бузилганда.

VI. Томонларнинг жавобгарлиги

14. Ушбу Шартноманинг шартларини томонлардан бири бажармаган ёки қонун ҳужжатларини мунтазам бузган ҳолларда, бошқа томон ушбу Шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

15. Ҳар қандай ҳуқуқ бузилиши, агар уни баргараф қилиш мумкин бўлса, Шартномани бекор қилинишига олиб келмайди.

16. Шартномани бекор қилиш нияти ҳақида бир томон иккинчи томонни ёзма равишда, шартномани бекор қилиш сабабларини асослаган ҳолда, уч ой олдин хабардор қилади.

VII. Низоларни ҳал этиш

17. Мазкур Шартноманинг ижроси жараёнида вужудга келадиган низолар қонунга мувофиқ ҳал этилади.

18. Мазкур Шартнома Ижарага берувчи томонидан муддатида илгари бекор қилинганда, Ижарага олувчи Ижарага берувчининг бу қароридан норози бўлган тақдирда судга муурожаат қилиши мумкин.

VIII. Шартноманинг махсус шартлари

19. Ушбу Шартнома уч нусхада тузилган бўлиб, ундан бири туман ҳокимлигида, иккинчиси фермер хўжалигида, учинчиси эса ерларида фермер хўжалиги тузилган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да сақланади.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Ижарага берувчи:

Ижарага олувчи:

Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи — Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) раиси

Ижарага олувчи — Фермер хўжалиги бошлиғи

Имзо _____

Имзо _____

М. Ў.

М. Ў.

ФЕРМЕР ХҲЖАЛИГИНИ ЮРИТИШИ УЧУН ФУҚАРОЛАГА ЕР УЧАСТКАЛАРИ БЕРИШГА ОИД ХҲЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

С Х Е М А С И

Т/р	Хужжатлар	Хужжатлар ҳаракати	
		қилдан	кўриб чиқиш муддатлари
1	Ижарага ер участкаси бериш тўғрисида ариза.	фуқародан	Қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) бошқарувиغا
2	Ижарага ер участкаси бериш тўғрисидаги аризага кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса.	қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) бошқаруvidан	Қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) аъзоларининг умумий йиғилишига (вакиллар йиғилишига)
3	Фуқаронинг ижарага ер участкаси бериш тўғрисидаги аризаси; Қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) аъзоларининг умумий йиғилиши (вакиллар йиғилиши) қарори; Фермер ҳужалиги фаолиятининг бизнес-режаси.	қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) раҳбаридан	Туман ҳокимлигига
4	Ижарага ер участкаси бериш тўғрисидаги ариза; Қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) аъзоларининг умумий йиғилиши (вакиллар йиғилиши) қарори; Фермер ҳужалиги фаолиятининг бизнес-режаси.	туман ҳокимидан	ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига
5	Туман комиссиясининг хулосаси; Қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) аъзоларининг умумий йиғилиши (вакиллар йиғилиши) қарори; Фермер ҳужалиги фаолиятининг бизнес-режаси.	ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясидан	туман ҳокимига
6	Туман ҳокимининг қарори.	туман ҳокимидан	қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) раисига, фермер ҳужалиги бошлиғига
7	Фермер ҳужалигини юритиш учун ер участкасини ижарага бериш шартномаси.	қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) раҳбаридан	фермер ҳужалиги раҳбарига
8	Фермер ҳужалигини юритиш учун ижарага бериладиган ерларни кўрсатиш далолатномаси.	туманнинг бош ер тузувчиси-дан	қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) раисига, фермер ҳужалиги бошлиғига

**Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни
деҳқон хўжаликларига ўзгартириш**

Т А Р Т И Б И

1. Ушбу Тартиб фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш механизмини белгилайди.

2. Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликлар хўжалик бошлиғининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг иш берувчиси (маъмурияти)га ҳамда туман ҳокимига ёзма мурожаатига асосан юридик шахс ташкил этган ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ушбу хўжаликлар аъзоларининг қарори билан ихтиёрийлик асосида деҳқон хўжаликларига ўзгартирилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишнинг йўналишлари кўрсатилади.

3. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокамасига киритади, умумий мажлис бу хусусда тегишли қарор қабул қилади. Бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тўғрисидаги қарор шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юқори бошқарув органи, иш берувчиси (маъмурияти) томонидан қабул қилинади.

4. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилоти юқори бошқарув органининг, иш берувчиси (маъмурияти)нинг қарори асосида туман ҳокими фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олган ҳолда

фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилади.

5. Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш учун туман ҳокимининг қарори билан туман ҳокимлиги ҳузурида фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш бўйича комиссия ташкил этилади.

Комиссия таркибига туман ҳокимлиги, ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш Комиссияси, Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг туман вакиллиги, туман иқтисодиёт ва статистика бўлими, солиқ хизмати, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари кирадилар.

6. Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш бўйича комиссия беш кун муддатда шахсий ёрдамчи хўжалик эгасининг мурожаатини кўриб чиқади.* Бунда Комиссия:

ер участкасидан унумли фойдаланилишига;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мулк солиғи тўланиши ҳолатига;

деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя этилишига эътибор беради.

7. Комиссия фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликни деҳқон хўжалигига ўзгартириш тўғрисидаги тегишли таклифни ҳокимга тақдим этади.

8. Туман ҳокимининг фаолият кўрсатиб турган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тўғрисидаги қарори туман молия, банк, солиқ ва бошқа тузилмалари учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади.

9. Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжалик аъзолари қонунда белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалигининг манфаатларини ифода этувчи хўжалик бошлигини сайлайдилар. Хўжалик бошлиғи ёки хўжаликнинг муомалага лаёқатли аъзоларидан бирининг номига ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи расмийлаштирилади.

**ЗЕМЕЛЬНЫЙ КОДЕКС
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
И АКТЫ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА**

**ОБ УТВЕРЖДЕНИИ ЗЕМЕЛЬНОГО КОДЕКСА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ЗАКОН

РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

от 30 апреля 1998 г.

**(Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан,
1998 г., № 5—6, ст. 82)**

**Олий Мажлис Республики Узбекистан постанов-
ляет:**

Утвердить Земельный кодекс Республики Узбекистан.

**Президент
Республики Узбекистан**

И. КАРИМОВ

ЗЕМЕЛЬНЫЙ КОДЕКС РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Глава 1. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ

Статья 1. Основные задачи земельного законодательства

Земля является общенациональным богатством, подлежит рациональному использованию и охраняется государством как основа жизни, деятельности и благосостояния народа Республики Узбекистан

Основными задачами земельного законодательства являются регулирование земельных отношений в целях обеспечения в интересах настоящего и будущих поколений научно обоснованного, рационального использования и охраны земель, воспроизводства и повышения плодородия почв, сохранения и улучшения природной среды, создания условий для равноправного развития всех форм хозяйствования, охраны прав юридических и физических лиц на земельные участки, а также укрепление законности в этой сфере.

Статья 2. Основные принципы земельного законодательства

Земельное законодательство основывается на следующих основных принципах:

сохранение земельного фонда, улучшение качества и повышение плодородия почв как важнейшего природного ресурса, основы жизнедеятельности граждан;

обеспечение рационального, эффективного и целевого использования земель;

обеспечение особой охраны, расширения и строго целевого использования земель сельскохозяйственного назначения, прежде всего орошаемых земель;

оказание государственной и иной поддержки в осуществлении мероприятий по повышению плодородия сельскохозяйственных угодий, улучшению мелиоративного состояния и охране земель;

предотвращение нанесения ущерба земле и всей окружающей природной среде, обеспечение экологической безопасности;

многообразии форм владения и пользования землей,

обеспечение равноправия участников земельных отношений, защита их законных прав и интересов;
платность пользования землей;
обеспечение полноты и доступности информации о состоянии земель.

Статья 3. Акты земельного законодательства

Земельное законодательство состоит из настоящего Кодекса и иных актов законодательства, регулирующих земельные отношения.

Земельные отношения в Республике Каракалпакстан регулируются также законодательством Республики Каракалпакстан.

Горные, лесные и водные отношения, отношения по использованию и охране почв, растительного и животного мира, а также атмосферного воздуха регулируются специальным законодательством.

Если международным договором Республики Узбекистан установлены иные правила, чем те, которые содержатся в земельном законодательстве Республики Узбекистан, то применяются правила международного договора.

Статья 4. Компетенция Кабинета Министров Республики Узбекистан в области регулирования земельных отношений

Ведению Кабинета Министров Республики Узбекистан в области регулирования земельных отношений подлежат:

осуществление единой государственной политики по рациональному использованию и охране земель;

принятие нормативных актов о регулировании земельных отношений в соответствии с настоящим Кодексом, иными актами законодательства;

разработка и реализация совместно с местными органами государственной власти государственных программ по повышению плодородия почв, рациональному использованию и охране земель в комплексе с другими природоохранными мероприятиями;

организация проведения природно-сельскохозяйственного районирования, землеустройства, мониторинга земель и ведения государственного земельного кадастра;

распоряжение землями, находящимися в государственной собственности;

координация деятельности министерств и ведомств при использовании и охране земель;

прекращение прав владения и пользования землей, а также аренды земельного участка и права собственности на земельные участки в установленном порядке в соответствии со статьей 36 настоящего Кодекса;

организация государственного контроля за рациональным использованием и охраной земель;

решение других вопросов, входящих в компетенцию Кабинета Министров Республики Узбекистан в области земельных отношений.

С т а т ь я 5. Компетенция органов государственной власти областей, города Ташкента в области регулирования земельных отношений

Ведению органов государственной власти областей, города Ташкента в области регулирования земельных отношений подлежат:

разработка и реализация территориальных программ по повышению плодородия почв, рациональному использованию и охране земель;

осуществление государственного контроля за целевым, рациональным и эффективным использованием земельных ресурсов, охраной земель;

организация землеустройства, мониторинга земель и ведения государственного земельного кадастра;

предоставление юридическим лицам земель во владение, пользование и аренду для сельскохозяйственных и других государственных и общественных нужд;

изъятие из всех земель, за исключением особо ценных продуктивных орошаемых земель, земель, занятых особо охраняемыми территориями, земель пригородных и зеленых зон городов, опытных полей научно-исследовательских организаций и учебных заведений, покрытых лесной растительностью, — независимо от размеров;

реализация в собственность дипломатических представительств и приравненных к ним международных организаций, аккредитованных в Республике Узбекистан, земельных участков для строительства зданий этих пред-

ставительств, включая резиденцию главы представительства;

